

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЁРЛАШ ВА УЛАРНИ  
МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



“ФАРМАЦИЯ”



ТОШКЕНТ 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“Фармация”йўналиши**

**“ФАРМАЦЕВТИК ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН  
РЕСУРСЛАР”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** “DIAR PROFI” Ўқув – консалтинг маркази директори, фарм.ф.н., доцент Д.Т.Саипова,

**Тақризчилар:** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тарофини ривожлантириш агентлиги Фан ва таълимни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси фарм.ф.н. Д.Т.Ахмедова  
Тошкент фармацевтика институти Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси доценти, б.ф.н. Хидоятова З.Ш.

**Ўқув -услубий мажмуа Тошкент тиббиёт академияси Кенгашининг 2020 йил 25-декабрдаги 7-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>19</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>72</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>132</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>136</b>
<b>VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>140</b>

## **И ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳоратларини оширишга ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган қатъий ислоҳотлар мазмунини очиб беришни мақсад қиласди.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

#### **“Фармацевтик таълим тизимида инновацион ресурслар” модулининг мақсади:**

педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникума ва малакаларини инновацион ресурслар, илғор хорижий тажриба асосида уйғунлаштириш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат. Шу билан бирга курс тингловчиларини фармацевтика фанларини ўқитишда қўлланадиган илғор инновацион ресурслар ва хорижий тажриба билан таништириш, билимларини такомиллаштириш, фармацевтик таълим жараёнида муаммоларини аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникума ва малакаларини таркиб топтириш.

#### **“Фармацевтик таълим тизимида инновацион ресурслар” модулининг вазифалари:**

- хорижда, МДҲ давлатлари ва республикамиизда фармацевтик таълим тизими бўйича тингловчиларга маълумот бериш;

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалар замонавий ёндашувларга оид билимлар бериш;
  - тингловчиларда илғор таълим технологиялари бўйича билимларни шакллантириш;
  - замонавий таълимда тыторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти ҳақида тингловчиларда янги билимларни шакллантириш;
  - тингловчиларни модулли-кредит тизими, Blended learning (аралаш ўқитиш, case studi, масофавий ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар билан таништириш);
- Тингловчиларда ECTS кредитлари, ECTSнинг асосий тамойиллари, ECTSнинг хусусиятлари, кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси бўйича билим ва малакаларини шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

#### **Тингловчи:**

- хорижий фармацевтик таълим тажрибаларининг асосларини;
- Ўзбекистон таълим тизими ва унинг фаалликларини;
- модулли ўқитиш тизими ва унинг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини;
- модулли ўқитиш тамойилларини;
- Blended learning (аралаш ўқитиш) моҳияти ҳақида **билимларга** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- ўқитишининг 4 поғонали усули асосида таълим жараёнини шакллантириш;
- илғор хорижий тажриба асосида Case study (кейс стади), Эвристик ўқитиш методи, Вебинар методларини қўллаш;
- фармацевтика фанларини ўқитища замонавий таълим техногогияларини амалда қўллашкўникма ва малакаларини эгаллаши зарур.

#### **Тингловчи:**

- биоэквивалентликни аниқлаш усуллари ва меъёрий хужжатларни қўллай олиш;

- тиббиётда нанотехнологиялар асосида олинган дори воситаларини қўллаш бўйича;
- таъсири модификацияланган ва йўналтирилган дори воситаларнинг замонавий фармакотерапияда қўллаш бўйича керакли тавсияларни бериш;
- педиатрик ва гериатрик дориларни таркиб ва мўътадил технологиясини асослаш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- 4 пофона усули доирасидаги ҳаракатларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- фармацевтика фанларини ўқитишида замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолиятини ташкил қилиш;
- йўналтирувчи матн усули доирасидаги ҳаракатларни амалга ошириш;
- илгор хорижий тажриба асосида талабалар билимини баҳолаш компетенцияларини эгаллаши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модулни ташкил этиш шакллари: диалог, мунозара, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган коллектив ва кичик гурухлар.

Модулни ўқитиши даврида педагогик жараённи жадаллаштириш мақсадида замонавий педагогик технологиялар, ахборот воситалари, компьютер, интернет тизимидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Ўқув жараёни муаммоли маъruzalар ўқиши, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илгор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, тингловчиларни ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиши, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш асосида олиб борилади.

Модулни ўтказиш бўйича қуидаги асосий концептуал ёндошувлардан фойдаланилади: шахсга йўналтирилган таълим, тизими ёндошув, фаолиятга йўналтирилган ёндошув, диалогик ёндошув, ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш, муаммоли таълим, компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш, ўқитиши усуллари ва техникаси (маъзуза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойиҳалаш усуллари, амалий ишлар).

**Ўқитиши воситалари:** ўқитишининг анъанавий шакллари (дарслик, маъзуза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

**Коммуникация усуллари:** тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

**Тескари алоқа усуллари ва воситалари:** кузатиш, блиц-сўров, жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

**Бошқариш усуллари ва воситалари:** ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: амалий машғулотларда ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириклари ёрдамида тингловчиларнинг билимлари баҳоланади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Фармацевтика тармоғидаги интенсив ислоҳотлар ва тизимли таҳлил”, “Фармацевтика ривожланишининг устувор йўналишлари ва инновациялар” ва бошқа ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан	
			Жами	назарий	амалий	машғулот	кўчма
1.	Олий таълим тизими ва фармацевтика соҳасидаги ислоҳотлар	5	5	2	3	-	-
2	Фармацевтика фанларини ўқитишда	5	5	2	3	-	-

	ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашда илфор хорижий тажрибалар						
3	Фармацевтика фанларининг таълим жараёнида замонавий таълим асослари	10	10	2	4	4	-
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>20</b>	<b>6</b>	<b>10</b>	<b>4</b>	<b>-</b>

## **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Олий таълим тизими ва фармацевтика соҳасидаги ислохотлар**

Мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида амалга ошаётган кенг кўламли ислоҳотлар. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойили. Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида янгича йўналишлар - таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган ҳолда, автоматлаштирилган, талабалар билимини баҳолашнинг портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат каби замонавий, шаффоф ҳамда адолатли усуллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5707-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеяси. “Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери ва Фармацевтик техника университетини ташкил этиш. Ўзбекистон Республикасида фармацевтик кадрларга оид муаммолар ва уларнинг ечими. Фармацевтика таълими тизимидағи ислоҳотлар

### **2 мавзу: Фармацевтика фанларини ўқитишда ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашда илфор хорижий тажрибалар**

Европа ва АҚШ да олий таълим тизимининг уч босқичи мажбурий тайёргарлик (undergraduate), асосий (professional degree program) ва резидентура (graduate) босқичлари. Европа Ҳамжамияти давлатларида фармацевтик таълим тизими ҳақида маълумотлар. Америка Кўшия Штатларида фармацевтик таълим тизими. МДХ давлатларида олий фармацевтик таълим тизими. Ўзбекистон Республикасида фармацевтларни тайёрлашнинг узлуксиз тизими тизими. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва

унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалар замонавий ёндашувлар. Хорижий таълимда тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик тушунчалари

### **3-мавзу: : Фармацевтика фанларининг таълим жараёнида замонавий таълим асослари**

Фармацевтика фанларини ўқитишида Blended learning (аралаш ўқитиши) технологияси. “Flipped Class” педагогик технологияси. Тингловчиларда инновацион характерга эга педагогик фаолиятни ташкил этиш. case study, масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва эвристик методларнинг долзарблиги. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион воситалар (компьютер, проектор, электрон доска, Интернет ва вебинар технологиялар). ECTS кредитлари, ECTS нинг асосий тамойиллари, ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси. ОТМ педагогларида ўқув машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга креатив ёндашиш қўйикма-малакаларини такомиллаштириш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Олий таълим тизими ва фармацевтика соҳасидаги ислохотлар**

Мамлакатимизда таълим тизимини изчили ривожлантириш борасида амалга ошаётган кенг кўламли ислоҳотлар. Ҳудудларда малакали кадрлар билан боғлиқ муаммолар ечими. Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида янгича йўлшлар - таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган ҳолда, автоматлаштирилган, талабалар билимини баҳолашнинг портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат каби замонавий, шаффоф ҳамда адолатли усуллари. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамоили. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5707-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеяси. “Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери ва Фармацевтик техника университетини ташкил этиш. Ўзбекистон Республикасида фармацевтик кадрларга оид муаммолар ва уларнинг ечими. Фармацевтика таълими тизимидағи ислоҳотлар.

## **2-амалий машғулот:**

### **Фармацевтика фанларини ўқитишда ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашда илғор хорижий тажрибалар**

Европа ва АҚШ да олий таълим тизимининг уч босқичи мажбурий тайёргарлик (undergraduate), асосий (professional degree program) ва резидентура (graduate) босқичлари. Европа Ҳамжамияти давлатларида фармацевтик таълим тизими ҳақида маълумотлар. Америка Кўшия Штатларида фармацевтик таълим тизими. МДХ давлатларида олий фармацевтик таълим тизими. Ўзбекистон Республикасида фармацевтларни тайёрлашнинг узлуксиз тизими тизими. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалар замонавий ёндашувлар. Хорижий таълимда тыютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик тушунчалари

## **З амалий машғулот:**

### **Фармацевтика фанларининг таълим жараёнида замонавий таълим асослари**

Фармацевтика фанларини ўқитишда Blended learning (аралаш ўқитиши) технологияси. “Flipped Class” педагогик технологияси. Тингловчиларда инновацион характерга эга педагогик фаолиятни ташкил этиш. case study, масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва эвристик методларнинг долзарблиги. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион воситалар (компьютер, проектор, электрон доска, Интернет ва вебинар технологиялар). ECTS кредитлари, ECTS нинг асосий тамойиллари, ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси. ОТМ педагогларида ўқув машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга креатив ёндашиш қўнимка-малакаларини такомиллаштириш.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **Фармацевтика фанларининг таълим жараёнида замонавий таълим асослари**

Фармацевтика фанларини ўқитишда Blended learning (аралаш ўқитиши) технологияси. Тингловчиларда инновацион характерга эга педагогик фаолиятни ташкил этиш. case study, масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва эвристик методларнинг долзарблиги. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион воситалар (компьютер, проектор, электрон доска, Интернет ва вебинар технологиялар). ECTS кредитлари, ECTS нинг

асосий тамойиллари, ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси. ОТМ педагогларида ўқув машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга креатив ёндашиш кўникма-малакаларини такомиллаштириш.

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

Маърузалар илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда савол-жавоб тарзида, тингловчиларни ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш асосида олиб борилади.

Амалий машғулотлар илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиб, тингловчиларни ундейдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш, замонавий фармация фанлари муаммоларига доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш билан тизимли, фаолиятга йўналтирилган ва диалогик ёндошув, ҳамкорликда, кейс-стади ва муаммоли таълим асосида олиб борилади.

Шунингдек, амалий машғулотлар ўрганилаётган муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш мақсадида давра сухбатлари, муаммолар ечими бўйича далиллар ва маълумотларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш учун баҳс ва мунозаралар, блиц-сўровлар ёрдамида амалга оширилади.

*Ўқув ишини ташкиллаштиришининг интерфаол шаклларидан:* бинар-маъруза, савол-жавобли маъруза, сухбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

*Ўқув фаолиятини ташкил этиши шакллари сифатида қўйидагилардан фойдаланиши назарда тутилган:*

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда гурӯхли, жамоавий, жуфтлик, индивидул.

## **II МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Таълим технологияси аниқ педагогик ғоя асосида ишлаб чиқилиб, унинг негизини қуидагилар ташкил этади: муаллифнинг аниқланган методологик, фалсафий йўналиши; педагогик, психологик ва ижтимоий фанлар ҳамда педагогик амалиёт-концептуал асослари.

Таълим тизими бошқа барча хорижий мамлакатлар сингари фалсафа, психология ва педагогикада инсонпарварлик йўналишидаги принциплар асосида тузилади. Педагогикада бу йўналишнинг асосий фарқ қиласиган жиҳати шундаки, бунда таълим олувчининг ўзлиги, унинг шахси, мустақил танқидий фикрлашини онгли ривожланишига аниқ йўналтирилган, уларнинг хусусият ва имкониятларини ҳисобга олган ҳар бир таълим олувчининг мустақил билиш фаолиятига эътиборида ҳисобланади.

### **«ФСМУ» методи**

Таълимга оид, айниқса, юксак малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тарбиялашда сўнгги ютуқлар билан бирга илғор хорижий тажрибани доимий ўрганиб бориши борасида тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, таълим соҳасига кенг жорий этилмоқда.

Ана шундай усуллардан бири бўлган «ФСМУ» методи “Фармацевтика фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар” модулининг таълим жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласи. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади [1].

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosа ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қофозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустакил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш

тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What) [9, 5].

### **“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>• кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>• ахборотни умумлаштириш;</li> <li>• ахборот таҳлили;</li> <li>• муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>• муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>• асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>• муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>• ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>• муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>• якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>• муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>• ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>• якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

#### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- “Фармацевтика фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибалар” модули асосида бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

## **Муаммоли вазиятлар усули**

**Муаммоли вазиятлар усули** – таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан тузилган. Усулнинг етакчи вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ✓ Ўргатувчи – билимларни фаоллаштиришга асосланган;
- ✓ Ривожлантирувчи – таҳлилий тафаккурни, алоҳида ҳодисаларнинг далиллари қонунийликни кўра билишини шакллантириш;
- ✓ Тарбияловчи – фикр алмашиниш қўнималарни шакллантириш.

Муаммоли вазифалардан фойдаланиш усули бизга, назарияни амалиёт билан боғлаш, имконини беради, бу материални таълим олувчилар учун янада кўп долзарбли қиласди.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қўйидагилардан иборат бўлади:

- ❖ номаълумнинг борлиги, уни топиш янги билимларни шаклланишига олиб келади;
- ❖ номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун таълим олувчиларда маълум даражада билим манбалари борлиги.

Муаммо З таркибий қисмдан ташкил топади:

- Маълум (ушбу берилган вазифадан).
- Номаълум (янги билимларни шаклланишига олиб келади).
- Номаълумни топиш йўналишида қидирувни амалга ошириш учун керак бўлган, аввалги билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, ўқув муаммосини таълим олувчиларга олдиндан номаълум бўлган натижа ёки бажариш усули вазифаси сифатида аниқлаш мумкин. Лекин таълим олувчилар ушбу натижа қидирувини амалга ошириш ёки ҳал этиш йўли учун дастлабкига эгадирлар. Шундай қилиб, таълим олувчилар ҳал этиш йўлини билади, вазифаси ўқув муаммоси бўлмайди. Бошқа томондан, агарда таълим олувчилар у ёки бу вазифани ечиш йўлини билмай уни ечиш қидируви учун воситага эга бўлмасалар, унда у ҳам ўқув муаммоси бўлиши мумкин эмас.

Муаммоли вазифани мураккаблиги (вазият «ўқув» муаммо) бир қатор далиллар билан аниқланади, бу жумладан таълим олувчилар даражасига мос қилиши керак. Агарда таништирувчи материал жуда ҳам ҳажми катта ёки мураккаб бўлса, улар ҳамма ахборотни қабул қила олмайдилар, ечимини топишни билмайдилар ва ўқув фаолиятида бўлган ҳар қандай қизиқишлиардан маҳрум бўладилар.

Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазифани бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг ўқув гурӯҳида омадли вариантини тузишга эга бўлинади. Шунга қарамай, бундай вазифалар назарияни ҳақиқий вазият билан боғлаш имконини беради. Бу таълим олувчилар онгида ўқитишни

фаоллаштиришга имкон беради, келажакдаги касбий фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам бўлади.

### **Муаммоли вазиятлар усули қўлланилган ўқув машғулотининг технологик харитаси**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
Тайёргарлик	Таълим берувчи мавзу, муаммоли (муаммо) вазиятни танлайди,
1 – босқич Муаммога Кириш	Тингловчилар гурухларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар
2 - босқич Муаммога кириш	Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имкониятларини гурухларда муҳокама қиласидилар, уларни таҳлил қиласидилар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикрни ифодалайдилар.
3 - босқич. Натижаларни тақдим этиш	Натижаларни маълум қиласиди, бошқа гурух варианtlарини муҳокама қиласидилар
4 - босқич Умумлаштириш, якун ясаш	Баҳосиз ва қисқа равишда муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади

### **Лойиҳалар усули**

**Лойиҳалар усули** билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиши усулини амалга оширади. Таълим олувчилар юқори даражада, бошқа ўқитиши усулларидан фойдаланишга қараганда, режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш ва вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштирок этадилар. Лойиҳа фанлараро, бир фан ёки фан ташқарисида бўлиши мумкин.

### **Лойиҳа усулининг амалга ошириш босқичлари**

<b>Иш босқичлари</b>	<b>Фаолият шакли ва мазмуни</b>
Тайёргарлик	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўқитувчи лойиҳа мавзулари ва мақсадини аниқлайди. Таълим олувчиларни лойиҳалаш ёндашуви моҳияти билан таништиради. Бир қанча мавзулар таклиф этади, лойиҳа мазмуни тўғрисида маълумот беради, улар доирасини шакллантиради, иш турлари, уларнинг натижалари ва баҳолаш</li> </ul>

	мезонларини санаб ўтади.
1 - босқич Режалаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Ўқитувчи ғояларни таклиф этади, таклифларни айтади.</li> <li>➤ Ахборот манбаи ва унинг йиғиш усуллари ва таҳлилини тавсия этади.</li> <li>➤ Иш тартиби ва оралиқ босқичларни баҳолаш мезонлари ва умуман жараённи белгилайди.</li> </ul>
2 - босқич Тадқиқ қилиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Тингловчилар тадқиқотни бажарадилар. Ахборот тўплайдилар, оралиқ вазифаларни ечадилар.</li> </ul>
3 - босқич Ахборот таҳлили. Хуносаларни шакллантириш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Тингловчилар олинган ахборотни таҳлил қиласидилар, хуносаларни шакллантирадилар</li> </ul>
4 - босқич Тақдимот босқичи	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Тингловчилар олинган натижалар бўйича тақдимотга тайёрланадилар. Иш натижаларини намойиш тадилар.</li> </ul>
5 - босқич Жараён ва натижаларни баҳолаш.	<ul style="list-style-type: none"> <li>➤ Тингловчилар жамоавий муҳокама орқали иш натижалари ва унинг бориши, шу жумладан муаммони ечишнинг тўлиқлик даражаси ва ҳаракат стратегиясини химоя қиласидилар, ўқитувчи уларни баҳолайди</li> </ul>

### III НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### **1-мавзу: Олий таълим тизими ва фармацевтика соҳасидаги ислоҳотлар**

1. Мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида амалга ошаётган кенг кўламли ислоҳотлар.
2. 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойили.
3. Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида янгича йўналишлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари ва бошқа қонуности хужжатлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеяси. “Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери ва Фармацевтик техника университетини ташкил этиш.
6. Ўзбекистон Республикасида фармацевтик кадрларга оид муаммолар ва уларнинг ечими. Фармацевтика таълими тизимидағи ислоҳотлар

**Таянч иборалар:** глобаллашув, интенсив ислоҳотлар, таълим сифати, портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат, халқаро стандартлар

#### **Мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида амалга ошаётган кенг кўламли ислоҳотлар**

Президентимиз давлат раҳбарлиги фаолиятларининг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. “Мен янги Ўзбекистонни – обод ва фаровон, демократик мамлакатни барпо этишда сиз, муҳтарам педагогларни, профессор-ўқитувчиларни ўзим учун энг катта куч, таянч ва суянч, деб биламан. Сизларнинг ҳал

**қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаш, сизлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб беришини Президент сифатида ўзимнинг муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман”.**

Дарҳақиқат, XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб бораётган рақобат асрига айланиб бораётган бир даврда интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш нақадар долзарб эканлигини исботлашга ҳожат йўқ, албатта. Чунки, бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қўядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Президентимиз бу муваффақиятлар калити таълим ва тарбияда эканлиги таъкидлаб, “**Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик.** Бу ҳақда гапирав эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак” – деб, таъкидладилар. Чунки, мозийга назар ташласак, узоқ ўтмишдан муқаддас заминимизда яшаган улуғ аждодларимиз бундан кўп асрлар илгари ҳозирги замонавий илм-фанга пойдевор қўйиб, уни ривожлантиришга беқиёс хисса қўшган. Хусусан, улар математика, астрономия, геодезия, география, тарих, арифметика, фармакология, тиббиёт, фалсафа ва тилшунослик соҳаларидаги қомусий ишлари, ихтиrolари билан жаҳон цивилизацияси равнақида ўчмас из қолдирганлар. Бу бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олингани ҳақиқатdir.

Чунончи, ғарбда “Нур Шарқдан таралади” деган иборанинг пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас, албатта. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби бобокалонларимиздан қолган илмий-маънавий мерос Шарқ уйғониш даврининг дурдоналари мақомида дунё аҳли томонидан ҳақли равища тан олинган. Айниқса, Марказий Осиё ўрта асрлар илмий-маданий марказларидан бири сифатида бошқа минтақалардаги Ренессанс жараёнига ижобий таъсир қўрсатгани жаҳон илм-фанида ўз тасдиғини топган.

Таълим жараёнини ислоҳ ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлари мухим ўрин эгалламоқда. Сўнгги тўрт йил мобайнида уларнинг сони 47 тага ортди ва бугунги кунда мамлакатимизда 125 та университет ва олий ўқув юртида талабалар таълим олмоқда. Давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди. Сиртқи ва кечки таълим шаклларини қайта тикланди, қабул квоталари оширилди. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга етди.

Дастур доирасида ўқув юртлари учун ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини қайта ташкил этиш, аввало, ўқув-услубий базани бутунлай қайта кўриб чиқиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги стандартлар, дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни тасдиқлаш бўйича кенг миёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда **“Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак”**.

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълим тизимида ислоҳотларнинг мантиқий давоми, ўз вақтида қабул қилинган мухим хужжат бўлди.

Қарорда олий таълим тизимида бугунги кунда учраётган оғриқли нуқталар очик-ойдин санаб ўтилгани ҳолда, ушбу муаммоларнинг ечимлари ҳам тўлиқ кўрсатиб берилди.

Хужжатга кўра, алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш муддати камида уч йил бўлган бакалавриат ҳамда камида бир йил бўлган магистратурани жорий этиш, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб таянч олий таълим муассасалари томонидан тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ҳамда дастурларининг кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига кўра, мустақил равишда ишлаб чиқилиши худудларда малакали кадрлар билан боғлиқ муаммоларга ечим топади.

Яна бир мухим жиҳати шуки, энди талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида янгича йўл тутилади. Бунда таълим

йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган ҳолда, автоматлаштирилган, талабалар билимини баҳолашнинг портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат каби замонавий, шаффофф ҳамда адолатли усулларини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Муайян фанлардан дарс берган ўқитувчи-педагогларнинг якуний назорат жараёнидаги иштирокини истисно қиладиган тизимнинг қўлланилиши ҳам таълим тизимида очиқлик ва шаффоффликни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилини жорий этишнинг аниқ механизмлари белгиланди. Бу айрим ўқитувчиларнинг кўр-кўрона дарс ўтиб, ўзининг ҳам, талабанинг ҳам, энг аянчлиси, етук ёш кадрларга кўз тикиб турган жамиятимизнинг ҳам вақтини ўғирлашдек оғир оқибатларни бартараф қилишга имкон беради. Қолаверса, Президентимиз қарори билан олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган ийғилишларга, тадбирларга жалб этиш тақиқланди.

Бугунги давр талаблари кечаги куннинг мезонларидан буткул фарқ қиласди. Ҳозир замонавий фикрлайдиган, энг сўнгги янгиликлар билан ҳамнафас яшайдиган, кун сайин дунёқарашини бойитиб борадиган кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, олий таълим тизими зиммасига катта масъулият юкланди. Президентимизнинг мазкур қарорида белгиланган комплекс чора-тадбирлар ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони) асосида олий таълим соҳасида устуворликлар аниқланди:

- Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш.
- Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш.
- Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш.
- Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш.
- Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш.

- Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш.
- Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш.
- Коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.
- Олий таълим тизимининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.
- Олий таълим сифатини оширишнинг қўшимча омиллари.

Олий таълимни ташкил этиш стратегиясида олий таълим муассасаларининг ички тузулмалари ҳам муҳим ўрин тутади. Шарқ ва Фарб маданиятида олий таълим муассасаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихида жамиятнинг турли ижтимоий-иктисодий босқичларида таълим муассасаларининг муайян тузилмалари шаклланганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони

Амалга оширилаётган ишларнинг таҳлили олий таълим тизими олдида турган вазифаларни самарали ташкил қилиш, амалга оширишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

- биринчидан, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим беражётган профессор-ўқитувчилар томонидан фан мазмунини етказиш ва таълим олаётган талабаларни ўзлаштириш ҳамда уларнинг билимини тўғри баҳолаш тизими талаб даражасида эмас;
- ўқув жараёнини замонавий технологиялар асосида ташкил этиш борасида таълим дастурлари мазмуни ва уларни янгилаб бориш суръатлари бугунги кунда изчил ривожланаётган иқтисодиёт тармоқлари ва меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига тўлақонли жавоб бермайди;
- иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида доимий ишламаганлиги, билими, педагогик қўнимаси ва маҳоратининг пастлиги, инновацион таълим технологияларидан фойдаланмаганлиги битирувчиларни буюртмачи (иш берувчи) талабига жавоб бермаслигига олиб келди;

- республикада олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларига талабаларни қабул қилишни режалаштиришнинг мақбул механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги натижасида меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўртасида номутаносиблик келиб чиқишига асос бўлди;
- учинчидан, олий таълим ва ўрта маҳсус муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаганлиги, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларнинг тизимли ўрганилмаганлиги соҳада илм-фан йўналишларининг ривожланмаганлигига олиб келди;
- тўртинчидан, олий ва ўрта маҳсус таълимининг ижтимоий мавқеи ва нуфузи, ходимлари меҳнатини рағбатлантириш тизими паст даражада бўлганлиги аксарият ҳолатларда соҳада кўплаб муаммоларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;
- марказлашган ҳолда олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари раҳбар кадрларини тайинлаш, уларнинг ташкилий тузилмаларини тасдиқлаш тартиблари таълим муассасалари бошқарувини самарали ташкил этиш ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг жадал суръатларда ижросини таъминлашда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда;
- бешинчидан, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларидаги замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологиялари бошқаруви, ўкув-жараёнини ташкил этиш, дастурий воситаларни таълим мазмунига сингдириш масалалари талаб даражасида эмас;
- олий ва ўрта маҳсус таълим тизими моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўкув лабораториялари ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари билан таълим йўналишларининг дастурлари талабларига мувофиқ равишда таъминланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ЎзР ВМсининг 2019 йил 23 сентябрда “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарори қабул қилинди.

Бу қарорга асосан қуйидагилар жорий этилди:

- Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом

- Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш миңтақавий ва тармоқ марказларининг намунавий тузилмалари
- Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида самарали дарс берадиган профессор-ўқитувчилар, тажрибали амалиётчи мутахассисларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом

Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарурияти белгиланди. Ахборот ва коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур. Шу билан бирга, таълим жараёнида тадқиқотга асосланган ёндашувдан фаол фойдаланиш лозим ва бу билан илмий тадқиқотда талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш ва ИТ- компетенцияга асосланган ижодий қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш мумкин. Ахборот ва коммуникация технологиялари – таълим тизимидағи барча муаммоларга ечим эмас, балки рақамли авлод учун маъruzалар ва семинарларни маълумотларга бой ва интерактив қилиб амалга ошириш воситасидир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўқитувчилар талабаларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган интерфаол ўқув жараёнида асосий ролни сақлаб қолади. Ўқитувчининг обрўси ва унинг фаолиятининг самарадорлиги фақатгина курс мазмунидаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилиятига эмас, балки муайян ўқув материалини тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитишида ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли асрда таълим қайта кўриб чиқилиши ва таълим парадигмаси ўзgartирилиши шарт, чунки талабалар ортиқ анъанавий услугуда ўқиши хоҳламайдилар ва ўқитувчилар ҳам бу каби одатий усулда ўқитиши давом эттиришлари керак эмас.

### **2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойили**

Сўнгги йилларда янги олий ўқув юртлари ташкил қилиниши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий метод ҳамда усулларининг қўлланилиши, таълим тизимида сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, қолаверса, олий таълим

муассасаларига қабул квоталарининг кўпайтирилиши фикримизга яққол мисол бўла олади. Шу билан бирга олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларда мазкур муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга ғов бўлаётган муаммолар ҳам, афсуски, кўзга ташланади.

Президентимизнинг 2018 йил 5 июнданги “**Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПҚ-3775 қарори бу борадаги муаммоларни бартараф этиш, таълим сифатини янада юксалтиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Қарорда олий таълим тизимида бугунги қунда учраётган оғриқли нуқталар очиқ-ойдин санаб ўтилгани ҳолда, ушбу муаммоларнинг ечимлари ҳам тўлиқ кўрсатиб берилди.

Мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 марта қадар 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилини жорий қилишнинг аниқ механизmlарини белгилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилди. Бунда ушбу тамойил талабларига жавоб бермайдиган профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини бекор қилишгача бўлган чоралар кўрилиши белгиланган. Бу айrim ўқитувчиларнинг кўр-кўrona дарс ўтиб, ўзининг ҳам, талабанинг ҳам, энг аянчлиси, етук ёш кадрларга кўз тикиб турган жамиятимизнинг ҳам вақтини ўғирлашдек оғир оқибатларни бартараф қилишга имкон беради.

Бундай янгича ёндашув олий таълим муассасаларида таълим сифатини юксалтиришга салбий таъсир кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар фаолиятини ҳар томонлама танқидий мониторинг қилиб, баҳолаб, натижаси бўйича тегишли чоралар кўриш имкониятини яратади. Бу билан профессор-ўқитувчиларнинг масъулияти кучайиб, ўз устиларида доимий ишлаб бориш, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотларда бевосита қатнашиб, унинг мазмун-моҳиятини, аввало, талabalарга, қолаверса, халқимизга етказишда фаоллигини оширишга туртки беради.

Сабаби, ҳозирги қунда профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида ишламасликлари туфайли олий таълим муассасаларидаги дарслар ўсиб келаётган ёш авлоднинг талабларига тўлиқ мос келмаётгани, натижада

уларнинг дарс жараёнидан ҳар доим қониқиши ҳосил қилмаётганликларини кузатиш мумкин.

Тўғри, авваллари мунтазам равища олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган ишларга, йигилишларга ҳамда бошқа тадбирларга жалб этилиши ҳам таълим сифатига салбий таъсир кўрсатарди. Қарорда мана шундай муаммоли масалалар ечимиға ҳам эътибор қаратилганки, эндиликда профессор-ўқитувчилар фаолиятидан ташқари ишларга жалб қилинмайди. Бу ҳам ўқитувчиларнинг изланиши учун кенг имкониятлар яратилаётганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилининг жорий этилиши, ўз навбатида, талабаларга ҳам катта масъулият юклайди. Бунда талабалар ўқишга фидойилик билан ёндашиш, муассаса талабларини бажариш, дарсларга ўз вақтида келиш ва фаол қатнашиш каби масъулиятларини тўлиқ англаб этишлари лозим. Бу эса айнан абитуриентлик даражасидаги саралаш жараёнига бевосита боғлиқдир.

Хусусан, абитуриент олий таълим муассасасини ўз қизиқиши, салоҳияти ҳамда келажакдаги ўрнига қараб танлаши кераклиги ҳам муҳим ўрин тутади. Шундагина талабалик давридаги ўқиш жараёнида қўйиладиган талабларга амал қилиш ва унинг машаққатларига чидаш осон кечади, пировардида эса талаба ҳамда профессор-ўқитувчилар ўртасида ўзаро тушуниш, хурмат, фанга қизиқиши шаклланади. Қарор билан олий таълим муассасаларига қабул жараёнининг ҳам такомиллаштирилиши айнан абитуриент учун мос олий таълим муассасасини танлаш имконини беради.

Қолаверса, олий таълим муассасалари раҳбариятининг мамлакатни ислоҳ этиш жараёнида фаол қатнашиш борасидаги масъулиятини кучайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирларнинг белгиланиши, ҳар бир ректор ва проректор учун ушбу йўналишда алоҳида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиши, янги ғоя ҳамда ташаббусларни шакллантириш мақсадида олий таълим муассасасида “Ёш эксперtlар гуруҳи”нинг ташкил қилиниши ҳам мазкур тизим самарадорлигини янада оширишда устувор аҳамиятга эга бўлади.

## **Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида янгича йўналишлар**

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини изчилиривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга

оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “**Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида**”ги қарори таълим тизимидағи ислоҳотларнинг мантиқий давоми, ўз вақтида қабул қилинган муҳим хужжат бўлди.

Хужжатга кўра, энди талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида янгича йўл тутилади. Бунда таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган ҳолда, автоматлаштирилган, талабалар билимини баҳолашнинг портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат каби замонавий, шаффоф ҳамда адолатли усулларини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Муайян фанлардан дарс берган ўқитувчи-педагогларнинг якуний назорат жараёнидаги иштирокини истисно қиласидаги тизимнинг қўлланилиши ҳам таълим тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлайди.

Президентимизнинг бу қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 19-2018-сон буйруғи қабул қилинди.

Бу низомнинг «Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари», “Талабалар билимини баҳолаш”, «Баҳолаш натижаларини қайд қилиш» бобларида олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини белгиланган.

### **Худудларда малакали кадрлар билан боғлиқ муаммолар ечими**

Мамлакатда таълим сифатини, унинг жамиятда кечеётган ислоҳотлардаги ўрни ва иштирокини таъминламай туриб, тараққиётга юз тутиш мушкул. юртимизда халқаро талабларга жавоб берадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Лекин шу билан биргаликда худудларни малакали кадрлар биан таъминлашда қатор долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган:

- республикамиз худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тайёрлаш,
- олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш,

- кадрларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ва бошқалар.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигига жалб қилинган нуфузли хорижий эксперталар грухи томонидан 2017 йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хуносаларда куйидагилар каби камчиликлар қайд этилган:

- олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги,
- талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек,
- таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги,
- таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги,
- хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича ўйлга қўйилмаганлиги ва бошқалар.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиши, тармоқка зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки талабга жавоб бермайди.

Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмаяпти.

Олий таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш ўртасида узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган. Илмий-тадқиқот институтлари олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига зарур даражада жалб этилмаган, уларда илмий изланишлар иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан амалга оширилмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг тизимли тайёрланмаслиги олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятининг пасайишига олиб келмоқда.

Хорижий эксперталар грухи томонидан таклиф этилган тавсияларни инобатта олган ҳолда олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини

оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш орқали республика олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “**Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-3151-сон қарори билан бир қатор чора тадбирлар юқорида келтирилган мкаммоларнинг ечимида қаратилган.

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари ва бошқа қонуности хужжатлар**

Кейинги якин йилларда аҳолини ва соглиқни саклаш муассасаларини дori таъминоти тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда, дori таъминоти масалаларига қаратилган норматив хукукий хужжатлар кабул килинди. Жумладан, бугунги кунгача республикамизда хукуматимиз томонидан дori воситалар муомаласига бевосита ва билвосита boglik bulgan 22ta konun kabul kiliindi. Ушбу конунларнинг ижросини таъминлаш билан boglik bulgan Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Махкамаси карорлари ва бошқа қонуности хужжатлар кабул килинди. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5229-сонли фармони,
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2911-сонли қарори,

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3137 сонли карори,
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3489-сонли қарори,
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сонли карори ва бошқалар.

Фармацевтика фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арzon, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техника билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг ишлаб чиқарилиши, олиб кирилиши ва сотилишини мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 й. 7 ноябрида “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 5229-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлик-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони қабул қилиниши, аввало, юртимиизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий дори-дармон воситалари бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиласди. Шу билан бирга, дори-дармон ва тиббиёт буюмларини экспорт қилиш ҳажмини янада оширади.

Бу йўналишда амалга оширилаётган изчил ишлар ўз самарасини бера бошлади. Масалан, фармацевтика маҳсулоти экспорти 40 фоизга оширилишига эришилди, юқори технологиялар жорий қилиниши эвазига ҳар бир ишчига ишлаб чиқариш самарадорлиги 35 фоиз ўсади. Маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган дорилар тури 2 минг 300 дан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5590-сон **Фармони** билан “2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси» қабул қилинди.

Бу концепцияда фармацевтика соҳасига оид мақсадлардан кўйидагилари кўзда тутилган:

- фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш,
- янги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳамда тиббий техникани рўйхатга олиш тартиб-таомилларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш,
- нарх белгилаш механизmlарини такомиллаштириш,
- дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникани ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда турларини кенгайтириш,
- уларни маркировкалаш ва трекинг тизимларини жорий этиш

Шунингдек Концепцияда тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадлари асосида кўйидагилар йўналишлар белгиланган:

- тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитация қилиш),
- замонавий таълим дастурлари, усуллари ва технологияларини жорий этиш асосида шакллантириш.

### **Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеяси.**

#### **“Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери ва Фармацевтик техника университетини ташкил этиш**

“Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Қарорига мувофиқ ташкил этилган. “Tashkent Pharma Park” инновацион кластерини барпо этиш мамлакатимиз тиббиёти ва фармацевтика соҳасидаги улкан лойиҳа бўлиб, уни бошлашга Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг 2019 йил 18-21 апрель кунлари мамлакатимизга давлат ташрифи чоғида келишилган эди. Келишувга мувофиқ, мамлакатимиз фармацевтика тармоғида ўқув, илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантириш тизимини шакллантириш, энг яхши хорижий ўқув дастурлари асосида фармацевтика

соҳасида кадрлар тайёрлаш, юқори технологияли янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ушбу мақсадлар учун Тошкент вилоятининг Зангиота туманида умумий майдони 50 гектар бўлган ер участкаси ажратилган. Кластернинг 20 гектар майдонида технопарк ва 30 гектарида саноат зонаси жойлашади.

2020 йил 17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кластер қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши бўйича режалаштирилган ишлар билан танишиб, мажмуа қурилишига старт берди.

Технопарк ҳудудида академик, илмий-тадқиқот, клиник ва клиник давргача бўлган муолажалар учун дори-дармон воситалари ишлаб чиқарадиган секторлар жойлаштирилади.



Хусусан, бу ерда **Фармацевтик техника университетини** ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, унда халқаро таълим стандартлари қўлланган ҳолда фармацевтика, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқариш, косметология, саноат бошқаруви, ва IT-иловалар ишлаб чиқиш йўналишлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланади.

Шунингдек, ҳудудда илмий марказлар, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги биноси, Фармацевтика маҳсулотларини экспертиза қилиш давлат маркази, симпозиумлар маркази, меҳмонхона ва спорт мажмуалари ва бошқа зарур инфратузилмалар ҳам жойлаштирилади.

Саноат зонаси ҳудудида етакчи фармацевтика компанияларининг инновацион дори-дармонлар, тиббий буюмлар ва ускуналар ишлаб чиқариш майдонлари жойлашади.

Ҳеч шубҳасиз, ташкил этилаётган ушбу кластер соҳада ўзига хос биринчи “илмий шаҳарча” бўлиб, у бутун тармоқ учун мустаҳкам пойdevor яратади. Унда халқаро тажрибани кенг қўллаш, хориждан инвестициялар ва илғор илмий ишланмаларни жалб қилиш, инновацион ечимлар ва юксак технологияларни жорий этиш йўли билан юртимизда фармацевтика ривожи мутлақо янги босқичга олиб чиқилади.



Мамлакат раҳбариятининг Қарори билан кластерни ташкил этиш бўйича концепция ва амалий ишлар режаси тасдиқланди, Кластер Васийлик кенгаши ва “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ривожлантириш дирекцияси ташкил этилди.

“Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери илгор халқаро тажрибани қўллаган ҳолда инновацион ечимлар (ноу-хай) ва юқори технологияларни жорий этиш орқали республиканинг фармацевтика тармоғини ривожлантириш локомотивига айланиш ниятида.

Давлатимиз раҳбарияти томонидан аҳоли соғлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинаётган бўлиб, бунда шубҳасиз, дори воситаларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий фармацевтика соҳасини жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги - фармацевтика корхоналари сони ва салмоғини ошиб бораётганлиги, янги оригинал дори воситаларини яратилиб, амалиётга жорий этилиши, дори воситалари муомаласининг бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши ва сифат назоратини кучайтирилиши ва қатор бошқа муаммоли масалаларни ҳал этилишида ўз аксини топмоқда.

Дори воситаларининг сифати белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиб, тасдиқланган стандартлар талабларига мослиги билан баҳоланади ва у дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, сақлаш, ташиш ва белгиланган усулда қўллаш жараёнлари кетма-кетлиги мажмуасида амалга ошириб борилади.

**Дори воситаларига ва тиббий буюмларга доир талабларни, умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилишни ўз**

**ичига олган хужжатлар тўпламининг расмий нашри бу Давлат фармакопеясидир.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясининг биринчи нашри, биринчи жилди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 28 августдаги 227-сон буйруғига асосан тасдиқланди.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясини ишлаб чиқишида Европа фармакопеясидан асосий манба сифатида фойдаланиб, у билан уйғунлаштириш, бу кўп жиҳатдан бизнинг давлатимиз фармакопеясини АҚШ ва Япония фармакопеялари билан ҳам мувофиқлаштириб борилиши демакдир.

Фармацевтика маҳсулотларининг сифатига қўйиладиган халқаро замонавий талабларни ҳисобга олган холда, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК билан Европа Иттифоқи Дори воситалари ва тиббий ёрдам сифати бўйича Европа бошқармаси (EDQM) ўртасида 2019 йил 20 марта имзоланган икки томонлама келишувга биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясини ишлаб чиқиш ва нашрга тайёрлашда унинг матнлари асосий манба сифатида Европа фармакопеясининг 8-10-нашрлари билан уйғунлаштириб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясини яратишида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “**Зарур фармакопея амалиёти (GPhP)**” кўрсатмаларини максимал равишида ҳисобга олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган ва республикага импорт қилинадиган дори воситаларини сифатини назорат қилиш учун меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва баҳолашнинг барча босқичларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “**Зарур фармакопея амалиёти (GPhP)**” стандартига мос келадиган Ўзбекистон Республикаси стандартларини ишлаб чиқиш ва қўллашга асос бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясининг биринчи нашри биринчи жилдига киритилган умумий фармакопея мақолалари (монографиялар) [www.uzpharmagency.uz](http://www.uzpharmagency.uz) ва [www.uzpharm-control.uz](http://www.uzpharm-control.uz) веб-сайтларига жойлаштириш йўли билан унга алоқадор бўлган ташкилот ва муассасалар эътиборига етказилади ва ўзбек (давлат) ва рус тилларида нашр этишга тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясининг биринчи нашри биринчи жилди 500 нусхада юқори сифатли полиграфия даражасида китоб кўринишида чоп этилади.

Шунингдек, маҳаллий дори воситаларини яратиш борасида илмий-тадқикот ишларини амалга оширувчи ташкилот ва муассасалар, дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи ва уларни сифатини назорат қилувчи ташкилот ва муассасаларни мутасадди ходимлари учун маҳсус семинарлар ташкил этилади.

### **Ўзбекистон Республикасида фармацевтик кадрларга оид муаммолар ва уларнинг ечими. Фармацевтика таълими тизимидағи ислоҳотлар**

Фармацевтика соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, соҳани ривожлантириш борасидаги ишлар натижаларини ўрганиш ва таҳлиллар асосида мазкур соҳада маҳаллий фармацевтика тармогининг ривожланишига салбий таъсир курсатаётган айрим тизимли камчиликлар сакланиб колаётганлигини курсатди.

Булар жумласига қуйидагилар киради:

- малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига етарли эътибор қаратиш,
- фармацевтика тармоги муассасаларининг илмий-тадқикот фаолиятини замонавий талаблар даражасига кутариш;
- мавжуд илмий ишланмаларни амалиётда синовдан утказишининг самарали тизимини яратиш, уларни ишлаб чиқдишга жорий этиш,
- дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чикиш соҳасида янги инновацион лойихаларни амалга ошириш буйича етарли чоралар куриш заруриятларидир.

Шу сабабли Тошкент фармацевтика институтининг барча таълим йуналишлари буйича янги малака талаблари ва укув режаларини яратиш зарурияти туғилди.

Республика фармацевтика тизимида мухим буғинлардан бири булган Тошкент фармацевтика института жамоаси мазкур вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда фармацевтика соҳаси ривожланган бир катор хориждаги таълим муассасаларининг фармацевтика соҳасига оид таълим йуналишларининг малака талаблари ва уқитилаётган фанларнинг киёсий таҳлили амалга оширилди ва Тошкент фармацевтика институт укув фанларига янги узгартиришлар киритиш борасида таклифлар ишлаб чиқилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида амалга ошаётган кенг кўламли ислоҳотларни таърифлаб беринг

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5707-сонли Фармонининг моҳияти нимадан иборат?
3. Фармацевтика соҳасини ривожлантиришда кадрлар билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд ва уларни ҳал этиш учун қандай ечимларни келтира оласиз?
4. Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида қандай янгича йўналишларни мисол келтира оласиз?
5. “Талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилининг моҳиятини ёритиб беринг.
6. Ўзбекистон Республикаси фармацевтия соҳасидаги асосий ислохотларни таърифланг (Давлат фармакопеяси. “Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери ва Фармацевтик техника университетини ташкил этиш)
7. Ўзбекистон Республикасида фармацевтик кадрларга оид муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилан фармацевтика таълими тизимидағи ислохотлар моҳияти нимада иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5763-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарори “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сон [javascript:scrollText\(\)](#) “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи
11. Jesson K, Langley J, Clarke L and Hatfield K. Pharmacy undergraduate students: career choices & expectations across a four-year degree programme. A report for Royal Pharmaceutical Society of Great Britain.
12. Willis S, Shann P, Hassell K. University of Manchester: Centre for Pharmacy Workforce Studies; 2006. Studying pharmacy: who, when, how, why? what next? A longitudinal cohort study of pharmacy careers.
13. Wilson K, Jesson J, Langley C, Clarke L, Hatfield K. MPharm programmes: where are we now? Royal Pharmaceutical Society of Great Britain Available at:<http://www.rpsgb.org/informationresources/downloadsocietypublications/>. Accessed November 20, 2008.

## **2 мавзу: Фармацевтика фанларини ўқитиша ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашда илғор хорижий тажрибалар**

1. Европа ва АҚШ да олий таълим тизимининг уч босқичи мажбурий тайёргарлик (undergraduate), асосий (professional degree program) ва резидентура (graduate) босқичлари.
2. Европа Ҳамжамияти давлатларида фармацевтик таълим тизими ҳақида маълумотлар.
3. Америка Кўшия Штатларида фармацевтик таълим тизими.
4. МДХ давлатларида олий фармацевтик таълим тизими.
5. Ўзбекистон таълим тизими, ўрта ва олий маълумотли фармацевтларни тайёрлаш тизими.

6. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалар замонавий ёндашувлар
7. Хорижий таълимда тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик тушунчалари

**Таянч иборалар:** undergraduate, professional degree program, graduate, ихтисослашув, модул, тўрт пофона усули, йўналтирувчи матн, лойиха усули, тьютор, эдвайзер, фасилитатор, модератор

**Европа ва АҚШ да олий таълим тизимининг уч босқичли мажбурий тайёргарлик (undergraduate), асосий (professional degree program) ва резидентура (graduate) босқичлари**

Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ таълим моделларининг ўзига хос хусусиятлари бор, аммо уларнинг умумий жиҳатлари - таълимнинг узлуксизлиги. Ривожланган мамлакатларда маълум бир олий маълумот олиш учун тайёргарлик мактабдан бошланади - у ерда сўнгги 2-3 йил давомида ўқиш (мамлакатга қараб) олий ўқув юртида қўшимча маълумот олиш учун зарур бўлган фанларга ихтисослашган. Шундай қилиб, мактабни тарк этишдан анча олдин, қайси касбда ишлashingизни аниқлаб олган бўлишингиз керак.

Европа ва Кўшма Штатларда олий таълим уч циклдан иборат: мажбурий тайёргарлик (бакалавриат), асосий (профессионал даража дастури) ва аспирантура (магистратура).

**Европа Ҳамжамияти давлатлари фармацевтик таълим тизими  
ҳақида маълумотлар**

Европада таълим тизими умуман олганда Америка тизимига жуда ўхшаш, аммо бир қатор фарқлар мавжуд. Европанинг барча мамлакатларида фармацевтика мутахассислигига қабул қилиш узоқ ва қийин жараён ҳисобланади. Шунинг учун Европа ва АҚШда шифокорлар ва фармацевтлар энг зарур ва яхши маош оладиган мутахассислар қаторига киради.

Буюк Британия ва Польша мисолида Европа фармацевтика таълим тизимини кўриб чиқамиз. Буюк Британияда ўрта мактаб ўқувчилари (тайёргарлик таълими даври) 2 йил давомида университетда талаб қилинадиган 2-5 та ихтисослаштирилган фанларни ўрганадилар ва якуний A-level 1 тест синовларини топширдилар. Тест 7 балли тизимда баҳоланади (A, B, C, D, E, F, G, бунда A энг юқори баҳо). Турли университетларга кириш учун турлича баҳолар талаб қилинади, масалан, Кембриж ва

Оксфордга кириш учун ААА баҳолари талаб қилинади ва Манчестер университети учун АВВ баҳоси етарли бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Таълим бир нечта малака даражаларида амалга оширилади: бакалавр (BachelorD), магистр (MasterD) ва докторантураси (PhD).

Бакалавр (асосий таълим) мутахассислик бўйича университет ёки коллежнинг кундузги бўлимида 3-4 йиллик ўқишидан сўнг берилади. Ушбу даражаси дипломдан кейинги таълим (Postgraduate) магистратура ёки докторантураси ўқиш учун зарур шартдир.

Евropa ва Америка таълим тизимларига ихтисослаштириш хос бўлиб, бу шуни англатадики, фармация факультетида фақат ушбу ихтисосликка тегишли бўлган фанлар ўрганилади.

Барча фармацевтика таълим муассасаларининг ўкув дастурлари Қироллик фармацевтика жамияти (Royal Pharmaceutical Society) томонидан тасдиқланади.

Анъянага кўра фармацевтика таълими 4 модулга бўлинади: кимё, фармация, фармакология ва фармакогнозия. Бундан ташқари, радиофармация, рационал овқатланиш курси, иммунология, биофармация, касбий мулоқот қобилияtlари, фармацевтика ҳисоб-китоблари ва фармацевтика қонунчилиги ўрганилади. Фармацевтларнинг шифокор билан бир хил даражада, bemorlarغا рецепслар ёзиш хуқуки туфайли, клиник фармацияни ўрганишга катта эътибор берилади. Маркетинг умуман ўқитилмайди, лекин дипломдан кейинги таълим (Postgraduate) таълимида курс сифатида ўргнилади.

Фармацевтика амалиёти биринчи йилдан бошланади (тиббий рецептура, доди тайёрлаш, bemorlarга консультатив ёрдам бериш, ижтимоий фармациянинг турли жихатлари ва бошқалар). Катта курсларда талаба терапевтик ва фармацевтика амалиётини ва клиник фармация амалиётини ўтайди. Таълимни тутатгандан сўнг, жамоат ва саноат фармацияси бўйича таълим муассасасидан ташқарида бир йиллик мажбурий амалиёт ўтилади, шундан кейин Қироллик фармацевтика жамиятида касбий малакасини тасдиқлаш учун имтиҳон топширилади. Шундагина ушбу жамиятнинг аъзоси бўлиб, шахсий фармацевтика амалиёти хуқуқини олиш мумкин.

Буюк Британияда бакалавр даражаси билан ишлаш мумкин эмас, шунинг учун магистр даражасини олиш мажбурийдир. Магистратура икки турда бўлиб: одатий магистр даражаси (Master Degree) ва магистр - тадқиқотчи даражаси (Master of Philosophy).

Биринчи турдаги магистратура маъруза, семинарлар ва дипломни ёзиш асосида ўтказиладиган таълим жараёнидан иборат. магистр – тадқиқотчи даражасини олиш учун 1-2 йил давомида профессор раҳбарлигига мустақил

тадқиқот ишларини олиб бориш керак. Бу докторлик даражасини олиш учун оралық қадамдир.

Буюк Британия узлуксиз таълим тамойили жорий қилинган мамлакатларнинг ёрқин вакили. Малака ошириш бўйича махсус ўқув курслари мавжуд эмас. Ҳар бир фармацевт Бош фармацевтика кенгаши (General Pharmaceutical council) томонидан ишлаб чиқилган Узлуксиз касбий ривожланиш стандартларига (Standards for continuing professional development) риоя қилиши шарт. Стандартлар фармацевтнинг бутун фаолияти давомида ўз касбий маҳорати, кўникмаларини сақлаб туриши ва ривожланишини таъминлаш учун ишлаб чиқилган.

Стандартларнинг талабларига биноан ҳар бир фармацевт Бош фармацевтика кенгашининг маълумотлар базасида ўз амалиётининг бутун кўламини, кўникмаларини ривожлантириш натижаларини қайд этади. Унинг стандартларга мувофиқлиги ҳар йили кенгаш томонидан кўриб чиқилади ва агар қайд натижалри стандартларга мос келмаса, лицензиялар бекор қилиниши мумкин.

Докторлик даражаси (Doctor of Philosophy)ни олиш учун дипломдан кейинги таълим босқичида дастурларнинг аксарияти фақат илмий тадқиқот лойихалари. Деярли маъruzалар ёки ўқув семинарлари ўтказилмайди. Таълим жараёни камида 2-3 йил давом этади ва ушбу даврда тадқиқотчи натижаларини расмий ҳисоботларда, илмий ёки ихтисослаштирилган журналларда чоп этиши ва чоп этилга натижалар асосида диссертация ёзиши керак. Муваффақиятли ҳимоядан сўнг докторлик унвони берилади.

Польша Европа Иттифоқига аъзо давлатлардан бири бўлиб, Европада қўлланиладиган барча асосий ёндашувларни муваффақиятли татбиқ этадиган ва ривожлантирадиган мамлакат ҳисобланади. Сўнгги 3-4 йил давомида польшалик ўқувчилар келажакда ўрганмоқчи бўлган касбига ихтисослашган касб-хунар лицейлари, коллежлари ёки техник мактабларда таҳсил олишмоқда. Таълимнинг тайёргарлик циклини тутатгандан сўнг, талабалар Ўрта таълим тўғрисидаги "МАТУРА" сртификатини оладилар, шу асосда улар олий мактабга ўқишига кирадилар.

Польшада олий маълумот уч даражага бўлинган: бакалавр (Licenciat), магистр (Magister) ва фан доктори (Doctor). Бироқ, фармацевтика, психология, тиббиёт, стоматология, ветеринар тиббиёт ва ҳукуқ каби соҳалар учун 5,5 йиллик ўқиши (10 семестр) ва магистр даражасини олиш зарур ҳисобланади. 5 йил - университетда ўқиши, кейин магистрлик даражасини ҳимоя қилиш ва олти ойлик дорихонада ишлаб чиқариш амалиёти.

Польшадаги бошқа Европа мамлакатларидаги каби университетларнинг ўқув дастурларидан келажақдаги мутахассислик учун амалий аҳамиятга эга бўлмаган фанлар чиқариб ташланган, ёки уларни жуда кам вақт ўргнилади.

Умуман олганда, фармацевтика факультетида давомийлиги 5,5 йил бўлган (асосий таълим) ўқув дастури қуидагича кўринади: 4 семестр - касбий тайёргарликка оид мавзулар, 5 семестр - профессионал йўналтирилган фанлар, 1 семестр - танланган мавзу бўйича магистрлик диссертацияларини тайёрлаш, 6 ой - рўйхатдан ўтишгacha ўtkазиладиган амалиёт.

Катта курсларда келгуси фармацевтлар қуидаги йўналишлар бўйича ихтисослаштиришдан ўтишади:

- шифохона фармацияси ва косметология,
- клиник фармация ва фармацевтик ёрдам,
- саноат фармацияси ва фармацевтика биотехнологияси,
- фармацевтик токсикология ва атроф-муҳит токсикологияси,
- аналитик ва экспериментал фармация.

3 ва 4 курслардан сўнг ёзги амалиёт: биринчи - чакана дорихонада, иккинчиси - шифохонадаги дорихонада ва (танлов асосида) тадқиқот лабораториясида ёки саноат корхонасида амалга оширилади. Таълим тугатгандан сўнг, фармацевт Польша дорихона палатасига фармацевтика лицензиясини олиш учун мурожаат қиласди. Польшада олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом Европа Иттифоқида олинган бошқа дипломларга teng ва қўшимча тасдиқлашни талаб қилмайди.

Мухим жиҳати шундаки, Дорихона палатасига аъзолик барча фармацевтлар учун мажбурийдир. Яъни, касбий вазифаларни бажариш қобилияти зарур малака талабларига жавоб беришдан ташқари, ушбу ташкилотга аъзоликка боғлиқ. Фармацевтика палатасининг ваколатига касб бўйича ўқитиш дастурларини тасдиқлаш, касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини бериш, фармацевтлар реестрини юритиш ва фармацевтлар учун узлуксиз тълим олиш тизимини (малака ошириш) ташкил этиш киради.

Польшада, Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари ва АҚШ сингари олий таълимдан кейинги ўқитиш (дипломдан кейинги таълим) икки хил: илмий даража бериш ва амалий (илмий даража бермасдан). Фармацевтика таълими ҳолатида дипломдан кейинги таълимда ягона даража PhD берилади.

Польшада фармацевтлар учун таълимнинг узлуксизлиги Буюк Британияга ўхшаш принципга мувофиқ амалга оширилади - белгиланган муддат ичida керакли балл тўплай олмаган фармацевтлар касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини йўқотадилар.

Дипломдан кейинги (асосий таълим жараёнидан кейинги) таълим жараёнида Амалий таълимда ҳам малака ошириш мумкин, ҳамда бизнес бошқаруви магистри (МБА) даражасини олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олиш учун мавжуд мутахассислик бўйича билимларни чуқурлаштириш ёки янги соҳада малака ошириш учун бакалавр ёки магистр даражасига эга бўлиш керак.

### **Америка Кўшия Штатларида фармацевтик таълим тизими**

Кўшма Штатларда фармацевтика таълими ва фармацевтларнинг малакаси билан боғлиқ умумий федерал қонун мавжуд эмас ва фармацевтика таълими тизими билан шуғулланадиган давлат идораси мавжуд эмас. Бундай таълим учун ҳар бир штатнинг ўз талаблари бор. Кўшма Штатларда фармацевтика фаолиятини тартибга солувчи қонунлар мавжуд бўлиб, аммо ҳар бир штатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир штатда ўзига хос тлаблар бор.

Фармацевтик таълимга оид қарорлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Таълим вазирлиги томонидан эмас, балки фармацевтларнинг жамоат ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

Шу билан бирга америкада анча олдин коррупцияни олдини олиш учун таълим муассасаларидағи профессор ва доцентларнинг талabalар билимини баҳолаш имконияти истисно этилган, ушбу функцияни штатлардаги фармацевтика бошқармаларига (State Board of Pharmacy) топширилган ва оғзаки имтихонлар бекор қилинган.

Кўшма Штатларда сиз фармация коллежини битириб, фармацевтика доктори маълумотини олишингиз мумкин. Ушбу мамлакатда қайси олий таълим муассаси - университет ва қайси бири коллеж деб аталиши қонун хужжатларида белгиланмаган, шунинг учун 4 йиллик фармацевтика коллежлари ҳам университетнинг бир қисми, ҳам алоҳида олий ўқув юрти бўлиши мумкин.

Мактабдан кейин дархол фармацевтика коллежига кириб бўлмайди. Дастлаб сиз касбий тайёргарликга бўлган 2-3 йиллик pre-pharmacy ёки pre-professional тайёргарлик курслари (тайёргарлик таълим цикли) ни ўтишингиз керак. Бу тайёргарлик худудий аккредитациядан ўтган бирон бир техник (Technical), муниципал (Community Colleges) ёки кичик коллежда (Junior Colleges) ўтиш мумкин. Ҳар бир фармацевтика коллежининг тайёргарлик курсларида ўрганилиши керак бўлган фанларга нисбатан ўз талаблари бор, шунинг учун ўқишни бошлашдан олдин, ўқув дастурини университетга кириш учун зарур бўлган талаблар билан мувофиқлаштириш муҳимдир.

Одатда ўқиши учун мажбурий фанлар қаторига математика ва фундаментал фанлар (кимё, биология, физика), баъзи ижтимоий-гуманитар фанлар киради.

Фармацевтлар коллежига кириш имтихони (Pharmacy College Admission Test) 6 та бўлим: оғзаки мулоқот қобилияtlари, кимё ва биология, ҳисоблаш қобилияtlари, ўқилган матнни тушуниш ва иккита ёзма имтихондан иборат. Охирги иккитадан ташқари барча бўлимлар 48 саволдан иборат ва уларнинг ҳар бири билан ишлаш 30 дақиқани ташкил қиласди.

Сайтда рўйхатдан ўтган ҳолда имтихонни фақат 5 марта топшириш мумкин. 2016 йилда имтихонни битта топширишга уриниш нархи 199 АҚШ долларини ташкил этган.

Муайян мутахассислик бўйича малакавий даражани олиш фармацевтика коллежида таълимнинг асосини ташкил этади. АҚШда бакалавр даражасига эга бўлган сўнгти талабалар 2004-2005 йилларда чиқарилган. Хозирда мамлакатдаги таълим муассасаларида фақат битта малакавий даражага эга бўлган фармацевтлар - Фармация доктори (PharmD) тайёрланади.

6 йиллик ўқиши давомида талабалар фармакология, клиник фармация, фармакогнозия, фармацевтик кимё, токсикология, фармацевтик бошқарув, биостатистика, фармакокинетика ва терапия фанларини ўрганадилар.

МДХ таълим тизимидан асосий фарқ :

- талабалар реал фанларни (номинал эмас) танлаш имконияти,
- индивидуал ўқув дастурини шакллантириш
- замонавий танлов фанларини ўрганиш (автотерапия, ядрорий биология, далилларга асосланган тиббиёт, стереокимё, фармацевтика психологияси ва бошқалар).

Бир қатор имтихонларни топшириб ва базавий фармацевтик таълимни олганидан сўнг, фармацевтга фармацевтика фанлари доктори (PharmD) даражаси берилади. Аммо кейинги иш фаолияти учун 1-2 йил давом этадиган (ихтисослашувга қараб) ва касалхоналарда, шифохона қошидаги ва чакана дорихоналарда, ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида амалий машғулотлардан иборат резидентурадан (дипломдан кейинги таълим) ўтиш керак. Резидентурнинг жами 400 га яқин дастурлари мавжуд.

Ўз дорихоналарини очмоқчи бўлган фармацевтлар қўшимча равишда бизнес бошқаруви магистри (Master of Business Administration — MBA) илмий даражасига эга бўлишлари керак. Шифохоналардаги фармацевтларнинг Америка Асоцiasiяси (American Society of Hospital Pharmacists — ASHP) шифохоналарда ишловчи фармацевтларни аккредитациядан ўтказувчи идора ҳисобланади (тиббий-ижтимоий ёрдам

кўрсатувчи фармацевтлар ва чакана дорихона ходимлари бундан мустасно). Аксарият резидентлик дастурлари ASHP томонидан аккредитациядан ўтган.

Ишга жойлашиш учун фармацевтлар лицензия олишлари керак. Бунинг учун бир қатор қўшимча имтиҳон ва тестларни топшириш керак, уларнинг рўйхати ҳар бир штатда алоҳида белгиланади.

Лицензияни олиш жараёни қўйидагича: резидентурадан ўтиш; фармацевт лицензиясини олиш учун (North American Pharmacist Licensure Examination — NAPLEX) имтиҳонидан ўтиш; ҳукуқшунослик бўйича имтиҳон ва ҳар бир штатда қўшимча равишда тайинланган бошка имтиҳонлардан ўтиш; буларнинг барчасидан кейин - штатда фаолият юритиш учун лицензия бериш.

NAPLEX 4 соат 15 дақиқа давом этади, имтиҳоннинг дастлабки 2 соатидан кейин 10 дақиқа танаффус. Камида 75 балл тўплаш керак, яъни 162 саволга тўғри жавоб бериш керак (Украинанинг КРОК имтиҳонига ўхшаш).

Ҳукуқшунослик бўйича имтиҳон - фармацевтик лицензия олиш учун Федерал (давлат) имтиҳони (Multi-State Pharmacist Licensing Exam — MPJE) 2 соат давом этади ва лицензиялаш қонуни, дори воситалари хақидаги қонун, ташкилот (корхона) тўғрисидаги қонун ва бошка имтиҳон топшириш пайтида амалда бўлган меъерий қонунчилик хужжатлари бўйича билимларни баҳолашга хизмат қилд. Ушбу имтиҳонда камида 77 та саволга жавоб бериб 75 балл тўплаш зарур.

Бундан ташқари касалликни даволаш жараёнини бошқариш фани бўйича (Desease State Management — DSM) имтиҳон тайинланиши мумкин. У компьютерда ўтказилдган тест бўлиб, қўйидаги кенг тарқалган касалликларга чалинган беморларни даволаш стандартлари бўйича билим даражасини баҳолайди: дислипидемия, қандли диабет, астма ва бошқалар.

Фармацевтлар ҳар 2 йилда 40 соатлик малака ошириш курсларидан ўтишлари шарт.

Шунингдек, илм-фан билан шуғулланишни истаганлар учун 2-3 йил давом этадиган маҳсус аспирантура курси мавжуд, унда асосан ишлар илмий изланиш ишлари ўтказилади (дарслар йўқ). Аспирантура тутатгандан сўнг, диссертацияни ҳимоя қилиш керак ва агар у муваффақиятли ҳимоя қилинса, фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси берилади, бу бизнинг фан номзоди даражасига тенгdir.

## **МДХ давлатларида олий фармацевтик таълим тизими**

Украинада фармацевтика соҳасида кичик мутахассислар деб номланган мутахассислар сегменти мавжуд - улар фармацевтик техникумлари ва

коллежлари битиравчилари. Дунёда бундай ўқитиш фармацевтика бўйича мутахассисни мажбурий ўқитишнинг бир қисмидир, аммо Украинада кўпинча бундай дипломга эга битиравчилар дорихоналарга фармацевт сифатида ишлашга кетишади ва фармацевт билан бирга дорихонага ташриф буюрувчиларга дори-дармонларни тарқатадилар.

Ривожланган мамлакатларда, масалан, Қўшма Штатларда дори берилганда касаллик, суғурта, қабул қилинган дорилар, аллергик реактсиялар, берилган дориларнинг ташхисга мувофиқлиги, уларнинг мутаносиблиги, дозалари текширилиб маълумотлар тўлдирилгач, сўнгра маҳсус идишда. bemor рецептда кўрсатилган таблеткаларнинг аниқ сонини олади, битта рецепт бўйича хизмат кўрсатиш муддати 45 дақиқагача бўлиши мумкин. Шу муносабат билан лицензияланган фармацевтга ёрдам бериш учун техник-фармацевт лавозими жорий этилди. Мустақил қарор қабул қилишни талаб қилмайдиган мажбуриятларнинг бир қисми битта bemorга хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш учун унга топширилади.

Фармацевт техник - бу лицензияланган фармацевт назорати остида оддий операцияларни бажарадиган ходим. Бунинг учун 2-3 йиллик курсларни ёки коллежда бошланғич тайёргарликни мутахассислик бўйича қўшимча тайёргарликсиз якунлаш керак. Техник доривор маҳсулотларни мустақил равишда сотиш, доривор маҳсулотларни тайёрлаш (ташқи ишлаб чиқариладиган дорихоналарда) ёки bemorга маслаҳат беришга ҳақли эмас. Агар бундай ходим ташриф буюрувчилар билан ўз-ўзидан ишлашни хоҳласа, у ихтисослашувдан ўтиши, имтиҳонлардан ўтиши ва тегишли сертификатни олиши керак.

### **Ўзбекистон таълим тизими, ўрта ва олий маълумотли фармацевтларни тайёрлаш тизими**

Республика ҳукумати ва Президенти олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга, айниқса келажак авлодни миллий тикланиш мафқураси руҳида тарбиялашга жуда катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда таълим олаётган ёшлар Республикаизнинг келажагидир. Бу шарафли вазифани бажариш ўқитувчилар зиммасига тушади. Шу сабабли юксак малакали ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратиласяпти.

Ҳозирги пайтда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлақо янги қоидалар ҳаётга жорий этилди.

Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг хуқуқий – меъёрий асоси яратилди.

«Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари узлуксиз таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизомини шакллантириш вазифасини кўяди.

Президентимиз ўзининг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобида Буюк келажагимизнинг хуқуқий кафолати” номли рисоласида шундай деб таъкидлайди: “Тарбиячи устоз бўлиши учун бошқаларнинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, аввало тарбиячиларнинг ўзи ана шундай талабларга жавоб бериши, ана шундай фазилатларга эга бўлиши керак”. Бу тезис ўз навбатида ўқитувчи-тарбиячиларнинг юксак касбий ва шахсий фазилатлар эгаси бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи олдига қўйилган вазифалар ўта мураккаб, масъулиятли ва айни пайтда шарафлидир. Ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистонимиз, халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби таълим соҳасида ҳам илғор технологияларни жорий этиш ва шу орқали таълим мазмунини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилмоқда.

Бу вазифаларни бажариш таълим тизимида янги техника ва технологиялардан фойдалана оладиган, юксак малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислоҳотларни чукурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4554-сон қарорига мувофиқ “2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш Концепцияси” қабул қилинган. Бу концепциянинг “Юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш” бўлимида қуйидаги чор-тадбирлар келтирилган:

1. Саноат фармацевтикаси бўйича малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълимни амалиётга йўналтирган ҳолда соҳадаги маҳаллий ва хорижий таълим муассасалари негизида илғор технологияларни ўзлаштириш.

2. Фармацевтика тармоғидаги ҳозирги тенденциялар ва ривожланиш эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда, таълим жараёнининг илмий ва ўкув-услубий таъминотини такомиллаштириш, фармацевтика саноати учун мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш.

3. Маҳаллий тармоқ таълим муассасаларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида уларнинг моддий-техник базасини янгилаш.

4. Хорижий фармацевтика таълим муассасалари билан кенг ҳамкорлик қилиш, шу жумладан республикада уларнинг филиаллари ва факультетларини очиш.

5. Тармоқларда ўзаро ҳамкорлик ва очик курслардан фойдаланиш орқали хорижий таълим муассасалари ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек, миллий электрон таълим платформаларини ривожлантириш ва электрон таълим мұхитини шакллантириш ҳисобига таълим имкониятларини кенгайтириш.

### **Илғор хорижий тажрибалар**

Бугунги кунда таълим жараёнида қўллаб кўрилиб яхши самара берадиган илғор таълим тажрибалари хақида тўхталамиз.

**Модулли ўқитиши тизими.** Модулли ўқитиши - ўқитишининг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишида таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Модулли ўқитиши технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини қўйидаги жадвалда келтирдик.

<b>Анъанавий ўқитиши технологиясига асосланган</b>	<b>Модулли ўқитиши технологиясига асосланган</b>
<ul style="list-style-type: none"><li><input type="checkbox"/> Бир томонга йўналтирилган ахборот</li> <p>Бир томонлама муроқот (дарслик→ўқитувчи→талаба</p><ul style="list-style-type: none"><li><input type="checkbox"/> Ахборот олиш</li></ul></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li><input type="checkbox"/> Фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рафбатлантириш</li> <li><input type="checkbox"/> Икки томонлама муроқот</li> <li><input type="checkbox"/> Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш</li> <li><input type="checkbox"/> Билим ва кўникмаларни намойиш</li></ul>

<input type="checkbox"/> Хотирада сақлаш  Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш	этиш  <input type="checkbox"/> Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш
--	---

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қиласди.

Модулли ўқитиш таълимнинг қуидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади.

- Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- қасбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;
- талабалар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;
- модуллар натижаси ва таҳлилига.

**Модулли ўқитишида** ўкув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишига ўтишида қуидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишининг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўкув материалини мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Модулли ўқитиши фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўрикли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилиши, улар маърузалар мазмуини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

**Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалар замонавий ёндашувлар.**

Модулни ўқитишининг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишининг қуидаги усулларини қўллаш мумкин:

- муаммоли муроҷотлар;
- эвристик сұхбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Ўқитишининг модул тизими мазмунидан унинг қуидаги афзалликлари аниқланди:

- фанлар ва фанлар ичидаги модуллар орасидаги ўқитиши узлуксизлигини таъминланиши;
- ҳар бир модул ичida ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувофиқлигини ўрнатилиши;
- фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчанлиги;
- талабалар ўзлаштириши муентазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;
- талабаларнинг зудлик билан қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг ўқитувчи айrim талабаларга фанни индивидуаллаштиришни тавсия этиши мумкин);
- ахборотни «сиқиб» бериш натижасида ўқитиши жадаллаштириш аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини маърузавий амалий (тажрибавий) машғулотлар индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – оптималлаштириш.

Бунинг натижасида талаба етарли билимларга кўникмага эга бўлади.


Модулли методика асосида ўқитишида фаолиятлик, тизимли квантлаш, қизиқтириш, модуллилик, муаммолилик, когнитив визуаллилик, хатоликларга таяниш тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

## Ўқитишининг 4 поғонали усули

Бу усул АҚШ да пайдо бўлиб саноат корхоналарида конвейерли ишлаб чиқариш кўпайган сари шундай ўргатиш усуслари зарур бўлиб қолдики, ишчилар бир хилда қайтариладиган қўл кўнилмаларини иложи борича тез ва мукаммал равишда ўрганиб олишлари керак эди.

Бу усулда амалий кўнилмаларни ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш».

Яъни амалиёт ўқитувчиси талабаларга аввал кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини қилиб кўрсатади. Сўнг талаба шу иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Талаба қайтариб қилаётган пайтида амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қиласди).



Ундей кейин эса шу иш босқичи машқ тарзида талаба уни мукаммал ўзлаштиргунича кўп маротаба қайтарилади.

Бу усул психологияда асосланган бўлиб, бихевиоризм (яъни инсон ўзини тутишига оид) назариялардан олинган. Дастреб ҳайвонлар устида ўтказилган экспериментлар йўлида олинган натижалар кейинчалик инсонга нисбатан қўлланила бошланган. Бу ерда қўзғовчи ва реакция каби элементлар ҳамда конкрет ўлчаниши мумкин бўлган кўрсатгичлар муҳим роль ўйнаган. Чунки олимлар фикри бўйича режа асосида ишлатилган ташки қўзғовчилар ва назорат қилиниши мумкин бўлган реакцияларгина етарли даражада текширилиши мумкин ва шундан келиб чиқиб, умумий илмий хуносалар чиқариш мумкин деб ҳисобланган.

Қуйидаги илмий хulosаларни таъкидлаб ўтиш зарур:

1. Ўзлаштириш (ўрганиш) - бу «қўзғаш таъсири-реакция» кетма-кетлиги тақрорланишининг натижасидир. Шу тақрорлар сони қанча қўп бўлса ўзлаштириш натижаси шунча яхши бўлади. («Тақрор орқали ўрганиш» принципи).

2. Иккинчи қўзғовчи биринчи қўзғовчи билан биргаликда тез-тез ишлатилиб турса, у биринчи қўзғовчининг ўрнини боса олади. («Шартли рефлекслар орқали ўрганиш» принципи).

3. Ўзлаштирища эришилган яхши натижалар мақтаб турилса, бундай натижалар қўпайиб бораверади. («Кучайтириш орқали ўрганиш» принципи).

4. Аниқ бир мақсадга қаратилган тарзда ишлатилган мақтov ва жазолар орқали деярли исталганча тегишли ўзини тутиш тарзлари ўзлаштирилиши ва яна йўқ қилиниши мумкин.

Амалиётда ўрганиш учун эса бундан қуйидаги хulosалар чиқарилди:

Қўзғовчи сифатида берилган ҳар бир қисқа саволга иложи борича тўғри жавоб берилиши билан уни дарров (масалан «Яхши жавоб!» деб) мақтаб қўйиш керак. Нотўғри жавоб ҳам очиқ ва ойдин танқидланиши (танбехланиши) лозим.

Ёки амалиётда: талабалар бир иложи борича қисқа иш босқичи билан таниширилади, сўнг уни қайтарадилар ва то уни мукаммал билмагунларича машқ қиладилар. Бу ҳам очиқ ва ойдин тан олиниши керак. Бу ерда кичик ўқув босқичлар катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда бу усулга баъзи дидактик элементлар қўшилиб, мукаммалаштирилди. Бундан ташқари босқичларни бироз мураккаброқ қилишга ҳаракат қилинмоқда. Яъни шундай машқлар ҳам киритилиши мумкинки улар доирасида талаба бирданига бир неча кўникмалар ва операцияларни амалда бажариши керак. «Тушунтириш» ва «нима қилишни кўрсатиб бериш» поғоналари эса босқичма-босқич амалга оширилади.

Ҳайвонлар устида муваффақиятли ўтказилган экспериментлар асосида олимлар инсон ўзини тутишини истаганча манипуляция қилиш (бошқариш) мумкин деб ҳисоблаб инсон фикрлашидаги ички жараёнларни батамом эътибордан ташқарида қолдиришган чунки улар фақат бир жонзот ташқи қўзғовчиларга қандай реакция қилишларини ўлчаган холос.

Кўникмаларни ўргатишда эса бу усул ўзини жуда ҳам яхши оқлади. Шунинг учун бу усул касбий-техникавий соҳаларда энг аввало иш ўрнида керакли кўникмаларни ўргатишда келажакда ҳам муҳим роль ўйнайди.



#### 4 погона усули доирасидаги ҳаракатлар

4 погона деб қуидаги погоналар аталади. Улар давомида бир амалиёт ўқитувчиси бир талаба ҳаракат қиласди:

**1-погона:** Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У талабаларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўниммани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Талабалар эса амалиёт ўқитувчиси оғзаки тушунтиришларини тинглашади.

**2-погона:** Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай қилиниши кераклигини қилиб кўрсатади, талабалар эса қараб туришади. Одатда амалиёт ўқитувчиси нима қилаётгани ҳақида талабаларга изоҳлар (комментарийлар) бериб боради. Яъни бу ерда демонстрация (намойиш этиш) тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

**3-погона:** Амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтарадилар. Амалиёт ўқитувчиси улар қилаётган иш юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради. **4-погона:** Ҳар бир талаба иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариб, кўрганидан ва иш босқичини тўғри бажариш бўйича амалиёт ўқитувчисининг изоҳларни тушунганидан кейин, бу иш босқичи кўп маротаба машқ қилинади ва кераклигича яъни мақбул натижага эришилмагунича тақрорланади.

Бундан кейин амалиёт ўқитувчиси кейинги иш босқичига ўтади. Бу босқич ҳам 4 погонадан иборат.

#### Бу 4 погона усулиниң асосий белгиси шуки

- амалиёт ўқитувчиси томонидан бошқарилган назарий ва амалий маълумот берниш даврлари (фазалари) энг бошида туради сўнг эса талабаларнинг ҳаракатлари билан алмашинади;
- талабаларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланган;

- талабалар индивидуал ўрганишга (ўзлаштиришга) йўналтириладилар лекин мустақил фикрлашга ҳақлари йўқ;
- иш ташкиллаштириши (иш тартиби) одатда ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўймайди.

#### **4 поғона усули доирасидаги йўл-йўриқлар.**

##### **1-поғона: Тушунтириш-қизиқтириш (мотивация). Маълумот бериш.**

Амалиёт ўқитувчиси биринчи навбатда инструктажни ўқув хонасида ёки иш ўрнида ўтказмоқчилигини ҳал қиласди. Бу инструктаж моҳияти ва турига боғлик. У инструктаж вақти 20-30 дақиқадан ошиб кетмаслигини режалаштиради.

Топшириққа қаратилган иш инструктажи талабаларни қизиқишини ўйғотишдан бошланади, чунки уларнинг қизиқиши ва эътибори ўрганилаётган нарсага қаратилиши керак.

Сўнг амалиёт ўқитувчиси талабаларга амалий топшириқни бажариш учун керакли барча маълумотларни беради ва бажариладиган жараёнларни тушунтиради. Шу пайтда у ўзи амалий тажрибасидан таниган барча ўқув-дидактик материаллардан масалан чизмалар иш режалари эксплуатация бўйича инструкциялар, инструментлар ва хом-ашёлардан кўргазмали материаллар сифатида фойдаланиши мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси иш босқичларини уларнинг кетма-кетлигида тушунтиради ва керак бўлса талабаларга шу босқичларни ўзларининг иш режаларига киритишлирини талаб қиласди.

Шу пайтни ўзида у талабаларга сифат фарқини намойиш этиш мақсадида яхши ва ёмон синов иши мисолларини кўрсатиши мумкин. Талабалар нисбатан пассив бўлишади улар тинглашади ва қараб туришади.

**2-поғона: Нима қилишни кўрсатиб бериш - демонстрация (намойиш).** Бу поғонада амалиёт ўқитувчиси тушунтирган иш босқичларини ўзи қилиб кўрсатади. Бунинг учун у аввал керакли иш ўрнини пухталик билан тайёрлаб қўйган бўлади ва ўша иш ўрнида демонстрацияни (намойишни) ўтказади. Ишни бажариш учун керакли барча инструментлар хом-ашёлар ва иш режаси ҳамда керак бўлса тегишли станок (ускуна) тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Намойиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси талабалар дикқат билан қараб туришларини таъминлайди.

Бирор кўникмани 3 марта намойиш қилиниши тавсия этилади:

**1 - намойиш:** оддий тезликда ўтказилади; талабаларда тўла ва ҳақиқий тасаввур пайдо бўлиши учун.

**2 - намойиш:** атайн секин тезликда ўтказилади; ҳар бир босқични алоҳида ва хусусиятларни яхшироқ кўрсатиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш учун.

**3 - намойиш:** оддий тезликда ўтказилади; кўникмани яна бир марта тўла равищда кўрсатиш ва талабаларда «ички суръат» (яъни аниқ тасаввур) пайдо бўлиши учун.

Намойиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ҳар бир қадамини изоҳлаб боради. Сўнг бевосита инструктаж қисми тугайди.

**3-погона: Кўрсатилган тарзда қайтариш - тақлид (имитация).** Энди эса талабаларнинг ҳар бири амалиёт ўқитувчисининг ҳаракатларини у кўрсатган тарзда қайтаришлари керак. Талабалар ишлаётган пайтда амалиёт ўқитувчиши ўз фикрини билдиради, яхши ишни мақтаб ёмон ишни танқид қиласи ва нима қилишни яна бир марта кўрсатади.

Ҳамма талабалар иш жараёнини тушунгандигини кўрганидан кейин амалиёт ўқитувчиши машқ қилишни бошлашга белги беради.

**4-чи погона: Машқ қилиш.** талабалар доимий тақрорлаш орқали инструмент ва ускуналарда иш жараёнларини машқ қилишлари учун амалиёт ўқитувчиши уларга етарлича хом ашёлар бериб қўяди.

Ҳар бир талаба ўзи ишлайди ва бир хил ишлаш усууларини қўллади.

Агар иш натижаларининг сифати мақбул натижа стандартига (олдиндан белгиланган сифат мезонларига - аниқ мақсадларга) жавоб берса иш тутатилиши мумкин. Амалиёт ўқитувчиши бу ерда назоратчи вазифасини бажаради.

### Эслатма:

1-2 - босқич давомида амалиёт ўқитувчиши талабаларда дастлабки билимлар бор ёки йўқлигини аниқлаши мумкин. Агар дастлабки билимлар даражаси етарлича бўлмаса бу ҳолда у назарий дарс ўтказиши керак.

**Дидактик ва машқ материаларини тайёрлаб қўйиши.** 4 погона усули кўп ва катта тайёргарликлар кўришни талаб қилмайди яъни жуда оз воситалар билан ҳам ишлаш мумкин.

**Дидактик ва машқ материаллар** сифатида одатда асл (оригинал) иш ҳужжатлари ишлатилади масалан техник чизмалар ёки бирор электросхема иш босқичлари ва изоҳлар кўрсатилган жадвал шаклидаги иш режаси ҳамда контролъ вараги унда талабанинг натижаси ёзиб қўйилади. Маслаҳат: чизмаларни плёнкага чиқарилмайдиган қилиб солиб қўйган яхши ва

талабаларга кўриш учун бериш керак. Иш режасини эса шахсий меҳнат воситаси сифатида ҳар бир талаба ўзи тўлдириши керак. Бу мақсадда амалиёт ўқитувчиси тегишлиформулани тайёрлайди ва талабаларга тўлдириш учун тарқатади.

Назорат ёки баҳолаш варағи ҳам формула шаклида бўлиши керак натижаларнинг исботи сифатида машқлар тугаганидан кейин ўзида сақлаб қолади. Кўшимча равишда талабаларга тарқатма материаллар (тарқатмалар) берилиши мумкин. Тарқатмалар - дарсликлар ёки эксплуатация бўйича инструкциялардан олинган қисқа маълумотлар (экстрактлар) бўлиши мумкин.



**Машқ материаллари** - амалий машғулотни бажариш пайтида керакли хом-ашёлар, чиқим материаллари ва ёрдамчи материаллариҳисобланади.

Керакли машқ материалларини амалиёт ўқитувчиси одатда бир йил олдиндан режалаштиради. Ҳисоб асосини ташкил қиласиган маълумотлар: бир йилда таълим оладиган талабалар сони бир йилда ўтказиладиган машқлар сони ва бунинг учун керакли хом-ашё чиқим ва ёрдамчи материаллар миқдори.

Бундай режаларни тузиш учун амалиёт ўқитувчиси шундай бир ҳужжатни ишлаб чиқариши керакки, унда қуйидаги индикаторлар (маълумотлар) бўлиши керак:

- барча курслар давомида ўтказиладиган машқлар рўйхати (номи ва сони);
- бирор техник чизма мавжудлиги ;
- бу машқлар бўйича хом ашё кўрсаткичлари (ҳар бир нарсанинг тайёр ҳажми плюс чиқими);
- зарур бўладиган инструментлар, текшириш ва ўлчаш инструментлари ёрдамчи воситалар асбоб-ускуналар тўғрисида маълумотлар;
- кўнималар ва тахминан қанча вақт кетиши тўғрисида маълумотлар.

Режалаштиришда эътибор бериш керак бўлган кейинги нарса - бу инструментларнинг хисобдан чиқарилиши. Буни инобатга олиш лозим негаки амалиёт ўқитувчиси қачон ва қандай миқдорда инструментлар алмашиши керак бўлишини билиши зарур.

Тайёрлаб қўйиладиган инструментларни биз икки турга бўламиз:

□ лабораторияда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган инструментлар (масалан қимматбаҳо ўлчаш воситалари камдан-кам ишлатиладиган маҳсус инструментлар),

- иш ўрнида индивидуал фойдаланиш учун мўлжалланган инструментлар (талабага бериб қўйилади),
- асбоб-усқуналарга тааллуқли инструментлар
- амалиёт ўқитувчининг инструментлари ва ҳоказо.

Ҳар бир талабада ўзининг индивидуал инструментлари бўлса, факат шундагина ҳамма талабалар машқларни бир вақтда бажаришлари мумкин.

Агар буни иложиси бўлмаса, бошқа ташкилий ечимлар топилиши керак масалан инструментларни галма-гал ишлатилиши машқлар алмасиниши ва бошқа ечимлар.

### **Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатларда қўлланиладиган йўналтирувчи матн усули**

Йўналтирувчи матн усули ўтган асрнинг 70 йилларида «Daimler Benz» корхонасининг Гаггенау шаҳридаги (Daimler Benz AG (Gaggenau)) ўқув устахонаси томонидан ишлаб чиқарилган. Бу усул товуш ва тасвирилди презентациялар билан жиҳозланган мустақил ўрганиш дастурлари шаклидаги лойиҳавий касб-хунар таълимiga кўшимча сифатида ишлаб чиқарилган.

Бошлангич шаклида бу усул касб-хунар таълими амалиётчилари томонидан ишлаб чиқарилган, кейинчалик эса назарий жиҳатдан асосланиб илмий асосда такомиллаштирилиб, олий таълимда қўлланила бошланган.


Йўналтирувчи матн усулида қуйидаги 6 босқич фарқланади;

улар айланасимон ҳаракатда алмашишади:

1. Маълумот йиғиш
2. Режалаштириш
3. Қарор қабул қилиш
4. Амалга ошириш
5. Текшириш
6. Холоса чиқариш



Бу босқичлар ҳаммаси талаба томонидан амалға оширилади. Бу усулни ишлаб чиқарилишига сабаб лойихалар устида иш билан боғлиқтاشкилий мұаммолар эди, унки талабалар ҳар хил тезликдә ишлашлари туфайли бутун гурух учун инструктаж үтказишга қулай вақтни топиш қийин эди. Бир талаба ҳаммадан тез ишлаб янги күнікмани ўрганишга тайёр бўлган бўлса, секинроқ ишлаган талабалар учун эса янги инструктажнинг фойдаси жуда кам эди. Қайтага янги инструктаж уларнинг ишларига халал бергандай ёки кераги йўқ тўхталиш каби туюлар эди. Яъни талабалар қизиқиши (мотивацияси) қисман барбод қилинади.



Йўналтирувчи матнлар ёрдами билан мустақил инструктаж имконияти пайдо бўлди ва ҳар бир талаба айнан унга янги күнікма учун билимлар керак бўлган пайтда шу билимларни олиши мумкин бўлди.

Энг биринчи йўналтирувчи матнлар - бу асли оғзаки равища үтказиладиган инструктажларнинг ёзма шакли эди. Лекин барибир барча маҳсус маълумотлар талабаларга иложи борича оғзаки берилар эди.

Бугунги кунда эса йўналтирувчи матнлар шундай тузилганки талабалар йўналтирувчи саволлар ёрдамида ўзлари керакли маълумотларни (китоб жадвал инструкция видеокассеталар ёки компьютер дискларидан олиб) ишлаб чиқаришни ўрганишади.

Натижада ҳозир янги бир ўргатиш усули ва янги бир ўрганишни ташкиллаштириш тарзи вужудга келди. Унинг асосий белгиси - бу талаба кўпроқ мустақил равища ўрганишидир; амалиёт ўқитувчиси эса заифроқ талабалар билан кўпроқ шуғулланиши мумкин бўлиб қолди. Талабаларнинг мустақил ишлаши эса ўз навбатида қўшимча фойда келтирмоқда: юқорироқ кўникма ва қобилияtlар соҳасида яъни биргаликда мулоқотда бўлиш, биргаликда режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилияtlар ривожланади.

Командада (биргаликда) ишлаш орқали муайан ижтимоий компетенциялар ривож топади ва уларга мўлжалланган мақсадлар ҳам белгиланиши мумкин бўлди. Кўриб турибмизки, вакт ўтган сари йўналтирувчи матн усули қўлланишининг маъноси ўзгарди чунки бугунги кунга келиб бу усул айнан ўша «пойdevor квалификациялар» деб аталган қобилияtlарни ривожлантириш мақсадида қўлланади. Бу тушунчани Германияда таълимот мунозарасига меҳнат бозори тадқиқотчиси Д. Мертенс киритган. У бу тушунча билан асосан услубий компетенцияларни (яъни фикрлаш, ташкиллаштириш ва режалаштириш усулларини) атаган.

Ҳозирги кунда эса бу тушунча билан шундай қобилияtlар кўникма ва ўзини тутиш тарзлари аталадики, улар айнан шу касб-хунарга оид квалификациялардан ташқари ва уларга қўшимча сифатида барча бошқа касб-хунарларда керак бўладиган ҳатти-ҳаракатларни билдиради.

Булар орасида - мустақил режалаштириш амалга ошириш ва ўз ишини текшириш.

4 поғона усули билан солиширадиган бўлсак бу усулда амалиёт ўқитувчисининг фаолияти кўпроқ дарсдан олдин ва дарсдан кейин қилинадиган ишлардан иборат. Лекин бевосита инструктаж жараёнида қилинадиган ишлар эмас; талабалар эса қайтага барча даврларда (фазаларда) мустақил ишлашади.

### **Йўналтирувчи матн усули доирасидаги ҳаракатлар**

**Таълим мақсади - мустақил ҳаракатланиш.** Германияда таълимнинг энг муҳим мақсади - талабани малакали касбий фаолиятни бажаришга қодир

қилиш, бунинг ичига эса мустақил режалаштиришни амалга ошириш ва текшириш киради.

Албатта мутахассислар бундай кенг малакага уларнинг иш жойидаги шарт-шароитлар ва имкониятлари доирасида жавоб бера оладилар.

Шу боис мустақил режалаштириш амалга ошириш ва текшириш деганда мутахассиснинг корхонадаги фаолият ваколатлари билан адаштириш мумкин эмас.

Мустақил ҳаракат қилиш дегани шуни англатадики мутахассис унга топширилган ишларни мустақил равишда яъни бирорнинг бошқариб туришисиз амалга ошириши керак. Масалан бирор ишни бошлашдан олдин иш тартибини режалаштириш ишлаб чиқариш усулини белгилаш ёки керакли материалларни танлаш ва иш тутатилганидан кейин натижага сифати контролини ўтказиш.

Бундан ташқари мустақил ва маъсулиятли ишловчи мутахассислардан кутиладиган нарса шуки улар иш тартибини иқтисодий мезонлар асосида яъни тежамкорлик асосида режалаштириш ва амалга оширишлари керак. Яъни улар масалан тежамли ишлаб чиқариш усулларини ишлатиш материаллардан ёки энергиядан тежамли фойдаланиш усулларини билишлари керак.

Корхонада ўтказилаётган ўқув жараёнида «мустақил ҳаракатланиш» деб аталган ўқув мақсаднинг эришилиши фақат тасодифан бўлишига йўл қўйилмайди. Бу малакани систематик равишда ўргатиш таълим амалиётининг доимий омили бўлиши лозим.

Мустақил ҳаракатланишни ривожлантириш таълимнинг биринчи куниданоқ унинг таркибий қисми бўлиши лозим. Бунинг учун топшириқларни бажаришда режалаштириш ва текшириш вазифалари киритилиши лозим.

### **Мукаммал ҳаракат модели**

Мукаммал ҳаракат модели - мустақил касбий ҳаракатланиш модели деб ҳам аталган модель - таъриф сифатида касбий-техникавий соҳада учрайдиган кўплаб иш фаолиятларига мос келади. Масалан мақсад қўринарли ўлчанарли натижалардан иборат бўлган ҳолларда. Бу модель бир касбий ҳаракатни 6 та алоҳида ҳаракат босқичларига бўлади.

Мукаммал ҳаракатни амалга оширилишининг ўзи ўрганиш билан тенг деб хисобланади. Педагогик муаммо шундан иборатки ҳар бир алоҳида босқич бўйича бир стратегияни танлаш керакки талаба ҳам хаёлида (хаёлда синов сифатида ҳаракатни бажариш) ҳам амалда мукаммал ҳаракатларни бажариши таминланиши керак.

Йўналтирувчи матн усули бу муаммони шундай ҳал қиласи: бу усул хаёлда бажариладиган жараёнларни деярли ташқарига чиқаради. Яъни одатда фақат хаёлда бўлиб ўтадиган нарсалар бу усул бўйича ёзилиши ёки овоз чиқариб айтилиши керак.

Шунинг учун бу ерда бир неча тескари алоқа жараёнлари мавжуд.

«Маълумот йифиш» (1) «Режалаштириш» (2) «Амалга ошириш» (4) ва «Текшириш» (5) босқичларини талаба деярли бутунлай ўзи ёки кичик гурухларда бажариши мумкин. «Қарор қабул қилиш» (3) ва «Хulosा чиқариш» (6) босқичларида эришилган натижалар эса амалиёт ёки назариёт ўқитувчилари билан батафсил муҳокама қилиниши керак.

Ўқув жараёнини бундай босқичларга бўлиниши талабаларни иложи борича кўпроқ мустақил ўрганишга туртки беради. Талабаларга «Маълумот йифиш» ва «Режалаштириш» босқичларида ёзма хужжатлар масалан техник чизмалар жадваллар эслатмалар йўриқномалар ёки ўқитувчи ўзи тузган хужжатлар берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай хужжатлар мустақил ўрганиш жарааёнини жуда яхши кучайтиради.

Амалиёт ўқитувчиси ўқув жараёнидаги модератор ролини ўйнайди яъни у ҳар бир босқич учун керакли маълумот материаларини тайёрлайди ва талабаларга мустақил маълумот йифишида ёрдам бериб турди. У талабаларни аниқ мақсадга қаратилган иш-ҳаракат қилишига туртки беради талабанинг прогрессини назорат қиласи ва ўқитувчилар билан биргалиқда ўрганишдаги нуқсонларни бартҳараф этиш йўллари ҳақида ўйлади.

Талаба эса ўз таълим мининг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Энди у фақат тингловчи эмас балки бажариладиган топширик учун керакли барча маълумотларни йифади ўз иш тартибини ва керакли вақтни ўзи режалаштиради ва қолаверса ўз иш натижасини ўзи баҳолайди. Буларнинг ҳаммасини талаба битта ўзи қилиши мумкин ёки бошқа талабалар билан биргалиқда бажариши мумкин бу эса мақсадга ниҳоятда мувофиқ бўлади.

Ўқитувчилар шундай роль ўйнашлари ва ўзларини шундай тутишлари «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятлар ривожланишига жуда ҳам катта ёрдам беради, яъни мустақил ўрганиш мулоқот тузиш жамоада ишлаш ва энг муҳими ўз натижаларини ўзи баҳолаш ва иш-ҳаракатларини режалаштириш каби қобилиятларини ривожлантиради.

### **Ўқув жараёнини ташкил этишда лойиҳа усули**


Лойиҳа усули йўналтирувчи матн усули билан чамбарчас боғлик чунки йўналтирувчи матн усули ишлаб чиқарилганлиги-нинг сабаби лойиҳалар устидаги ишларда пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўлган.

Йўналтирувчи матн усули бугунги кунда шундай соҳаларда кўлланилмоқдаки у ерда ҳеч қандай лойиҳа хақида гап кетмайди. Лекин лойиҳа усули хусусан лойиҳалар билан ишлашни ўрганиш ўзлаштиришни кучайтириш мақсадида такоммилаштирилди.

Хозирги кунда бу иккита усулни бир биридан қўйидаги нуқтаи назардан фарқлашади:

- йўналтирувчи матн усули эътиборни мустақил ўрганишга қаратади;
- лойиҳа усули мустақил ўрганиш мақсадидан ташқари эътиборни керакли шахсий қобилияtlар ва кўникмаларни ўрганишга қаратади (яъни пойdevor квалификацияларга) чунки бу квалификациялар корхона ва фирмаларнинг амалиётида учрайдиган меҳнатни ташкиллаштириш шаклларига асосланган.

Лойиҳа усулининг концепцияси фирма ва кичик корхоналарнинг малакали ишчи-мутахассисларга қўйилган замонавий талабларига тўлароқ жавоб бериш мақсадида такомиллаштирилади. Чунки бугунги кунда меҳнат бозори нафақат юқори даражада таълим олган ишчи-мутахассис ва хунармандларни талаб қилмоқда. Бу ишчи-мутахассислардан ўз касб-хунари бўйича билим-кўникмаларидан ташқари ижтимоий ва шахсий компетенциялар соҳасига тегишли шахсий қарашларга эга бўлишлари талаб қилинмоқда. Бундай компетенциялар эса аффектив компетенциялар соҳасига тегишли компетенциялардир.




Бу дегани мутахассислар ўз касб-хунарларига оид билим-кўникмалардан ташқари мисол учун қўйидаги қобилияtlарга эга бўлишлари лозим:

- ташаббус кўрсатиш;

- муаммоларга систематик ёндашиш;
- қарорларни мустақил қабул қилиш;
- мосланувчан бўлиш;
- бирор муаммони ўзи ҳал қилиш;
- доим малакасини оширишга истагини кўрсатиш;
- хамкорликка тайёр ва маъсулиятли бўлиш.

Пойдевор квалификациялар замонавий меҳнат шароитларида якка тартибда ишлашда ҳам бошқалар билан биргаликда фаолият шаклларида ҳам талаб қилинади. Бунинг сабаблари - бетўхтов ривожланиб бораётган янги технологиялар саноат ва ҳунармандлик корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларида юз берган ташкилий шакллардаги ўзгаришлардир.



Лойиха усулининг мақсади шуки унда талабалар бу квалификацияларни кейинчалик амалиётда яъни ишга киргандаридан кейин эмас балки касб-хунар таълими доирасида ўрганиб олишларидир. Шунинг учун ҳам бу квалификацияларни касбий малака билан биргаликда иложи борича теппантенг ривожлантириш лозим.

Лойиха усули хусусан «SIEMENS AG» (Сименс) корхонасида кенг кўламда ва яхлитлик нуқтаи назардан такоммиллаштирилди ва унга бу ерда «Projekt- und transferorientierte Ausbildung» (қисқартмаси PETRA) деган ном берилди яъни «Лойихаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятда қўллашга қаратилган таълим». қўйидаги мавзулар айнан шу концепцияга асосланган ҳолда таърифланади.

Бу усулининг хусусияти шуки хар хил хужжатлар ва формулалар ишлатилиши керак. Негаки улар лойиха давомида барча поғоналарни қайд этиш учун ва лойиха ишини таққослаш имконияти учун керакдир.

Бу хужжатлар ва формулалар амалиёт ўқитувчиси томонидан ўқитувчиларга тўлдириш учун берилиши лозим.

Керакли ҳужжатлар ва формулалар қандай ва қанча бўлиши ҳар бир лойиха хусусиятлари асосида белгиланиши лозим. Лекин бу талабалар баъзи бир уларга керак бўлган ҳужжатларни ўзлари ишлаб чиқаришлари ҳам мумкин.

Ҳар ҳолда керак бўладиган ҳужжатлар ва формулалар бу:

- лойиха (чизмалар электросхемалар);
- лойихага тегишли топшириқлар таърифи;
- йўналтирувчи саволлар «Маълумот йиғиши»дан бошлаб - лойиха ишининг барча 6 даври (фазалари) бўйича;
- Ўқув мақсадлар хақида маълумотлар (Режалаштириш варағи - шу жумладан танланган пойдевор квалификациялар таърифи);
  - ишлаш тартиби бўйича формула;
  - вазифаларни тақсимлаш бўйича формула;
  - иш режаси формулаи;
  - баҳолаш варағи формулаи;
  - назорат протоколлари формулаи;
  - инструментлар рўйхатлари ўлчаш воситалари рўйхатлари ёрдамчи материаллар рўйхатлари;

**Лойиха усули доирасидаги ҳаракатлар.** Лойиха усули бутун амалий таълим жараёни доирасида қўлланиши мумкин. Бунинг учун зарур шартшароит лойихалар борлиги; лойихалар қуидагича бўлиши керак:

- 1) Аниқ чекланган топшириқ масалан бирор нарсани режалаштиришдан бошлаб то сифат текширишгача ишлаб чиқариш ёки бирор электросхемани оптималлаштириш ишлаш тартибининг таърифи билан бирга;
- 2) Ўқитувчилар нуқтаи назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у талабалардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласидиган топшириқ бўлиши керак; талабалар қийинчиликларни ҳал қилишлари ва мавжуд билимларидан ташқари бошқа билим-кўникмаларини ишлатишга мажбур бўлишлари керак;
- 3) Ўзлаштирилган квалификациялар ҳар хил ўқув жойларда шундай бириктирилиши мумкинки янги топшириқ бажарилиши мумкин бўлади - режа асосида ва иложи борича мустақил ҳаракатланиш талаб қилинади.

Лойиха (лотинча: projectum - олдинга ташлаб юборилган нарса) ўрганишга хизмат қилиши назария билан амалиётни боғлаши корхонада учрайдиган бирор иш жараёнига таалуқли бўлиши талабалар томонидан иложи борича мустақил режалаштира олининадиган ва талабалар томонидан чекланган бир доирада мустақил равишда ташкиллаштиришни ва амалга ошира оладиган бўлиши лозим. Бунда талабалар ўзларининг касбий равишида

муаммони ечиш ва ҳамкорлик усулларини ва стратегияларини ишлаб чиқариш имкониятларга эга.

Таълим доирасида лойиҳа мисол учун бирор инструмент ёки ускуна ёки унинг бир қисми бўлиши мумкин. Автомеханик бўлмоқчи бўлган талабалар учун лойиҳа мисолига бирор моторни тузатиш ёки сантехниклар учун бирор нарсани ўрнатиш бўлиши мумкин. Лойиҳа бу доим бир топшириқ бўлиб унинг натижаси «оддий» бир маҳсулот бўлади. Лекин «лоиҳа» деганда ҳар доим жисмоний бир «маҳсулот» тушунилмайди чунки қўплаб шундай фаолият турлари борки уларга бундай таъриф тўғри келмайди.

Масалан электриклар учун бирор бузук электр занжирни тузатиш ҳам лойиҳа бўлиши мумкин. Офис-менеджерлик соҳасида эса барча ишларни лойиҳага айлантириш мумкин Агар бу ишлар яхлит ҳарактерга эга бўлса ва ўлчаниладиган натижага олиб келса масалан бухгалтерия учун мўлжалланган компьютер дастурини ўрнатиш ва ҳоказо.

Талабалар одатда вазифаларни ўзаро тақсимлаб лойиҳа гуруҳи сифатида бутунлай мустақил равишда режалаштиришдан бошлаб то амалга ошириш ва хулоса чиқаришгача биргаликда ишлашади. Топшириқ берилган вақтидан бошлаб то унинг ечилишигача амалиёт ўқитувчиси талабаларни мустақил равишда ўрганишга жалб этиб туриши лозим. Амалиёт ўқитувчиси ўрганиш жараёнини назорат қиласи ва систематик равишда бошқаради; у факат жуда керак бўлган ҳолда жараёнга аралashiши мумкин холос.


Лойиҳа усулининг асосий мақсади шуки бир томондан топшириқни бажариш учун керакли барча билимлар ва кўнималар жараён давомида ўрганилишидир. Бошқа томондан эса топшириқни ечиш усули доим танланган пойdevor квалификацияларни бирдан ривожлантиришга мўлжалланган бўлишидир.

Лойиҳа ишини тайёрлашда йўналтирувчи матн усули каби амалиёт ўқитувчиси қуидаги вазифаларни бажариши лозим:

Амалиёт ўқитувчиси

- лойиҳа иши учун бирор мисолни белгилаши
- лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқариши,
- лойиҳа ишини ўқув жадвалига киритиши,
- лойиҳа қандай ўтишини ўйлаб чиқиши ва топшириқни талабаларнинг имкониятларига мослаштириб уларнинг топшириқни бажара олишларини таъминлаши,
- талабаларни лойиҳа иши билан таништириши ва уларни ишига аралашмасдан кузатиб туриши лозим.

Лойиҳа усулининг амалга оширилиши йўналтирувчи матн усули каби мукаммал ҳаракатланиш моделига асосланади:



**Маълумот йиғиш.** Бу давр (фаза) учун амалиёт ўқитувчиси аввал бир неча материал ва хужжатларни тайёрлаши лозим:

- лойиҳа (чизмалар электросхемалар);
- лойиҳага тегишли топшириқлар таърифи;
- маълумот йиғишга оид йўналтирувчи саволлар;
- ўқув мақсадлар ҳақида маълумотлар (шу жумладан танланган пойдевор квалификациялар);

Лойиҳа талабаларга чизмалар ёки электросхемалар шаклида бериб қўйилади. қўшимча сифатида топшириқ таърифи ҳам берилади.

Сўнг амалиёт ўқитувчиси талабаларни йўналтирувчи саволлардан фойдаланиб топшириқ таърифини таҳлил қилишга жалб этади. талабалар мустақил равишда дарслик жадвалли китоблар шахсий ёзувлари тарқатма материаллар асосида маълумот йиғишиди. Бундан ташқари улар бошқа техник саволлар қўлланиши мумкин бўлган иш тартиби босқичлари иш поғоналари инструментлар ва керакли иш материалларга оид хужжатлардан фойдаланишлари мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси талабаларга техник чизмаларни фойдаланишга беришидан мақсад улар шу чизмалар асосида муҳим қисмларни чизиб олишади ва ўз иш хужжатларига кўчириб олишади.

Сўнг талабалар ҳам ўз навбатида лойиҳа ишлаш тартибининг таърифини тузишлари лозим. Шу равишда улар лойиҳанинг бориши ва сифати учун муҳим бўлган асосий ўзаро алоқаларни алоҳида иш поғоналарини қайси поғонада ва қайси вақтда оралиқ назорат ўтказилишини ва ҳоказоларни аниқлашади.

**Режалаштириш.** Сўнг талабалар мустақил равишда иш режасини тўлдиришади. Иш режаси уларга формула сифатида берилиши мумкин. Бу режада иш босқичлари уларнинг технологик кетма-кетлигига материал инструментлар ёрдамчи воситалар ва ҳоказо режалаштирилиши лозим.

Бу ерда ҳам йўналтирувчи саволларни қўллаб ўзларининг шахсий ёзувларидан масалан назарий дарсда қилинган ёзувларидан фойдаланишади.

Ўқитувчилар ўзлари ҳам шундай режа лойиҳасини ишлаб чиқиши мумкин. Бу нарса таълимнинг олдинги босқичида амалга оширилиши ёки бажармаслиги мумкин. Негаки иш режаси - бу берилган топшириқни бажариш учун керакли босқичлар кетма-кетлигининг таърифидир. Лекин иш режаси бирор иш жараёнининг бир қисми бўлиши ҳам мумкин. Иш режасида технологик босқичлар ва улар учун ажратилган вақт керакли инструментлар ва ускуналар ҳамда меҳнат хафсизлигига оид чора-тадбирлар хақида маълумотлар ҳам кўрсатилиши ҳам мумкин.

Иш режаси билан бир вақтнинг ўзида бир неча ҳар хил кичик гурухларда «қисман лойиҳа»лар устида ишлайдиган талабалар орасида вазифалар тақсимланишини ва сифат назорати режалаштириш мумкин.

Қарор қабул қилиш. талабалар амалиёт ўқитувчиси билан биргаликда режалаштириш даврида (фазасида) юзага келган натижаларни муҳокама қилишади. Амалиёт ўқитувчиси бу дискуссияни модераторлик йўлида ва «пинванд» доскасини ишлатиб ўтказиши мумкин. Бундай равишда ҳар хил ечимлар бир бири билан таққосланади ва энг яхши вариант танлаб олинади.

Бу иш пайтида кичик гурухлар аъзолари ҳам аниқ белгиланади. Уларнинг вазифаси бутун лойиҳанинг қисман топшириқларини ҳал қилиш бўлади.

**Амалга ошириш.** талабалар иш топшириғини иш режаси асосида мустақил равишда бажаришади.

Улар якка тартибда ёки кичик гурухларда ишлашлари мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси жараённи назорат қилиб турари пойдевор квалификациялар ривожланишини таҳлил қиласида ва назорат натижаларини маҳсус «Назорат протоколи»га ёзиб кўяди.

Бу протоколда талабаларни баҳолаш мезонлари бўлиши лозим. Бу мезонлар тегишли пойдевор квалификацияларни ҳисоблаб аниқлашни кўрсатади. Пойдевор квалификациялар деганда бу мисол учун мулоқот қобилияtlари хамкорлик маъсулиятга онгли муносабат ва мустақиллик каби қобилияtlар бўлиши мумкин.

Пойдевор квалификациялар ривожланиши бир неча поғоналарда кўрсатилган бўлиши мумкин. Бу поғоналар талабалар бу квалификацияларга қай даражада эришганларини кўрсатади.

«PETRA» концепциясида пойдевор квалификациялар ривожланиш даражасининг 4 поғонаси фарқланади:

**Репродукция поғонаси.** талаба янги мазмунларни ўрганиб олади масалан тақлид қилиш орқали ва ўрганган нарсасини амалиёт ўқитувчиси бошчилигига бевосита қўллай олади.

**Реорганизация поғонаси.** талаба энди асосий кўникма ва билимларни ўзлаштириб олди ва муайян топшириқларга нисбатан ҳаттоқи узоқроқ вақт ўтганидан кейин ҳам қўллай олади.

**Мавжуд билимларни бошқа вазиятда қўллаш поғонаси.** Талаба ўрганиб олган билимларини керак бўлса бироз ўзгартириб ишлатади ва уларни ўзгарган ва янги вазиятларда қўллай олади.

**Муаммони ҳал қилиш поғонаси.** Талаба шундай топшириқларни бажарадики, бу топшириқларда у эски ва янги билимларини бир бирига қўшиб ишлатади. У сабаб ва оқибат орасидаги ўзаро алоқаларини аниқлай олади систематик ривожлантира олади баҳолашни ҳамда танлашни билади янги ва ижодий ечимларни топа олади.

Бу 4 поғона пойдевор квалификацияларни режалаштириш пайтидаёқ инобатга олинади. Амалиёт ўқитувчиси ўзининг «Назорат вараги»га шундай индикаторларни яъни нишоналарни киритиши мумкинки улар унга бирор поғона эришилганлигини кўрсатиб туришади.

**Текшириш.** талабалар ўз иш натижаларини ўzlари текширишади (масалан иш натижаларини сифат мезонлари асосида баҳолаш ва баҳоларни маҳсус «Назорат вараги» ёки «Баҳолаш вараги»да қайд этишади).

талабалар бир-бирининг натижаларини текширишга ҳам жалб этилади. (Бошқаларни баҳолаш).

Инструктор натижаларни маҳсус «Хулосалар вараги» да қайд этади ва ўзининг «Назорат баённомаси» асосида ҳулосалар чиқаради.

**Хулоса чиқариш.** талаба ва амалиёт ўқитувчиси иш жараёнини ва натижаларини биргаликда якуний сухбат давомида таҳлил қилишади (асл кўрсатгичларни норма кўрсатгичлари билан таққослаш; норма кўрсатгичларига эриша олмаганлик сабаларини аниқлаш. Кейинги сафар нималар яхшироқ қилиниши лозим?).

Бунинг учун амалиёт ўқитувчиси «Назорат протоколи» ҳамда «Хулосалар протоколи»дан фойдаланади.

### **Лойиха усули доирасидаги ташкилий шакллар.**

Амалий таълимни «Лойиха усули»ни қўллаш орқали амалга ошириш учун 3 хил ташкилий шакллар қўлланади. Бу ташкилий шакллар пойдевор квалификациялар ривожланишига маълум равишда кўмаклашишади:

- мустақил режалаштирилган индивидуал иш
- гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш
- гуруҳда бажариладиган иш.

Ташкилий шакллар ва пойдевор квалификациялар орасидаги ўзаро алоқа яққол ва тушунарлы чунки мустақил режалаштирилган индивидуал иш пайтида индивидуал шахсиятга оид ва касбий компетенциялар (иш топширигини ўзи ташкиллаштириш ва амалга ошириш қобилиятлари мустақиллик ва шахсий жавобгарлик чидамлилик ва ҳоказо) ривожланса гурухда режалаштирилган индивидуал иш ҳамда гурухда бажариладиган иш пайтида эса ижтимоий ва касбий компетенциялар (мулоқот ва ҳамкорлик қобилияти режалаштириш ва қарор қабул қилиш қобилияти жамоий жавобгарликни англаш ва бошқа қобилиятлар) ривожланишига хисса қўшишади.

### **Мустақил режалаштирилган индивидуал иш:**

Талабага лойиха ҳужжатлари берилгандан кейин у ўз лойиҳасини режалаштиради бутунлай шахсий жавобгарликда индивидуал равишда ишлаб амалга оширади ва натижаларини ўзи таҳлил қиласди.

талабалар орасида ҳеч қандай мулоқот юзага келмайди.

**Гурухда режалаштирилган индивидуал иш:** Гурухга лойиха ҳужжатлари берилгандан кейин гурух талабалари биргаликда «Маълумот йиғиши - Режалаштириш - Қарор қабул қилиш» босқичларини амалга оширишади. Ундан кейин эса ҳар бир талаба индивидуал равишда ишлаб ўз лойиҳасини амалга оширади. Яъни режалаштириш пайтида у бошқалар билан биргаликда жавобгарликни ўз зиммасига олади лекин амалга ошириш пайтида шахсий жавобгарликни ўз бўйнига олади.

**Гурухда бажариладиган иш:** Гурухга лойиха ҳужжатлари берилгандан кейин гурух талабалари биргаликда умумий режани тузишади. Сўнг лойиха бир неча «қисман лойиҳа»ларга бўлинади ва уларни бир-бирига боғловчи касбий бўғинлар гурухда келишиб олинади. Деталли режалаштиришни эса ҳар бир талаба ўзи амалга оширади. Сўнг ҳар бир талаба ёки кичик гурух ўзининг қисман лойиҳасини тузади. Бу ҳолда уларнинг ҳаммаси қисман лойиҳаларни ишлай оладиган яхлит лойиҳага бирлаштириш учун биргаликда жавоб беришади.

### **Хорижий таълимда тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик тушунчалари**

Хорижий таълимда сўнгги йилларда бирқатор терменлар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

**ТҮЮТОР** - (*Tutorет-лотинча*) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиши билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маъруачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

**ЭДВАЙЗЕР** (*advisor*)-французча “*avisen*”“*ўйламоқ*”) талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойихаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.

**ФАСИЛИТАТОР** - (инглиз тилида *facilitator*, латинча *facilis*-енгил, қулай)- гурухлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

**МОДЕРАТОР** - Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра сухбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Бизнинг таълимда ушбу фаолиятларнинг ҳаммасини ўқитувчи бажаради ва педагог ёки ўқитувчи деб юритилади.

### **Назорат саволлари**

1. Европа ва АҚШ да олий таълим тизимининг уч босқичи мажбурий тайёргарлик (undergraduate), асосий (professional degree program) ва резиденттура (graduate) босқичларининг мө=ияти нимадан иборат?
2. Европа Ҳамжамияти давлатларида фармацевтик таълим тизими ҳақида маълумотлар.
3. Америка Кўшия Штатларида фармацевтик таълим тизимини таърифлаб беринг
4. МДХ давлатларида олий фармацевтик таълим тизимини мисоллар ёрдамида таърифланг.
5. Ўзбекистон Республикасида фармацеввларни тайёрлашнинг узлуксиз тизими тизими.
6. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалар замонавий ёндашувлар.
7. Хорижий таълимда тыютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик тушунчаларини таърифланг

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Jesson K, Langley J, Clarke L and Hatfield K. Pharmacy undergraduate students: career choices & expectations across a four-year degree programme. A report for Royal Pharmaceutical Society of Great Britain.
2. Willis S, Shann P, Hassell K. University of Manchester: Centre for Pharmacy Workforce Studies; 2006. Studying pharmacy: who, when, how, why? what next? A longitudinal cohort study of pharmacy careers.
3. Wilson K, Jesson J, Langley C, Clarke L, Hatfield K. MPharm programmes: where are we now? Royal Pharmaceutical Society of Great Britain Available at:<http://www.rpsgb.org/informationresources/downloadsocietypublications/>. Accessed November 20, 2008.
4. Пўлатов Ш. Таълим менежменти, ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқариш стратегияси. Тошкент 2018 й., 526бет.
5. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт”.- 2015. – 150 б.
6. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
7. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.

## IV АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### **1-амалий машғулот: Олий таълим тизими ва фармацевтика соҳасидаги ислоҳотлар**

**Ишдан мақсад:** Тингловчиларни халқаро миқёсда ва Ўзбекистон Республикасида фармацевтика таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан таништириш.

**Масаланинг қўйилиши:** Фармацевтика таълим соҳасидаги ислоҳотларни ўргангандан ҳолда тингловчи ўз кафедрасидаги таълим тизимига инновацион таълим ресурсларни жорий этиш схеасини ишлаб чиқиш.

Амалий машғулот кичик гуруҳларда турли интерфаол методлардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

**1-гуруҳ учун топшириқ:** Мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида амалга ошаётган ислоҳотлар тизимини схематик тасвирини тузиш

**2-гуруҳ учун топшириқ:** Ўзбекистон Республикасида фармацевтика соҳасидаги ислоҳотларга асосан кадрларга оид муаммоларнинг ечими схемасини тузиш.

### **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **Мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида амалга ошаётган кенг қўламли ислоҳотлар**

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори таълим тизимидағи ислоҳотларнинг мантиқий давоми, ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди.

Қарорда олий таълим тизимида бугунги кунда учраётган оғриқли нуқталар очиқ-ойдин санаб ўтилгани ҳолда, ушбу муаммоларнинг ечимлари ҳам тўлиқ кўрсатиб берилди.

Хужжатга кўра, алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш муддати камида уч йил бўлган бакалавриат ҳамда камида бир йил бўлган магистратуруни жорий этиш, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб таянч олий таълим муассасалари томонидан тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ҳамда дастурларининг кадрлар буюртмачилари эҳтиёжларига кўра, мустақил равишда ишлаб чиқилиши худудларда малакали кадрлар билан боғлиқ муаммоларга ечим топади.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, энди талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида янгича йўл тутилади. Бунда таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган ҳолда, автоматлаштирилган, талабалар билимини баҳолашнинг портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат каби замонавий, шаффоф ҳамда адолатли усувларини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Муайян фанлардан дарс берган ўқитувчи-педагогларнинг якуний назорат жараёнидаги иштирокини истисно қиласиган тизимнинг қўлланилиши ҳам таълим тизимида очиқлик ва шаффоффликни таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорида 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилини жорий этишнинг аниқ механизмлари белгиланди. Бу айрим ўқитувчиларнинг кўр-кўrona дарс ўтиб, ўзининг ҳам, талабанинг ҳам, энг аянчлиси, етук ёш кадрларга кўз тикиб турган жамиятимизнинг ҳам вақтини ўғирлашдек оғир оқибатларни бартараф қилишга имкон беради. Қолаверса, Президентимиз қарори билан олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган ийғилишларга, тадбирларга жалб этиш тақиқланди.

Бугунги давр талаблари кечаги куннинг мезонларидан буткул фарқ қиласиди. Ҳозир замонавий фикрлайдиган, энг сўнгти янгиликлар билан ҳамнафас яшайдиган, кун сайин дунёқарашини бойитиб борадиган кадрларни тайёрлашга эҳтиёж ошиб бормоқда. Бу жараёнда, айниқса, олий таълим тизими зиммасига катта масъулият юкланди. Президентимизнинг мазкур қарорида белгиланган комплекс чора-тадбирлар ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони) асосида олий таълим соҳасида устуворликлар аниқланди.

Олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш. Таълим жараёнига рақамли

технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш. Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннынг инновацион инфратузилмасини шакллантириш. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш. Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш. Олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш. Коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш. Олий таълим тизимининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

Олий таълим сифатини оширишнинг қўшимча омиллари. Олий таълимни ташкил этиш стратегиясида олий таълим муассасаларининг ички тузулмалари ҳам муҳим ўрин тутади. Шарқ ва Farb маданиятида олий таълим муассасаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихида жамиятнинг турли ижтимоий-иктисодий босқичларида таълим муассасаларининг муайян тузилмалари шаклланганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони

Амалга оширилаётган ишларнинг таҳлили олий таълим тизими олдида турган вазифаларни самарали ташкил қилиш, амалга оширишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

- биринчидан, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим бераберлантириш профессор-ўқитувчилар томонидан фан мазмунини етказиш ва таълим олаётган талабаларни ўзлаштириш ҳамда уларнинг билимини тўғри баҳолаш тизими талаб даражасида эмас;
- ўқув жараёнини замонавий технологиялар асосида ташкил этиш борасида таълим дастурлари мазмуни ва уларни янгилаб бориш суръатлари бугунги кунда изчил ривожланаётган иқтисодиёт тармоқлари ва меҳнат бозорининг ўзгарувчан талабларига тўлақонли жавоб бермайди;
- иккинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида доимий ишламаганлиги, билими, педагогик қўнимаси ва маҳоратининг пастлиги, инновацион таълим технологияларидан фойдаланмаганлиги

битириувчиларни буюртмачи (иш берувчи) талабига жавоб бермаслигига олиб келди;

- республикада олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларига талабаларни қабул қилишни режалаштиришнинг мақбул механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги натижасида меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозори ўртасида номутаносиблик келиб чиқишига асос бўлди;
- учинчидан, олий таълим ва ўрта маҳсус муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаганлиги, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларнинг тизимли ўрганилмаганлиги соҳада илм-фан йўналишларининг ривожланмаганлигига олиб келди;
- тўртинчидан, олий ва ўрта маҳсус таълимининг ижтимоий мавқеи ва нуфузи, ходимлари меҳнатини рағбатлантириш тизими паст даражада бўлганлиги аксарият ҳолатларда соҳада кўплаб муаммоларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда;
- марказлашган ҳолда олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари раҳбар кадрларини тайинлаш, уларнинг ташкилий тузилмаларини тасдиқлаш тартиблари таълим муассасалари бошқарувини самарали ташкил этиш ва зиммасига юклатилган вазифаларнинг жадал суръатларда ижросини таъминлашда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда;
- бешинчидан, олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларидағи замонавий ахборот-коммуникация техника ва технологиялари бошқаруви, ўқув-жараёнини ташкил этиш, дастурий воситаларни таълим мазмунига сингдириш масалалари талаб даражасида эмас;
- олий ва ўрта маҳсус таълим тизими моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув лабораториялари ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари билан таълим йўналишларининг дастурлари талабларига мувофиқ равища таъминланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ЎзР ВМсининг 2019 йил 23 сентябрда “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон қарори қабул қилинди.

Бу қарорга асосан қуйидагилар жорий этилди:

- Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом

- Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий ва тармоқ марказларининг намунавий тузилмалари
- Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида самарали дарс берадиган профессор-ўқитувчилар, тажрибали амалиётчи мутахассисларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом

Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарурияти белгиланди. Ахборот ва коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик моделларни оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш зарур. Шу билан бирга, таълим жараёнида тадқиқотга асосланган ёндашувдан фаол фойдаланиш лозим ва бу билан илмий тадқиқотда талабаларнинг кўникамларини ривожлантириш ва IT- компетенцияга асосланган ижодий қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш мумкин. Ахборот ва коммуникация технологиялари – таълим тизимидағи барча муаммоларга ечим эмас, балки рақамли авлод учун маъruzалар ва семинарларни маълумотларга бой ва интерактив қилиб амалга ошириш воситасидир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўқитувчилар талабаларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган интерфаол ўқув жараёнида асосий ролни сақлаб қолади. Ўқитувчининг обрўси ва унинг фаолиятининг самарадорлиги фақатгина курс мазмунидаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилиятига эмас, балки муайян ўқув материалини тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитишда ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли асрда таълим қайта кўриб чиқилиши ва таълим парадигмаси ўзgartирилиши шарт, чунки талабалар ортиқ анъанавий услугуда ўқиши хоҳламайдилар ва ўқитувчилар ҳам бу каби одатий усулда ўқитишни давом эттиришлари керак эмас.

### **2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойили**

Сўнгги йилларда янги олий ўқув юртлари ташкил қилиниши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий метод ҳамда усулларининг қўлланилиши, таълим тизимида сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, қолаверса, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг кўпайтирилиши фикримизга яққол

мисол бўла олади. Шу билан бирга олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларда мазкур муассасаларнинг фаол иштирокини таъминлашга ғов бўлаётган муаммолар ҳам, афсуски, кўзга ташланади.

Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги “**Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги ПҚ-3775 қарори бу борадаги муаммоларни бартараф этиш, таълим сифатини янада юксалтиришга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Қарорда олий таълим тизимида бугунги кунда учраётган оғриқли нуқталар очик-ойдин санаб ўтилгани ҳолда, ушбу муаммоларнинг ечимлари ҳам тўлиқ кўрсатиб берилди.

Мазкур хужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 марта қадар 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилини жорий қилишнинг аниқ механизмларини белгилаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриш вазифаси топширилди. Бунда ушбу тамойил талабларига жавоб бермайдиган профессор-ўқитувчилар билан меҳнат шартномасини бекор қилишгacha бўлган чоралар кўрилиши белгиланган. Бу айрим ўқитувчиларнинг кўр-кўrona дарс ўтиб, ўзининг ҳам, талабанинг ҳам, энг аянчлиси, етук ёш кадрларга кўз тикиб турган жамиятимизнинг ҳам вақтини ўғирлашдек оғир оқибатларни бартараф қилишга имкон беради.

Бундай янгича ёндашув олий таълим муассасаларида таълим сифатини юксалтиришга салбий таъсир кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар фаолиятини ҳар томонлама танқидий мониторинг қилиб, баҳолаб, натижаси бўйича тегишли чоралар кўриш имкониятини яратади. Бу билан профессор-ўқитувчиларнинг масъулияти кучайиб, ўз устиларида доимий ишлаб бориш, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотларда бевосита қатнашиб, унинг мазмун-моҳиятини, аввало, талabalарга, қолаверса, халқимизга етказиша фаоллигини оширишга туртки беради.

Сабаби, ҳозирги кунда профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида ишламасликлари туфайли олий таълим муассасаларидаги дарслар ўсиб келаётган ёш авлоднинг талабларига тўлиқ мос келмаётгани, натижада

уларнинг дарс жараёнидан ҳар доим қониқиши ҳосил қилмаётганликларини кузатиш мумкин.

Тўғри, авваллари мунтазам равища олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган ишларга, йигилишларга ҳамда бошқа тадбирларга жалб этилиши ҳам таълим сифатига салбий таъсир кўрсатарди. Қарорда мана шундай муаммоли масалалар ечимиға ҳам эътибор қаратилганки, эндиликда профессор-ўқитувчилар фаолиятидан ташқари ишларга жалб қилинмайди. Бу ҳам ўқитувчиларнинг изланиши учун кенг имкониятлар яратилаётганидан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, “талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилининг жорий этилиши, ўз навбатида, талабаларга ҳам катта масъулият юклайди. Бунда талабалар ўқишга фидойилик билан ёндашиш, муассаса талабларини бажариш, дарсларга ўз вақтида келиш ва фаол қатнашиш каби масъулиятларини тўлиқ англаб этишлари лозим. Бу эса айнан абитуриентлик даражасидаги саралаш жараёнига бевосита боғлиқдир.

Хусусан, абитуриент олий таълим муассасасини ўз қизиқиши, салоҳияти ҳамда келажакдаги ўрнига қараб танлаши кераклиги ҳам муҳим ўрин тутади. Шундагина талабалик давридаги ўқиш жараёнида қўйиладиган талабларга амал қилиш ва унинг машаққатларига чидаш осон кечади, пировардида эса талаба ҳамда профессор-ўқитувчилар ўртасида ўзаро тушуниш, хурмат, фанга қизиқиши шаклланади. Қарор билан олий таълим муассасаларига қабул жараёнининг ҳам такомиллаштирилиши айнан абитуриент учун мос олий таълим муассасасини танлаш имконини беради.

Қолаверса, олий таълим муассасалари раҳбариятининг мамлакатни ислоҳ этиш жараёнида фаол қатнашиш борасидаги масъулиятини кучайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирларнинг белгиланиши, ҳар бир ректор ва проректор учун ушбу йўналишда алоҳида “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиши, янги ғоя ҳамда ташаббусларни шакллантириш мақсадида олий таълим муассасасида “Ёш эксперtlар гуруҳи”нинг ташкил қилиниши ҳам мазкур тизим самарадорлигини янада оширишда устувор аҳамиятга эга бўлади.

## **Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида янгича йўналишлар**

Кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга

оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “**Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида**”ги қарори таълим тизимидағи ислоҳотларнинг мантиқий давоми, ўз вақтида қабул қилинган муҳим хужжат бўлди.

Хужжатга кўра, энди талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида янгича йўл тутилади. Бунда таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари инобатга олинган ҳолда, автоматлаштирилган, талабалар билимини баҳолашнинг портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат каби замонавий, шаффоф ҳамда адолатли усулларини жорий этиш кўзда тутилмоқда. Муайян фанлардан дарс берган ўқитувчи-педагогларнинг якуний назорат жараёнидаги иштирокини истисно қиласидиган тизимнинг қўлланилиши ҳам таълим тизимида очиқлик ва шаффофликни таъминлайди.

Президентимизнинг бу қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 19-2018-сон буйруғи қабул қилинди.

Бу низомнинг «Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари», “Талабалар билимини баҳолаш”, «Баҳолаш натижаларини қайд қилиш» бобларида олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини белгиланган.

### **Худудларда малакали кадрлар билан боғлиқ муаммолар ечими**

Мамлакатда таълим сифатини, унинг жамиятда кечеётган ислоҳотлардаги ўрни ва иштирокини таъминламай туриб, тараққиётга юз тутиш мушкул. юртимизда халқаро талабларга жавоб берадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Лекин шу билан биргаликда худудларни малакали кадрлар биан таъминлашда қатор долзарб масалалар тўлиқ ечимини топмаган:

- республикамиз худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш учун замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни ўз вақтида зарур ихтисосликлар бўйича иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда тайёрлаш,
- олий таълим мазмунини бевосита корхоналар, муассасалардаги техника, технология, ишлаб чиқариш муносабатларига ҳамда истиқболли ривожланиш дастурларига мувофиқ шакллантириш,

- кадрларни эгаллаган касби ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ва бошқалар.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигига жалб қилинган нуфузли хорижий эксперталар грухи томонидан 2017 йилнинг январь — июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хуносаларда куйидагилар каби камчиликлар қайд этилган:

- олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги,
- талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек,
- таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги,
- таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги,
- хорижий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича ўйлга қўйилмаганлиги ва бошқалар.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳаларининг истиқболда кадрлар тайёрлашга буюртмаларини шакллантириш, битирувчиларга қўйиладиган малакавий талабларни ишлаб чиқиши, тармоқка зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш сифатини таъминлаш жараёнидаги иштироки талабга жавоб бермайди.

Олий таълим дастурларининг ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига ҳамоҳанглигини таъминлаш учун иш берувчилар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмаяпти.

Олий таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш ўртасида узилишлар мавжуд, интеграция таъминланмаган. Илмий-тадқиқот институтлари олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига зарур даражада жалб этилмаган, уларда илмий изланишлар иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқмасдан амалга оширилмоқда. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларнинг тизимли тайёрланмаслиги олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятининг пасайишига олиб келмоқда.

Хорижий эксперталар грухи томонидан таклиф этилган тавсияларни инобатта олган ҳолда олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини

оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш орқали республика олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “**Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-3151-сон қарори билан бир қатор чора тадбирлар юқорида келтирилган мкаммоларнинг ечимида қаратилган.

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари ва бошқа қонуности хужжатлар**

Кейинги якин йилларда аҳолини ва соглиқни саклаш муассасаларини дori таъминоти тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда, дori таъминоти масалаларига қаратилган норматив хукукий хужжатлар кабул килинди. Жумладан, бугунги кунгача республикамизда хукуматимиз томонидан дori воситалар мумаласига бевосита ва билвосита boglik bulgan 22ta konun kabul kiliindi. Ушбу конунларнинг ижросини таъминлаш билан boglik bulgan Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Махкамаси карорлари ва бошқа қонуности хужжатлар кабул килинди. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5229-сонли фармони,
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2911-сонли қарори,

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3137 сонли карори,
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш хамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3489-сонли қарори,
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3532-сонли карори ва бошқалар.

Фармацевтика фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, аҳоли ва соғлиқни саклаш муассасаларининг арzon, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техника билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг ишлаб чиқарилиши, олиб кирилиши ва сотилишини мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 й. 7 ноябрида “Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 5229-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги хузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш Агентлиги ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлик-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони қабул қилиниши, аввало, юртимиизда фармацевтика соҳасини ривожлантириш, дори-дармон воситалари хамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий дори-дармон воситалари бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиласди. Шу билан бирга, дори-дармон ва тиббиёт буюмларини экспорт қилиш ҳажмини янада оширади.

Бу йўналишда амалга оширилаётган изчил ишлар ўз самарасини бера бошлиди. Масалан, фармацевтика маҳсулоти экспорти 40 фоизга оширилишига эришилди, юқори технологиялар жорий қилиниши эвазига ҳар бир ишчига ишлаб чиқариш самарадорлиги 35 фоиз ўсди. Маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган дорилар тури 2 минг 300 дан ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5590-сон **Фармони** билан “2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Концепцияси» қабул қилинди.

Бу концепцияда фармацевтика соҳасига оид мақсадлардан куйидагилари кўзда тутилган:

- фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш,
- янги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳамда тиббий техникани рўйхатга олиш тартиб-таомилларини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш,
- нарх белгилаш механизмларини такомиллаштириш,
- дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникани ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда турларини кенгайтириш,
- уларни маркировкалаш ва трекинг тизимларини жорий этиш

Шунингдек Концепцияда тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадлари асосида куйидагилар йўналишлар белгиланган:

- тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг, тиббиёт илм-фанини ривожлантиришнинг самарали тизимини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитация қилиш),
- замонавий таълим дастурлари, усуллари ва технологияларини жорий этиш асосида шакллантириш.

### **Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеяси.**

#### **“Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери ва Фармацевтик техника университетини ташкил этиш**

“Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Қарорига мувофиқ ташкил этилган. “Tashkent Pharma Park” инновацион кластерини барпо этиш мамлакатимиз тиббиёти ва фармацевтика соҳасидаги улкан лойиҳа бўлиб, уни бошлашга Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг 2019 йил 18-21 апрель кунлари мамлакатимизга давлат ташрифи чоғида келишилган эди. Келишувга мувофиқ, мамлакатимиз фармацевтика тармоғида ўқув, илмий-тадқиқот салоҳиятини ривожлантириш тизимини шакллантириш, энг яхши хорижий ўқув дастурлари асосида фармацевтика

соҳасида кадрлар тайёрлаш, юқори технологияли янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ушбу мақсадлар учун Тошкент вилоятининг Зангиота туманида умумий майдони 50 гектар бўлган ер участкаси ажратилган. Кластернинг 20 гектар майдонида технопарк ва 30 гектарида саноат зонаси жойлашади.

2020 йил 17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кластер қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши бўйича режалаштирилган ишлар билан танишиб, мажмуа қурилишига старт берди.

Технопарк ҳудудида академик, илмий-тадқиқот, клиник ва клиник давргача бўлган муолажалар учун дори-дармон воситалари ишлаб чиқарадиган секторлар жойлаштирилади.

Хусусан, бу ерда **Фармацевтик техника университетини** ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, унда халқаро таълим стандартлари қўлланган ҳолда фармацевтика, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника ишлаб чиқариш, косметология, саноат бошқаруви, ва IT-иловалар ишлаб чиқиш йўналишлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланади.

Шунингдек, ҳудудда илмий марказлар, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги биноси, Фармацевтика маҳсулотларини экспертиза қилиш давлат маркази, симпозиумлар маркази, меҳмонхона ва спорт мажмуалари ва бошқа зарур инфратузилмалар ҳам жойлаштирилади.

Саноат зонаси ҳудудида етакчи фармацевтика компанияларининг инновацион дори-дармонлар, тиббий буюмлар ва ускуналар ишлаб чиқариш майдонлари жойлашади.

Ҳеч шубҳасиз, ташкил этилаётган ушбу кластер соҳада ўзига хос биринчи “илмий шаҳарча” бўлиб, у бутун тармоқ учун мустаҳкам пойdevor яратади. Унда халқаро тажрибани кенг қўллаш, хориждан инвестициялар ва илғор илмий ишланмаларни жалб қилиш, инновацион ечимлар ва юксак технологияларни жорий этиш йўли билан юртимиизда фармацевтика ривожи мутлақо янги босқичга олиб чиқилади.

Давлатимиз раҳбарияти томонидан аҳоли соғлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинаётган бўлиб, бунда шубҳасиз, дори воситаларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий фармацевтика соҳасини жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги - фармацевтика корхоналари сони ва салмоғини ошиб бораётганлиги, янги оригинал дори воситаларини яратилиб, амалиётга жорий этилиши, дори воситалари муомаласининг бошқарув тизимининг такомиллаштирилиши ва сифат назоратини кучайтирилиши ва қатор бошқа муаммоли масалаларни ҳал этилишида ўз аксини топмоқда.

Дори воситаларининг сифати белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиб, тасдиқланган стандартлар талабларига мослиги билан баҳоланади ва у дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, сақлаш, ташиш ва белгиланган усулда қўллаш жараёнлари кетма-кетлиги мажмуасида амалга ошириб борилади.

Дори воситаларига ва тиббий буюмларга доир талабларни, умумий фармакопея мақолаларини, фармакопея мақолаларини, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилишни ўз ичига олган хужжатлар тўпламининг расмий нашри бу Давлат фармакопеясидир.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясининг биринчи нашри**, биринчи жилди Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 28 августдаги 227-сон буйруғига асосан тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясини ишлаб чиқиша Европа фармакопеясидан асосий манба сифатида фойдаланиб, у билан ўйғунлаштириш, бу қўп жиҳатдан бизнинг давлатимиз фармакопеясини АҚШ ва Япония фармакопеялари билан ҳам мувофиқлаштириб борилиши демакдир.

Фармацевтика маҳсулотларининг сифатига қўйиладиган халқаро замонавий талабларни ҳисобга олган холда, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази” ДУК билан Европа Иттифоқи Дори воситалари ва тиббий ёрдам сифати бўйича Европа бошқармаси (EDQM) ўртасида 2019 йил 20 марта имзоланган икки томонлама келишувга биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясини ишлаб чиқиши ва нашрга тайёрлашда унинг матнлари асосий манба сифатида Европа фармакопеясининг 8-10-нашрлари билан ўйғунлаштириб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясини яратишда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Зарур фармакопея амалиёти (GPhP)” қўрсатмаларини максимал равишда ҳисобга олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳаллий фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган ва республикага импорт қилинадиган дори воситаларини сифатини назорат қилиш учун меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва баҳолашнинг барча босқичларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Зарур фармакопея амалиёти (GPhP)” стандартига мос келадиган Ўзбекистон Республикаси стандартларини ишлаб чиқиш ва қўллашга асос бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясининг биринчи нашри биринчи жилдига киритилган умумий фармакопея мақолалари

(монографиялар) [www.uzpharmagency.uz](http://www.uzpharmagency.uz) ва [www.uzpharm-control.uz](http://www.uzpharm-control.uz) веб-сайтларида жойлаштириш йўли билан унга алоқадор бўлган ташкилот ва муассасалар эътиборига етказилади ва ўзбек (давлат) ва рус тилларида нашр этишга тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Давлат фармакопеясининг биринчи нашри биринчи жилди 500 нусхада юқори сифатли полиграфия даражасида китоб кўринишида чоп этилади.

Шунингдек, маҳаллий дори воситаларини яратиш борасида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширувчи ташкилот ва муассасалар, дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқарувчи ва уларни сифатини назорат қилувчи ташкилот ва муассасаларни мутасадди ходимлари учун маҳсус семинарлар ташкил этилади.

### **Ўзбекистон Республикасида фармацевтик кадрларга оид муаммолар ва уларнинг ечими. Фармацевтика таълими тизимидағи ислоҳотлар**

Фармацевтика соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар, соҳани ривожлантириш борасидаги ишлар натижаларини ўрганиш ва таҳлиллар асосида мазкур соҳада маҳаллий фармацевтика тармогининг ривожланишига салбий таъсир курсатаётган айрим тизимли камчиликлар сакланиб колаётганлигини курсатди.

Булар жумласига қуйидагилар киради:

- малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига етарли эътибор каратиш,
- фармацевтика тармоги муассасаларининг илмий-тадқиқот фаолиятини замонавий талаблар даражасига кутариш;
- мавжуд илмий ишланмаларни амалиётда синовдан утказишнинг самарали тизимини яратиш, уларни ишлаб чикдришга жорий этиш,
- дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чикиш соҳасида янги инновацион лойихаларни амалга ошириш буйича етарли чоралар куриш заруриятлариdir.

Шу сабабли Тошкент фармацевтика институтининг барча таълим йуналишлари буйича янги малака талаблари ва укув режаларини яратиш зарурияти тугилди.

Республика фармацевтика тизимида мухим буғинлардан бири бўлган Тошкент фармацевтика института жамоаси мазкур вазифаларни бажариш учун биринчи навбатда фармацевтика соҳаси ривожланган бир катор хориждаги таълим муассасаларининг фармацевтика соҳасига оид таълим йуналишларининг малака талаблари ва укитилаётган фанларнинг киёсий

тахлили амалга оширилди ва Тошкент фармацевтика институт укув фанлариға янги узгартырышлар киритиш борасида таклифлар ишлаб чикилди.

### **Назорат саволлари:**

7. Мамлакатимизда таълим тизимини изчил ривожлантириш борасида амалга ошаётган кенг кўламли ислоҳотларни таърифлаб беринг
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5707-сонли Фармонининг моҳияти нимадан иборат?
9. Фармацевтика соҳасини ривожлантиришда кадрлар билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд ва уларни ҳал этиш учн қандай ечимларни келтира оласиз?
10. Талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолаш борасида қандай янгича йўналишларни мисол келтира оласиз?
- 11.“Талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони” тамойилининг моҳиятини ёритиб беринг.
12. Ўзбекистон Республикаси фармацевтия соҳасидг асосий ислоҳотларни таърифланг (Давлат фармакопеяси. “Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери ва Фармацевтик техника университетини ташкил этиш)
13. Ўзбекистон Республикасида фармацевтик кадрларга оид муаммолар ва уларнинг ечимиға қаратилан фармацевтика таълими тизимидағи ислоҳотлар моҳияти нимада иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сон қарори
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5763-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарори “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон қарори
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
24. Jesson K, Langley J, Clarke L and Hatfield K. Pharmacy undergraduate students: career choices & expectations across a four-year degree programme. A report for Royal Pharmaceutical Society of Great Britain.
25. Willis S, Shann P, Hassell K. University of Manchester: Centre for Pharmacy Workforce Studies; 2006. Studying pharmacy: who, when, how, why? what next? A longitudinal cohort study of pharmacy careers.
26. Wilson K, Jesson J, Langley C, Clarke L, Hatfield K. MPharm programmes: where are we now? Royal Pharmaceutical Society of Great Britain Available at:<http://www.rpsgb.org/informationresources/downloadsocietypublications/>. Accessed November 20, 2008.

## **2 - амалий машғулот: Фармацевтика фанларини ўқитишда ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашда илғор хорижий тажрибалар**

**Ишдан мақсад:** Тингловчиларда фармацевтика фанларини ўқитишда илғор хорижий тажриба усуллари ва тамойилларини қўллаш бўйича назарий билимларни ва амалий кўникмаларни шакллантириш.

### **Масаланинг қўйилиши:**

1. Турли хориж мамлакатларида фармацевтик таълим жараёнини ташкил этиш йўналишларининг қиёсий таҳлилини ўтказиш.
2. Хорижий таълимда тыютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик тушунчаларини муҳокама қилиш/ Тўғри мутаносибликни ўрнатиш.
3. Фармацевтика фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибани татбиқ этиш алгоритмини ишлаб чиқиш.

### **Ишни бажариш учун намуна**

№	Тушунча номи	№	Таърифи
1	<b>ТЬЮТОР</b>	A	гурухлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.
2	<b>ЭДВАЙЗЕР</b>	B	устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради.
3	<b>ФАСИЛИТАТОР</b>	C	талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойихаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.
4	<b>МОДЕРАТОР</b>	D	Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра сухбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛ**

**Европа ва АҚШ да олий таълим тизимининг уч босқичи мажбурий тайёргарлик (undergraduate), асосий (professional degree program) ва резидентура (graduate) босқичлари**

Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШ таълим моделларининг ўзига хос хусусиятлари бор, аммо уларнинг умумий жиҳатлари - таълимнинг узлуксизлиги. Ривожланган мамлакатларда маълум бир олий маълумот олиш учун тайёргарлик мактабдан бошланади - у ерда сўнгги 2-3 йил давомида ўқиш (мамлакатга қараб) олий ўқув юртида қўшимча маълумот олиш учун зарур бўлган фанларга ихтисослашган. Шундай қилиб, мактабни тарк этишдан анча олдин, қайси касбда ишлашингизни аниқлаб олган бўлишингиз керак.

Европа ва Кўшма Штатларда олий таълим уч циклдан иборат: мажбурий тайёргарлик (бакалавриат), асосий (профессионал даражада дастури) ва аспирантура (магистратура).

### **Европа Ҳамжамияти давлатлари фармацевтик таълим тизими хақида маълумотлар**

Европада таълим тизими умуман олганда Америка тизимига жуда ўхшаш, аммо бир қатор фарқлар мавжуд. Европанинг барча мамлакатларида фармацевтика мутахассислиги қабул қилиш узоқ ва қийин жараён ҳисобланади. Шунинг учун Европа ва АҚШда шифокорлар ва фармацевтлар энг зарур ва яхши маош оладиган мутахассислар қаторига киради.

Буюк Британия ва Польша мисолида Европа фармацевтика таълим тизимини кўриб чиқамиз. Буюк Британияда ўрта мактаб ўқувчилари (тайёргарлик таълими даври) 2 йил давомида университетда талаб қилинадиган 2-5 та ихтисослаштирилган фанларни ўрганадилар ва якуний A-level 1 тест синовларини топширдилар. Тест 7 балли тизимда баҳоланади (A, B, C, D, E, F, G, бунда A энг юқори баҳо). Турли университетларга кириш учун турлича баҳолар талаб қилинади, масалан, Кембриж ва Оксфордга кириш учун AAA баҳолари талаб қилинади ва Манчестер университети учун ABB баҳоси етарли бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Таълим бир нечта малака даражаларида амалга оширилади: бакалавр (BachelorD), магистр (MasterD) ва докторантура (PhD).

Бакалавр (асосий таълим) мутахассислик бўйича университет ёки коллежнинг кундузги бўлимида 3-4 йиллик ўқишдан сўнг берилади. Ушбу

даражадан кейинги таълим (Postgraduate) магистратура ёки докторантурасида ўқиш учун зарур шартдир.

Европа ва Америка таълим тизимларига ихтисослаштириш хос бўлиб, бу шуни англатадики, фармация факультетида фақат ушбу ихтисосликка тегишли бўлган фанлар ўрганилади.

Барча фармацевтика таълим муассасаларининг ўқув дастурлари Қироллик фармацевтика жамияти (Royal Pharmaceutical Society) томонидан тасдиқланади.

Анъянага кўра фармацевтика таълими 4 модулга бўлинади: кимё, фармация, фармакология ва фармакогнозия. Бундан ташқари, радиофармация, рационал овқатланиш курси, иммунология, биофармация, касбий мулоқот қобилиятлари, фармацевтика ҳисоб-китоблари ва фармацевтика қонунчилиги ўрганилади. Фармацевтларнинг шифокор билан бир хил даражада, bemorlarغا рецепслар ёзиш ҳуқуқи туфайли, клиник фармацияни ўрганишга катта эътибор берилади. Маркетинг умуман ўқитилмайди, лекин дипломдан кейинги таълим (Postgraduate) таълимида курс сифатида ўргнилади.

Фармацевтика амалиёти биринчи йилдан бошланади (тиббий рецептура, дори тайёрлаш, bemorlarга консультатив ёрдам бериш, ижтимоий фармациянинг турли жихатлари ва бошқалар). Катта курсларда талаба терапевтик ва фармацевтика амалиётини ва клиник фармация амалиётини ўтайди. Таълимни тутатгандан сўнг, жамоат ва саноат фармацияси бўйича таълим муассасасидан ташқарида бир йиллик мажбурий амалиёт ўтилади, шундан кейин Қироллик фармацевтика жамиятида касбий малакасини тасдиқлаш учун имтиҳон топширилади. Шундагина ушбу жамиятнинг аъзоси бўлиб, шахсий фармацевтика амалиёти ҳуқуқини олиш мумкин.

Буюк Британияда бакалавр даражаси билан ишлаш мумкин эмас, шунинг учун магистр даражасини олиш мажбурийдир. Магистратура икки турда бўлиб: одатий магистр даражаси (Master Degree) ва магистр - тадқиқотчи даражаси (Master of Philosophy).

Биринчи турдаги магистратура маъруза, семинарлар ва дипломни ёзиш асосида ўтказиладиган таълим жараёнидан иборат. магистр – тадқиқотчи даражасини олиш учун 1-2 йил давомида профессор раҳбарлигига мустақил тадқиқот ишларини олиб бориш керак. Бу докторлик даражасини олиш учун оралиқ қадамдир.

Буюк Британия узлуксиз таълим тамойили жорий қилинган мамлакатларнинг ёрқин вакили. Малака ошириш бўйича маҳсус ўқув курслари мавжуд эмас. Ҳар бир фармацевт Бош фармацевтика кенгаши (General Pharmaceutical council) томонидан ишлаб чиқилган Узлуксиз касбий

ривожланиш стандартларига (Standards for continuing professional development) риоя қилиши шарт. Стандартлар фармацевтнинг бутун фаолияти давомида ўз касбий маҳорати, кўникмаларини сақлаб туриши ва ривожланишини таъминлаш учун ишлаб чиқилган.

Стандартларнинг талабларига биноан ҳар бир фармацевт Бош фармацевтика кенгашининг маълумотлар базасида ўз амалиётининг бутун кўламини, кўникмаларини ривожлантириш натижаларини қайд этади. Унинг стандартларга мувофиқлиги ҳар йили кенгаш томонидан кўриб чиқилади ва агар қайд натижалари стандартларга мос келмаса, лицензиялар бекор қилиниши мумкин.

Докторлик даражаси (Doctor of Philosophy)ни олиш учун дипломдан кейинги таълим босқичида дастурларнинг аксарияти фақат илмий тадқиқот лойиҳалари. Деярли маъruzалар ёки ўқув семинарлари ўтказилмайди. Таълим жараёни камида 2-3 йил давом этади ва ушбу даврда тадқиқотчи натижаларини расмий ҳисоботларда, илмий ёки ихтисослаштирилган журналларда чоп этиши ва чоп этилга натижалар асосида диссертация ёзиши керак. Муваффақиятли ҳимоядан сўнг докторлик унвони берилади.

Польша Европа Иттифоқига аъзо давлатлардан бири бўлиб, Европада кўлланиладиган барча асосий ёндашувларни муваффақиятли татбиқ этадиган ва ривожлантирадиган мамлакат ҳисобланади. Сўнгти 3-4 йил давомида польшалик ўқувчилар келажакда ўрганмоқчи бўлган касбига ихтисослашган касб-хунар лицейлари, коллежлари ёки техник мактабларда таҳсил олишмоқда. Таълимнинг тайёргарлик циклини тугатгандан сўнг, талабалар Ўрта таълим тўғрисидаги "МАТУРА" сртификатини оладилар, шу асосда улар олий мактабга ўқишига кирадилар.

Польшада олий маълумот уч даражага бўлинган: бакалавр (Licenciat), магистр (Magister) ва фан доктори (Doctor). Бироқ, фармацевтика, психология, тиббиёт, стоматология, ветеринар тиббиёт ва ҳуқуқ каби соҳалар учун 5,5 йиллик ўқиши (10 семестр) ва магистр даражасини олиш зарур ҳисобланади. 5 йил - университетда ўқиши, кейин магистрлик даражасини химоя қилиш ва олти ойлик дорихонада ишлаб чиқариш амалиёти.

Польшадаги бошқа Европа мамлакатларидаги каби университетларнинг ўқув дастурларидан келажакдаги мутахассислик учун амалий аҳамиятга эга бўлмаган фанлар чиқариб ташланган, ёки уларни жуда кам вақт ўргнилади.

Умуман олганда, фармацевтика факультетида давомийлиги 5,5 йил бўлган (асосий таълим) ўқув дастури қуидагида қўринади: 4 семестр - касбий тайёргарликка оид мавзулар, 5 семестр - профессионал йўналтирилган фанлар, 1 семестр - танланган мавзу бўйича магистрлик

диссертацияларини тайёрлаш, 6 ой - рўйхатдан ўтишгача ўтказиладиган амалиёт.

Катта курсларда келгуси фармацевтлар қуидаги йўналишлар бўйича ихтисослаштиришдан ўтишади:

- шифохона фармацияси ва косметология,
- клиник фармация ва фармацевтик ёрдам,
- саноат фармацияси ва фармацевтика биотехнологияси,
- фармацевтик токсикология ва атроф-муҳит токсикологияси,
- аналитик ва экспериментал фармация.

3 ва 4 курслардан сўнг ёзги амалиёт: биринчи - чакана дорихонада, иккинчиси - шифохонадаги дорихонада ва (танлов асосида) тадқиқот лабораториясида ёки саноат корхонасида амалга оширилади. Таълим тугатгандан сўнг, фармацевт Польша дорихона палатасига фармацевтика лицензиясини олиш учун мурожаат қиласида. Польшада олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом Европа Иттифоқида олинган бошқа дипломларга teng ва қўшимча тасдиқлашни талаб қилмайди.

Мухим жиҳати шундаки, Дорихона палатасига аъзолик барча фармацевтлар учун мажбурийдир. Яъни, касбий вазифаларни бажариш қобилияти зарур малака талабларига жавоб беришдан ташқари, ушбу ташкилотга аъзоликка боғлиқ. Фармацевтика палатасининг ваколатига касб бўйича ўқитиш дастурларини тасдиқлаш, касбий фаолиятни амалга ошириш хуқуқини бериш, фармацевтлар реестрини юритиш ва фармацевтлар учун узлуксиз тълим олиш тизимини (малака ошириш) ташкил этиш киради.

Польшада, Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари ва АҚШ сингари олий таълимдан кейинги ўқитиш (дипломдан кейинги таълим) икки хил: илмий даража бериш ва амалий (илмий даража бермасдан). Фармацевтика таълими ҳолатида дипломдан кейинги таълим If ягона даража PhD берилади.

Польшада фармацевтлар учун таълимнинг узлуксизлиги Буюк Британияга ўхшаш принципга мувофиқ амалга оширилади - белгиланган муддат ичida керакли балл тўплай олмаган фармацевтлар касбий фаолият билан шуғулланиш хуқуқини йўқотадилар.

Дипломдан кейинги (асосий таълим жараёнидан кейинги) таълим жараёнида Амалий таълимда ҳам малака ошириш мумкин, ҳамда бизнес бошқаруви магистри (МБА) даражасини олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олиш учун мавжуд мутахассислик бўйича билимларни чукурлаштириш ёки янги соҳада малака ошириш учун бакалавр ёки магистр даражасига эга бўлиш керак.

## **Америка Қўшиа Штатларида фармацевтик таълим тизими**

Қўшма Штатларда фармацевтика таълими ва фармацевтларнинг малакаси билан боғлиқ умумий федерал қонун мавжуд эмас ва фармацевтика таълими тизими билан шуғулланадиган давлат идораси мавжуд эмас. Бундай таълим учун ҳар бир штатнинг ўз талаблари бор. Қўшма Штатларда фармацевтика фаолиятини тартибга солувчи қонунлар мавжуд бўлиб, аммо ҳар бир штатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир штатда ўзига хос тлаблар бор.

Фармацевтик таълимга оид қарорлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Таълим вазирлиги томонидан эмас, балки фармацевтларнинг жамоат ташкилотлари томонидан тасдиқланади.

Шу билан бирга американда анча олдин коррупцияни олдини олиш учун таълим муассасаларидаги профессор ва доцентларнинг талabalар билимини баҳолаш имконияти истисно этилган, ушбу функцияни штатлардаги фармацевтика бошқармаларига (State Board of Pharmacy) топширилган ва оғзаки имтихонлар бекор қилинган.

Қўшма Штатларда сиз фармация коллежини битириб, фармацевтика доктори маълумотини олишингиз мумкин. Ушбу мамлакатда қайси олий таълим муассаси - университет ва қайси бири коллеж деб аталиши қонун хужжатларида белгиланмаган, шунинг учун 4 йиллик фармацевтика коллежлари ҳам университетнинг бир қисми, ҳам алоҳида олий ўқув юрти бўлиши мумкин.

Мактабдан кейин дархол фармацевтика коллежига кириб бўлмайди. Дастлаб сиз касбий тайёргарликгача бўлган 2-3 йиллик pre-pharmacy ёки pre-professional тайёргарлик курслари (тайёргарлик таълим цикли) ни ўтишингиз керак. Бу тайёргарлик худудий аккредитациядан ўтган бирон бир техник (Technical), муниципал (Community Colleges) ёки кичик коллежда (Junior Colleges) ўтиш мумкин. Ҳар бир фармацевтика коллежининг тайёргарлик курсларида ўрганилиши керак бўлган фанларга нисбатан ўз талаблари бор, шунинг учун ўқиши бошлишдан олдин, ўқув дастурини университетга кириш учун зарур бўлган талаблар билан мувофиқлаштириш мухимdir.

Одатда ўқиш учун мажбурий фанлар қаторига математика ва фундаментал фанлар (кимё, биология, физика), баъзи ижтимоий-гуманитар фанлар киради.

Фармацевтлар коллежига кириш имтихони (Pharmacy College Admission Test) 6 та бўлим: оғзаки мулоқот қобилияtlари, кимё ва биология, ҳисоблаш қобилияtlари, ўқилган матнни тушуниш ва иккита ёзма имтихондан иборат.

Охирги иккитадан ташқари барча бўлимлар 48 саволдан иборат ва уларнинг ҳар бири билан ишлаш 30 дақиқани ташкил қиласди.

Сайтда рўйхатдан ўтган ҳолда имтихонни фақат 5 марта топшириш мумкин. 2016 йилда имтихонни битта топширишга уриниш нархи 199 АҚШ долларини ташкил этган.

Муайян мутахассислик бўйича малакавий даражани олиш фармацевтика коллежида таълимнинг асосини ташкил этади. АҚШда бакалавр даражасига эга бўлган сўнгти талабалар 2004-2005 йилларда чиқарилган. Хозирда мамлакатдаги таълим муассасаларида фақат битта малакавий даражага эга бўлган фармацевтлар - Фармация доктори (PharmD) тайёрланади.

6 йиллик ўқиши давомида талабалар фармакология, клиник фармация, фармакогнозия, фармацевтик кимё, токсикология, фармацевтик бошқарув, биостатистика, фармакокинетика ва терапия фанларини ўрганадилар.

МДХ таълим тизимидан асосий фарқ :

- талабалар реал фанларни (номинал эмас) танлаш имконияти,
- индивидуал ўкув дастурини шакллантириш
- замонавий танлов фанларини ўрганиш (автотерапия, ядровий биология, далилларга асосланган тиббиёт, стереокимё, фармацевтика психологияси ва бошқалар).

Бир қатор имтиҳонларни топшириб ва базавий фармацевтик таълимни олганидан сўнг, фармацевтга фармацевтика фанлари доктори (PharmD) даражаси берилади. Аммо кейинги иш фаолияти учун 1-2 йил давом этадиган (ихтисослашувга қараб) ва касалхоналарда, шифохона қошидаги ва чакана дорихоналарда, ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида амалий машғулотлардан иборат резидентурадан (дипломдан кейинги таълим) ўтиш керак. Резидентурнинг жами 400 га яқин дастурлари мавжуд.

Ўз дорихоналарини очмоқчи бўлган фармацевтлар қўшимча равища бизнес бошқаруви магистри (Master of Business Administration — MBA) илмий даражасига эга бўлишлари керак. Шифохоналардаги фармацевтларнинг Америка Ассоциацияси (American Society of Hospital Pharmacists — ASHP) шифохоналарда ишловчи фармацевтларни аккредитациядан ўтказувчи идора ҳисобланади (тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи фармацевтлар ва чакана дорихона ходимлари бундан мустасно). Аксарият резидентлик дастурлари ASHP томонидан аккредитациядан ўтган.

Ишга жойлашиш учун фармацевтлар лицензия олишлари керак. Бунинг учун бир қатор қўшимча имтиҳон ва тестларни топшириш керак, уларнинг рўйхати ҳар бир штатда алоҳида белгиланади.

Лицензияни олиш жараёни қуйидагича: резидентурадан ўтиш; фармацевт лицензиясини олиш учун (North American Pharmacist Licensure

Examination — NAPLEX) имтиҳонидан ўтиш; ҳуқуқшунослик бўйича имтиҳон ва ҳар бир штатда қўшимча равишида тайинланган бошқа имтиҳонлардан ўтиш; буларнинг барчасидан кейин - штатда фаолият юритиш учун лицензия бериш.

NAPLEX 4 соат 15 дақиқа давом этади, имтиҳоннинг дастлабки 2 соатидан кейин 10 дақиқа танаффус. Камида 75 балл тўплаш керак, яъни 162 саволга тўғри жавоб бериш керак (Украинанинг КРОК имтиҳонига ўхшаш).

Ҳуқуқшунослик бўйича имтиҳон - фармацевтик лицензия олиш учун Федерал (давлат) имтиҳони (Multi-State Pharmacist Licensing Exam — MPJE) 2 соат давом этади ва лицензиялаш қонуни, дори воситалари хақидаги қонун, ташкилот (корхона) тўғрисидаги қонун ва бошқа имтиҳон топшириш пайтида амалда бўлган меъерий қонунчилик хужжатлари бўйича билимларни баҳолашга хизмат қилд. Ушбу имтиҳонда камида 77 та саволга жавоб бериб 75 балл тўплаш зарур.

Бундан ташқари касалликни даволаш жараёнини бошқариш фани бўйича (Desease State Management — DSM) имтиҳон тайинланиши мумкин. У компьютерда ўтказилдган тест бўлиб, қуйидаги кенг тарқалган касалликларга чалинган беморларни даволаш стандартлари бўйича билим даражасини баҳолайди: дислипидемия, қандли диабет, астма ва бошқалар.

Фармацевтлар ҳар 2 йилда 40 соатлик малака ошириш курсларидан ўтишлари шарт. Шунингдек, илм-фан билан шуғулланишини истаганлар учун 2-3 йил давом этадиган маҳсус аспирантура курси мавжуд, унда асосан ишлар илмий изланиш ишлари ўтказилади (дарслар йўқ). Аспирантура тугатгандан сўнг, диссертацияни ҳимоя қилиш керак ва агар у муваффақиятли ҳимоя қилинса, фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси берилади, бу бизнинг фан номзоди даражасига тенгdir.

## **МДХ давлатларида олий фармацевтик таълим тизими**

Украинада фармацевтика соҳасида кичик мутахассислар деб номланган мутахассислар сегменти мавжуд - улар фармацевтик техникумлари ва коллежлари битиувчилари. Дунёда бундай ўқитиш фармацевтика бўйича мутахассисни мажбурий ўқитишнинг бир қисмидир, аммо Украинада кўпинча бундай дипломга эга битиувчилар дорихоналарга фармацевт сифатида ишлашга кетишади ва фармацевт билан бирга дорихонага ташриф буюрувчиларга дори-дармонларни тарқатадилар.

Ривожланган мамлакатларда, масалан, Кўшма Штатларда дори берилганда касаллик, суғурта, қабул қилинган дорилар, аллергик реакциялар, берилган дориларнинг ташхисга мувофиқлиги, уларнинг

мутаносиблиги, дозалари текширилиб маълумотлар тўлдирилгач, сўнгра махсус идишда. бемор рецептда кўрсатилган таблеткаларнинг аниқ сонини олади, битта рецепт бўйича хизмат кўрсатиш муддати 45 дақиқагача бўлиши мумкин. Шу муносабат билан лицензияланган фармацевтга ёрдам бериш учун техник-фармацевт лавозими жорий этилди. Мустақил қарор қабул қилишни талаб қилмайдиган мажбуриятларнинг бир қисми битта bemorga хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш учун унга топширилади.

Фармацевт техник - бу лицензияланган фармацевт назорати остида оддий оператсияларни бажарадиган ходим. Бунинг учун 2-3 йиллик курсларни ёки коллежда бошланғич тайёргарликни мутахассислик бўйича қўшимча тайёргарликсиз якунлашингиз керак. Техник доривор маҳсулотларни мустақил равишда сотиш, доривор маҳсулотларни тайёрлаш (ташқи ишлаб чиқариладиган дорихоналарда) ёки bemorga маслаҳат беришга ҳақли эмас. Агар бундай ходим ташриф буюрувчилар билан ўз-ўзидан ишлашни хоҳласа, у ихтисослашувдан ўтиши, имтиҳонлардан ўтиши ва тегишли сертификатни олиши керак.

### **Ўзбекистон таълим тизими, ўрта ва олий маълумотли фармацевтларни тайёрлаш тизими**

Республика ҳукумати ва Президенти олиб бораётган ижтимоий-иктисодий сиёsatда мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларини ривожлантиришга, айниқса келажак авлодни миллий тикланиш мафкураси руҳида тарбиялашга жуда катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда таълим олаётган ёшлар Республикамизнинг келажагидир. Бу шарафли вазифани бажариш ўқитувчилар зиммасига тушади. Шу сабабли юксак малакали ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига катта эътибор қаратиласяпти.

Ҳозирги пайтда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлақо янги қоидалар ҳаётга жорий этилди. Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг хуқуқий – меъёрий асоси яратилди.

«Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари узлуксиз таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизомини шакллантириш вазифасини қўяди.

Президентимиз ўзининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобида Буюк келажагимизнинг хуқукий кафолати" номли рисоласида шундай деб таъкидлайди: "Тарбиячи устоз бўлиши учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, аввало тарбиячиларнинг ўзи ана шундай талабларга жавоб бериши, ана шундай фазилатларга эга бўлиши керак". Бу тезис ўз навбатида ўқитувчи-тарбиячиларнинг юксак касбий ва шахсий фазилатлар эгаси бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи олдига қўйилган вазифалар ўта мураккаб, масъулиятли ва айни пайтда шарафлидир. Ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистонимиз, халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби таълим соҳасида ҳам илфор технологияларни жорий этиш ва шу орқали таълим мазмунини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга ҳаракат қилмоқда.

Бу вазифаларни бажариш таълим тизимида янги техника ва технологиялардан фойдалана оладиган, юксак малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш демакдир.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг методологик асослари қўйидагилар ҳисобланади.

1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

2.Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни:

3.Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонуни.

Ўзбекистонда Узлуксиз таълим тизими ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Таълим муассасаларини ҳудудий йўналишга ўтказиш ва таркибий тузилмасини ўзгартериш иши амалга оширилади. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш мониторинги амалга оширилади.

Узлуксиз таълим тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш устиворлиги таъминланади.

Таълимнинг узлуксизлиги шундай маъно берадики, инсон туғилгандан бошлаб токи умрининг охиригача таълим олиш имкониятига эга бўлсин.

Бундай тизим Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида қонуни” да ўз аксини топган.

### **Илғор хорижий тажрибалар**

Бугунги кунда таълим жараёнида қўллаб кўрилиб яхши самара бераётган илғор таълим тажрибалари хақида тўхталамиз.

**Модулли ўқитиши тизими.** Модулли ўқитиши - ўқитишининг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим оловчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишида таълим оловчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Модулли ўқитиши технологиясининг анъанавий ўқитишдан фарқли хусусиятларини қўйидаги жадвалда келтирдик.

Анъанавий ўқитиши техноло- гиясига асосланган	Модулли ўқитиши технологиясига асосланган
<input type="checkbox"/> Бир томонга йўналтирилган ахборот  Бир томонлама мулоқот	<input type="checkbox"/> Фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш  <input type="checkbox"/> Икки томонлама мулоқот  <input type="checkbox"/> Таҳлил қилиш орқали маълумотни

<p>(дарслик→ўқитувчи→талаба</p> <p><input type="checkbox"/> Ахборот олиш</p> <p><input type="checkbox"/> Хотирада сақлаш</p> <p>Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш</p>	<p>эслаб қолиш</p> <p><input type="checkbox"/> Билим ва кўникмаларни намойиш этиш</p> <p><input type="checkbox"/> Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш</p>
---	---

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим анъанавий таълимдан ўқитиши усуллари ва воситалари уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қиласиди.

Модулли ўқитиши таълимнинг қуидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади.

- Модул – фаолиятлик асосида ўқитиши мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;
- ўқитиши индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиши самарадорлигини назорат қилиш;
- касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиши имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиши самарадорлиги қуидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;
- талабалар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;
- модуллар натижаси ва таҳлилига.

**Модулли ўқитишида** ўкув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиши имконияти яратилади. Яъни ўқитиши индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишига ўтишда қуидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишининг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитиши индивидуаллаштириш;
- ўкув материалини мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитиши жадаллаштириш;

- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Модулли ўқитиши фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маъruzalар ўқилишини тақозо этади. Маъruzalар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маъruzalар билан бирга тузилиши, улар маъruzalар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

**Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалар замонавий ёндашувлар.**

**Модулни ўқитишининг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишининг қўйидаги усулларини қўллаш мумкин:**

- муаммоли мулоқотлар;
- эвристик сухбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Ўқитишининг модул тизими мазмунидан унинг қўйидаги афзалликлари аниқланди:

- фанлар ва фанлар ичидаги модуллар орасидаги ўқитиши узлуксизлигини таъминланиши;
- ҳар бир модул ичida ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувофиқлигини ўрнатилиши;
- фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчанлиги;
- талабалар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;
- талабаларнинг зудлик билан қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг ўқитувчи айrim талабаларга фанни индивидуаллаштиришни тавсия этиши мумкин);
- ахборотни «сиқиб» бериш натижасида ўқитишини жадаллаштириш аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини маъruzavий амалий (тажрибавий) машғулотлар индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – оптималлаштириш. Бунинг натижасида талаба етарли билимларга кўникмага эга бўлади.

Модулли методика асосида ўқитишида фаолиятлик, тизимли квантлаш, қизиқтириш, модуллилик, муаммолилик, когнитив визуаллилик, хатоликларга таяниш тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

Ўтказилган назарий ва амалий изланишлар натижасида модулли ўқитиши – талабаларнинг билим имкониятларини ижодий қобилиятларини ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара бериши аниқланди. Модулли методика асосида ўқитишида фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга ўқитиши жадаллаштиришга талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга ҳамда ўкув материалини босқичма-босқич ўқитиши орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришилади.

### **1.2.2. Ўқитишининг 4 поғонали усули**

Бу усул АҚШ да пайдо бўлиб саноат корхоналарида конвейерли ишлаб чиқариш кўпайган сари шундай ўргатиш усуллари зарур бўлиб қолдики, ишчилар бир хилда қайтариладиган қўл кўникмаларини иложи борича тез ва мукаммал равишда ўрганиб олишлари керак эди.

Бу усулда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш».

Яъни амалиёт ўқитувчиси талабаларга аввал кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини қилиб кўрсатади. Сўнг талаба шу иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Талаба қайтариб қилаётган пайтида амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қиласди).

Ундан кейин эса шу иш босқичи машқ тарзида талаба уни мукаммал ўзлаштиргунича кўп маротаба қайтарилади.

Бу усул психологияда асосланган бўлиб, бихевиоризм (яъни инсон ўзини тутишига оид) назариялардан олинган. Дастрлаб ҳайвонлар устида ўтказилган экспериментлар йўлида олинган натижалар кейинчалик инсонга нисбатан қўлланила бошланган. Бу ерда қўзғовчи ва реакция каби элементлар ҳамда конкрет ўлчаниши мумкин бўлган кўрсатгичлар муҳим роль ўйнаган. Чунки олимлар фикри бўйича режа асосида ишлатилган ташки қўзғовчилар ва назорат қилиниши мумкин бўлган реакцияларгина етарли даражада текширилиши мумкин ва шундан келиб чиқиб, умумий илмий хулосалар чиқариш мумкин деб ҳисбланган.

Куйидаги илмий хулосаларни таъкидлаб ўтиш зарур:

1. Ўзлаштириш (ўрганиш) - бу «қўзғаш таъсири-реакция» кетма-кетлиги такрорланишининг натижасидир. Шу такрорлар сони қанча қўп бўлса ўзлаштириш натижаси шунча яхши бўлади. («Такрор орқали ўрганиш» принципи).

2. Иккинчи қўзғовчи биринчи қўзғовчи билан биргаликда тез-тез ишлатилиб турса, у биринчи қўзғовчининг ўрнини боса олади. («Шартли рефлекслар орқали ўрганиш» принципи).

3. Ўзлаштиришда эришилган яхши натижалар мақтаб турилса, бундай натижалар кўпайиб бораверади. («Кучайтириш орқали ўрганиш» принципи).

4. Аниқ бир мақсадга қаратилган тарзда ишлатилган мақтов ва жазолар орқали деярли исталганча тегишли ўзини тутиш тарзлари ўзлаштирилиши ва яна йўқ қилиниши мумкин.

Амалиётда ўрганиш учун эса бундан қўйидаги хуносалар чиқарилди:

Қўзғовчи сифатида берилган ҳар бир қисқа саволга иложи борича тўғри жавоб берилиши билан уни дарров (масалан «Яхши жавоб!» деб) мақтаб қўйиш керак. Нотўғри жавоб ҳам очиқ ва ойдин танқидланиши (танбехланиши) лозим.

Ёки амалиётда: талабалар бир иложи борича қисқа иш босқичи билан таништирилади, сўнг уни қайтарадилар ва то уни мукаммал билмагунларича машқ қиласидилар. Бу ҳам очиқ ва ойдин тан олиниши керак. Бу ерда кичик ўқув босқичлар катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда бу усулга баъзи дидактик элементлар қўшилиб, мукаммалаштирилди. Бундан ташқари босқичларни бироз мураккаброқ қилишга ҳаракат қилинмоқда. Яъни шундай машқлар ҳам киритилиши мумкинки улар доирасида талаба бирданига бир неча қўнималар ва операцияларни амалда бажариши керак. «Тушунтириш» ва «нима қилишни кўрсатиб бериш» поғоналари эса босқичма-босқич амалга оширилади.

Ҳайвонлар устида муваффақиятли ўтказилган экспериментлар асосида олимлар инсон ўзини тутишини истаганча манипуляция қилиш (бошқариш) мумкин деб ҳисоблаб инсон фикрлашидаги ички жараёнларни батамом эътибордан ташқарида қолдиришган чунки улар фақат бир жонзот ташқи қўзғовчиларга қандай реакция қилишларини ўлчаган холос.

Қўнималарни ўргатишида эса бу усул ўзини жуда ҳам яхши оқлади. Шунинг учун бу усул касбий-техникавий соҳаларда энг аввало иш ўрнида керакли қўнималарни ўргатишида келажакда ҳам муҳим роль ўйнайди.

#### **4 поғона усули доирасидаги ҳаракатлар**

4 поғона деб қўйидаги поғоналар аталади. Улар давомида бир амалиёт ўқитувчиси бир талаба ҳаракат қиласиди:

**1-погона:** Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У талабаларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўникмани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Талабалар эса амалиёт ўқитувчиси оғзаки тушунтиришларини тинглашади.

**2-погона:** Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай қилиниши кераклигини қилиб қўрсатади, талабалар эса қараб туришади. Одатда амалиёт ўқитувчиси нима қилаётгани ҳақида талабаларга изоҳлар (комментарийлар) бериб боради. Яъни бу ерда демонстрация (намойиш этиш) тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

**3-погона:** Амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтарадилар. Амалиёт ўқитувчиси улар қилаётган иш юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради. **4-погона:** Ҳар бир талаба иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариб, кўрганидан ва иш босқичини тўғри бажариш бўйича амалиёт ўқитувчисининг изоҳларни тушунганидан кейин, бу иш босқичи кўп маротаба машқ қилинади ва кераклигича яъни мақбул натижага эришилмагунича тақрорланади.

Бундан кейин амалиёт ўқитувчиси кейинги иш босқичига ўтади. Бу босқич ҳам 4 погонадан иборат.

#### **Бу 4 погона усулининг асосий белгиси шуки**

- амалиёт ўқитувчиси томонидан бошқарилган назарий ва амалий маълумот бериш даврлари (фазалари) энг бошида туради сўнг эса талабаларнинг ҳаракатлари билан алмашинади;
- талабаларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланган;
- талабалар индивидуал ўрганишга (ўзлаштиришга) йўналтириладилар лекин мустақил фикрлашга ҳақлари йўқ;
- иш ташкиллаштириши (иш тартиби) одатда ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўймайди.

#### **4 погона усули доирасидаги йўл-йўриклар.**

**1-погона: Тушунтириш-қизиқтириш (мотивация). Маълумот бериш.** Амалиёт ўқитувчиси биринчи навбатда инструктажни ўкув хонасида ёки иш ўрнида ўтказмоқчилигини ҳал қиласди. Бу инструктаж моҳияти ва турига боғлик. У инструктаж вакти 20-30 дақиқадан ошиб кетмаслигини режалаштиради.

Топшириққа қаратилган иш инструктажи талабаларни қизиқишини ўйғотишдан бошланади, чунки уларнинг қизиқиши ва эътибори ўрганилаётган нарсага қаратилиши керак.

Сўнг амалиёт ўқитувчиси талабаларга амалий топшириқни бажариш учун керакли барча маълумотларни беради ва бажариладиган жараёнларни тушунтиради. Шу пайтда у ўзи амалий тажрибасидан таниган барча ўқув-дидактик материаллардан масалан чизмалар иш режалари эксплуатация бўйича инструкциялар, инструментлар ва хом-ашёлардан кўргазмали материаллар сифатида фойдаланиши мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси иш босқичларини уларнинг кетма-кетлигига тушунтиради ва керак бўлса талабаларга шу босқичларни ўзларининг иш режаларига киритишларини талаб қиласди.

Шу пайтни ўзида у талабаларга сифат фарқини намойиш этиш мақсадида яхши ва ёмон синов иши мисолларини кўрсатиши мумкин. Талабалар нисбатан пассив бўлишади улар тинглашади ва қараб туришади.

**2-поғона: Нима қилишни кўрсатиб бериш - демонстрация (намойиш).** Бу поғонада амалиёт ўқитувчиси тушунтирган иш босқичларини ўзи қилиб кўрсатади. Бунинг учун у аввал керакли иш ўрнини пухталик билан тайёрлаб қўйган бўлади ва ўша иш ўрнида демонстрацияни (намойишни) ўтказади. Ишни бажариш учун керакли барча инструментлар хом-ашёлар ва иш режаси ҳамда керак бўлса тегишли станок (ускуна) тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Намойиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси талабалар дикқат билан қараб туришларини таъминлайди.

Бирор кўникмани 3 марта намойиш қилиниши тавсия этилади:

**1 - намойиш:** оддий тезликда ўтказилади; талабаларда тўла ва ҳақиқий тасаввур пайдо бўлиши учун.

**2 - намойиш:** атайн секин тезликда ўтказилади; ҳар бир босқични алоҳида ва хусусиятларни яхшироқ кўрсатиш ҳамда меҳнат хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш учун.

**3 - намойиш:** оддий тезликда ўтказилади; кўникмани яна бир марта тўла равищда кўрсатиш ва талабаларда «ички суръат» (яъни аниқ тасаввур) пайдо бўлиши учун.

Намойиш қилаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ҳар бир қадамини изоҳлаб боради. Сўнг бевосита инструктаж қисми тугайди.

**3-поғона: Кўрсатилган тарзда қайтариш - тақлид (имитация).** Энди эса талабаларнинг ҳар бири амалиёт ўқитувчисининг ҳаракатларини у кўрсатган тарзда қайтаришлари керак. Талабалар ишлаётган пайтда амалиёт ўқитувчиси ўз фикрини билдиради, яхши ишни мақтаб ёмон ишни танқид қиласди ва нима қилишни яна бир марта кўрсатади.

Ҳамма талабалар иш жараёнини тушунгандигини кўрганидан кейин амалиёт ўқитувчиси машқ қилишни бошлашга белги беради.

**4-чи поғона: Машқ қилиш.** талабалар доимий тақрорлаш орқали инструмент ва ускуналарда иш жараёнларини машқ қилишлари учун амалиёт ўқитувчиси уларга етарлича хом ашёлар бериб қўяди.

Хар бир талаба ўзи ишлайди ва бир хил ишлаш усууларини қўллади.

Агар иш натижаларининг сифати мақбул натижа стандартига (олдиндан белгиланган сифат мезонларига - аниқ мақсадларга) жавоб берса иш тугатилиши мумкин. Амалиёт ўқитувчиси бу ерда назоратчи вазифасини бажаради.

### **Эслатма:**

1-2 - босқич давомида амалиёт ўқитувчиси талабаларда дастлабки билимлар бор ёки йўқлигини аниқлаши мумкин. Агар дастлабки билимлар даражаси етарлича бўлмаса бу ҳолда у назарий дарс ўтказиши керак.

**Дидактик ва машқ материаларини тайёрлаб қўйиш.** 4 поғона усули кўп ва катта тайёргарликлар кўришни талаб қилмайди яъни жуда оз воситалар билан ҳам ишлаш мумкин.

**Дидактик ва машқ материаллар** сифатида одатда асл (оригинал) иш хужжатлари ишлатилади масалан техник чизмалар ёки бирор электросхема иш босқичлари ва изоҳлар кўрсатилган жадвал шаклидаги иш режаси ҳамда контроль вараги унда талабанинг натижаси ёзиб қўйилади. Маслаҳат: чизмаларни плёнкага чиқарилмайдиган қилиб солиб қўйган яхши ва талабаларга кўриш учун бериш керак. Иш режасини эса шахсий меҳнат воситаси сифатида ҳар бир талаба ўзи тўлдириши керак. Бу мақсадда амалиёт ўқитувчиси тегишлиформулани тайёрлайди ва талабаларга тўлдириш учун тарқатади.

Назорат ёки баҳолаш вараги ҳам формула шаклида бўлиши керак натижаларининг исботи сифатида машқлар тугаганидан кейин ўзида сақлаб қолади.

Қўшимча равишда талабаларга тарқатма материаллар (тарқатмалар) берилиши мумкин. Тарқатмалар - дарсликлар ёки эксплуатация бўйича инструкциялардан олинган қисқа маълумотлар (экстрактлар) бўлиши мумкин.

**Машқ материаллари** - амалий машғулотни бажариш пайтида керакли хом-ашёлар, чиқим материаллари ва ёрдамчи материаллариҳисобланади.

Керакли машқ материалларини амалиёт ўқитувчиси одатда бир йил олдиндан режалаштиради. Ҳисоб асосини ташкил қиласидиган маълумотлар: бир йилда таълим оладиган талабалар сони бир йилда ўтказиладиган машқлар сони ва бунинг учун керакли хом-ашё чиқим ва ёрдамчи материаллар миқдори.

Бундай режаларни тузиш учун амалиёт ўқитувчиси шундай бир ҳужжатни ишлаб чиқариши керакки, унда қуидаги индикаторлар (маълумотлар) бўлиши керак:

- барча курслар давомида ўтқазиладиган машқлар рўйхати (номи ва сони);
- бирор техник чизма мавжудлиги ;
- бу машқлар бўйича хом ашё кўрсаткичлари (ҳар бир нарсанинг тайёр ҳажми плюс чиқими);
- зарур бўладиган инструментлар, текшириш ва ўлчаш инструментлари ёрдамчи воситалар асбоб-ускуналар тўғрисида маълумотлар;
- кўнималар ва тахминан қанча вақт кетиши тўғрисида маълумотлар.

Режалаштиришда эътибор бериш керак бўлган кейинги нарса - бу инструментларнинг хисобдан чиқарилиши. Буни инобатга олиш лозим негаки амалиёт ўқитувчиси қачон ва қандай миқдорда инструментлар алмашиши керак бўлишини билиши зарур.

Тайёрлаб қўйиладиган инструментларни биз икки турга бўламиш:

- лабораторияда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган инструментлар (масалан қимматбаҳо ўлчаш воситалари камдан-кам ишлатиладиган маҳсус инструментлар),
- иш ўрнида индивидуал фойдаланиш учун мўлжалланган инструментлар (талабага бериб қўйилади),
  - асбоб-ускуналарга тааллуқли инструментлар
  - амалиёт ўқитувчисининг инструментлари ва ҳоказо.

Ҳар бир талабада ўзининг индивидуал инструментлари бўлса, факат шундагина ҳамма талabalар машқларни бир вақтда бажаришлари мумкин.

Агар буни иложиси бўлмаса, бошқа ташкилий ечимлар топилиши керак масалан инструментларни галма-гал ишлатилиши машқлар алманиниши ва бошқа ечимлар.

### **Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий мамлакатларда қўлланиладиган йўналтирувчи матн усули**

Йўналтирувчи матн усули ўтган асрнинг 70 йилларида «Daimler Benz» корхонасининг Гагенау шаҳридаги (Daimler Benz AG (Gaggenau)) ўқув устахонаси томонидан ишлаб чиқарилган. Бу усул товуш ва тасвирили

презентациялар билан жиҳозланган мустақил ўрганиш дастурлари шаклидаги лойихавий касб-хунар таълимига қўшимча сифатида ишлаб чиқарилган.

Бошлангич шаклида бу усул касб-хунар таълими амалиётчилари томонидан ишлаб чиқарилган, кейинчалик эса назарий жиҳатдан асосланиб илмий асосда такомиллаштирилиб, олий таълимда қўлланила бошланган.

Йўналтирувчи матн усулида қуйидаги 6 босқич фарқланади;  
улар айланасимон ҳаракатда алмашишади:

1. Маълумот йиғиш
2. Режалаштириш
3. Қарор қабул қилиш
4. Амалга ошириш
5. Текшириш
6. Холоса чиқариш

Бу босқичлар ҳаммаси талаба томонидан амалга оширилади. Бу усулни ишлаб чиқарилишига сабаб лойиҳалар устида иш билан боғлиқташкилий муаммолар эди, унки талабалар ҳар хил тезликда ишлашлари туфайли бутун гуруҳ учун инструктаж ўтказишга қулай вақтни топиш қийин эди. Бир талаба ҳаммадан тез ишлаб янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлган бўлса, секинроқ ишлаган талабалар учун эса янги инструктажнинг фойдаси жуда кам эди. Қайтага янги инструктаж уларнинг ишларига халал бергандай ёки кераги йўқ тўхталиш каби туюлар эди. Яъни талабалар қизиқиши (мотивацияси) қисман барбод қилинади.

Йўналтирувчи матнлар ёрдами билан мустақил инструктаж имконияти пайдо бўлди ва ҳар бир талаба айнан унга янги кўникма учун билимлар керак бўлган пайтда шу билимларни олиши мумкин бўлди.

Энг биринчи йўналтирувчи матнлар - бу асли оғзаки равища ўтказиладиган инструктажларнинг ёзма шакли эди. Лекин барибир барча маҳсус маълумотлар талабаларга иложи борича оғзаки берилар эди.

Бугунги кунда эса йўналтирувчи матнлар шундай тузилганки талабалар йўналтирувчи саволлар ёрдамида ўзлари керакли маълумотларни (китоб жадвал инструкция видеокассеталар ёки компьютер дискларидан олиб) ишлаб чиқаришни ўрганишади.

Натижада ҳозир янги бир ўргатиш усули ва янги бир ўрганишни ташкиллаштириш тарзи вужудга келди. Унинг асосий белгиси - бу талаба кўпроқ мустақил равища ўрганишидир; амалиёт ўқитувчиси эса заифроқ талабалар билан кўпроқ шуғулланиши мумкин бўлиб қолди. Талабаларнинг мустақил ишлаши эса ўз навбатида қўшимча фойда келтирмоқда: юқорироқ кўникма ва қобилияtlар соҳасида яъни биргалиқда мулоқотда бўлиш,

биргаликда режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилиятлар ривожланади.

Командада (биргаликда) ишлаш орқали муайан ижтимоий компетенциялар ривож топади ва уларга мўлжалланган мақсадлар ҳам белгиланиши мумкин бўлди. Кўриб турибмизки, вакт ўтган сари йўналтирувчи матн усули қўлланишининг маъноси ўзгарди чунки бугунги кунга келиб бу усул айнан ўша «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятларни ривожлантириш мақсадида қўлланади. Бу тушунчани Германияда таълимот мунозарасига меҳнат бозори тадқиқотчиси Д. Мертенс киритган. У бу тушунча билан асосан услубий компетенцияларни (яъни фикрлаш, ташкиллаштириш ва режалаштириш усулларини) атаган.

Хозирги кунда эса бу тушунча билан шундай қобилиятлар кўникма ва ўзини тутиш тарзлари аталадики, улар айнан шу касб-хунарга оид квалификациялардан ташқари ва уларга қўшимча сифатида барча бошқа касб-хунарларда керак бўладиган ҳатти-ҳаракатларни билдиради.

Булар орасида - мустақил режалаштириш амалга ошириш ва ўз ишини текшириш.

4 поғона усули билан солиширадиган бўлсак бу усулда амалиёт ўқитувчисининг фаолияти кўпроқ дарсдан олдин ва дарсдан кейин қилинадиган ишлардан иборат. Лекин бевосита инструктаж жараёнида қилинадиган ишлар эмас; талабалар эса қайтага барча даврларда (фазаларда) мустақил ишлашади.

### **Йўналтирувчи матн усули доирасидаги ҳаракатлар**

**Таълим мақсади - мустақил ҳаракатланиш.** Германияда таълимнинг энг муҳим мақсади - талабани малакали касбий фаолиятни бажаришга қодир қилиш, бунинг ичига эса мустақил режалаштиришни амалга ошириш ва текшириш киради.

Албатта мутахассислар бундай кенг малакага уларнинг иш жойидаги шарт-шароитлар ва имкониятлари доирасида жавоб бера оладилар.

Шу боис мустақил режалаштириш амалга ошириш ва текшириш деганда мутахассиснинг корхонадаги фаолият ваколатлари билан адаштириш мумкин эмас.

Мустақил ҳаракат қилиш дегани шуни англатадики мутахассис унга топширилган ишларни мустақил равишда яъни бирорнинг бошқариб туришисиз амалга ошириши керак. Масалан бирор ишни бошлашдан олдин иш тартибини режалаштириш ишлаб чиқариш усулини белгилаш ёки керакли материалларни танлаш ва иш тутатилганидан кейин натижа сифати контролини ўтказиш.

Бундан ташқари мустақил ва маъсулиятли ишловчи мутахассислардан кутиладиган нарса шуки улар иш тартибини иқтисодий мезонлар асосида яъни тежамкорлик асосида режалаштириш ва амалга оширишлари керак. Яъни улар масалан тежамли ишлаб чиқариш усулларини ишлатиш материаллардан ёки энергиядан тежамли фойдаланиш усулларини билишлари керак.

Корхонада ўтказилаётган ўқув жараёнида «мустақил ҳаракатланиш» деб аталган ўқув мақсаднинг эришилиши фақат тасодифан бўлишига йўл қўйилмайди. Бу малакани систематик равишда ўргатиш таълим амалиётининг доимий омили бўлиши лозим.

Мустақил ҳаракатланишни ривожлантириш таълимнинг биринчи куниданоқ унинг таркибий қисми бўлиши лозим. Бунинг учун топшириқларни бажаришда режалаштириш ва текшириш вазифалари киритилиши лозим.

### **Мукаммал ҳаракат модели**

Мукаммал ҳаракат модели - мустақил касбий ҳаракатланиш модели деб ҳам аталган модель - таъриф сифатида касбий-техникавий соҳада учрайдиган кўплаб иш фаолиятларига мос келади. Масалан мақсад қўринарли ўлчанарли натижалардан иборат бўлган ҳолларда. Бу модель бир касбий ҳаракатни 6 та алоҳида ҳаракат босқичларига бўлади.

Мукаммал ҳаракатни амалга оширилишининг ўзи ўрганиш билан тенг деб хисобланади. Педагогик муаммо шундан иборатки ҳар бир алоҳида босқич бўйича бир стратегияни танлаш керакки талаба ҳам хаёлида (хаёлда синов сифатида ҳаракатни бажариш) ҳам амалда мукаммал ҳаракатларни бажариши таминланиши керак.

Йўналтирувчи матн усули бу муаммони шундай ҳал қиласи: бу усул хаёлда бажариладиган жараёнларни деярли ташқарига чиқаради. Яъни одатда фақат хаёлда бўлиб ўтадиган нарсалар бу усул бўйича ёзилиши ёки овоз чиқариб айтилиши керак.

Шунинг учун бу ерда бир неча тескари алоқа жараёнлари мавжуд.

«Маълумот йифиш» (1) «Режалаштириш» (2) «Амалга ошириш» (4) ва «Текшириш» (5) босқичларини талаба деярли бутунлай ўзи ёки кичик гурухларда бажариши мумкин. «Қарор қабул қилиш» (3) ва «Хулоса чиқариш» (6) босқичларида эришилган натижалар эса амалиёт ёки назариёт ўқитувчилари билан батафсил мухокама қилиниши керак.

Ўқув жараёнини бундай босқичларга бўлиниши талabalарни иложи борича кўпроқ мустақил ўрганишга туртки беради. Талabalарга «Маълумот йифиш» ва «Режалаштириш» босқичларида ёзма ҳужжатлар масалан техник

чизмалар жадваллар эслатмалар йўриқномалар ёки ўқитувчи ўзи тузган хужжатлар берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай хужжатлар мустақил ўрганиш жараёнини жуда яхши кучайтиради.

Амалиёт ўқитувчиси ўқув жараёнида модератор ролини ўйнайди яъни у ҳар бир босқич учун керакли маълумот материаларини тайёрлайди ва талабаларга мустақил маълумот йиғишда ёрдам бериб туради. У талабаларни аниқ мақсадга қаратилган иш-ҳаракат қилишига турткি беради талабанинг прогрессини назорат қиласи ва ўқитувчилар билан биргаликда ўрганишдаги нуқсонларни бартҳараф этиш йўллари ҳақида ўйлади.

Талаба эса ўз таълимининг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Энди у факат тингловчи эмас балки бажариладиган топшириқ учун керакли барча маълумотларни йигади ўз иш тартибини ва керакли вақтни ўзи режалаштиради ва қолаверса ўз иш натижасини ўзи баҳолайди. Буларнинг ҳаммасини талаба битта ўзи қилиши мумкин ёки бошқа талабалар билан биргаликда бажариши мумкин бу эса мақсадга ниҳоятда мувофиқ бўлади.

Ўқитувчилар шундай роль ўйнашлари ва ўзларини шундай тутишлари «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятлар ривожланишига жуда ҳам катта ёрдам беради, яъни мустақил ўрганиш муроқот тузиш жамоада ишлаш ва энг муҳими ўз натижаларини ўзи баҳолаш ва иш-ҳаракатларини режалаштириш каби қобилиятларини ривожлантиради.

### **Ўқув жараёнини ташкил этишда лойиҳа усули**

Лойиҳа усули йўналтирувчи матн усули билан чамбарчас боғлиқ чунки йўналтирувчи матн усули ишлаб чиқарилганлиги-нинг сабаби лойиҳалар устидаги ишларда пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилиш бўлган.

Йўналтирувчи матн усули бугунги кунда шундай соҳаларда қўлланилмоқдаки у ерда ҳеч қандай лойиҳа ҳақида гап кетмайди. Лекин лойиҳа усули хусусан лойиҳалар билан ишлашни ўрганиш ўзлаштиришни кучайтириш мақсадида такоммилаштирилди.

Хозирги кунда бу иккита усулни бир биридан қўйидаги нуқтаи назардан фарқлашади:

- йўналтирувчи матн усули эътиборни мустақил ўрганишга қаратади;
- лойиҳа усули мустақил ўрганиш мақсадидан ташқари эътиборни керакли шахсий қобилиятлар ва кўнилмаларни ўрганишга қаратади (яъни пойдевор квалификацияларга) чунки бу квалификациялар корхона ва фирмаларнинг амалиётида учрайдиган меҳнатни ташкиллаштириш шаклларига асосланган.

Лойиҳа усулининг концепцияси фирма ва кичик корхоналарнинг малакали ишчи-мутахассисларга қўйилган замонавий талабларига тўлароқ

жавоб бериш мақсадида такомиллаштирилади. Чунки бугунги кунда меҳнат бозори нафақат юқори даражада таълим олган ишчи-мутахассис ва хунармандларни талаб қилмоқда. Бу ишчи-мутахассислардан ўз касб-хунари бўйича билим-кўникмаларидан ташқари ижтимоий ва шахсий компетенциялар соҳасига тегишли шахсий қарашларга эга бўлишлари талаб қилинмоқда. Бундай компетенциялар эса аффектив компетенциялар соҳасига тегишли компетенциялардир.

Бу дегани мутахассислар ўз касб-хунарларига оид билим-кўникмалардан ташқари мисол учун қуйидаги қобилияtlарга эга бўлишлари лозим:

- ташаббус кўrsatiш;
- муаммоларга систематик ёндашиш;
- қарорларни мустақил қабул қилиш;
- мосланувчан бўлиш;
- бирор муаммони ўзи ҳал қилиш;
- доим малакасини оширишга истагини кўrsatiш;
- хамкорликка тайёр ва маъсулиятли бўлиш.

Пойдевор квалификациялар замонавий меҳнат шароитларида якка тартибда ишлашда ҳам бошқалар билан биргаликда фаолият шаклларида ҳам талаб қилинади. Бунинг сабаблари - бетўхтов ривожланиб бораётган янги технологиялар саноат ва хунармандлик корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларида юз берган ташкилий шакллардаги ўзгаришлардир.

Лойиҳа усулининг мақсади шуки унда талабалар бу квалификацияларни кейинчалик амалиётда яъни ишга кирганларидан кейин эмас балки касб-хунар таълими доирасида ўрганиб олишларидир. Шунинг учун ҳам бу квалификацияларни касбий малака билан биргаликда иложи борича теппантенг ривожлантириш лозим.

Лойиҳа усули хусусан «SIEMENS AG» (Сименс) корхонасида кенг кўламда ва яхлитлик нуқтаи назардан такомиллаштирилди ва унга бу ерда «Projekt- und transferorientierte Ausbildung» (қисқартмаси PETRA) деган ном берилди яъни «Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятда қўллашга қаратилган таълим». қуйидаги мавзулар айнан шу концепцияга асосланган ҳолда таърифланади.

Бу усулининг хусусияти шуки ҳар хил ҳужжатлар ва формулалар ишлатилиши керак. Негаки улар лойиҳа давомида барча поғоналарни қайд этиш учун ва лойиҳа ишини таққослаш имконияти учун керакдир.

Бу ҳужжатлар ва формулалар амалиёт ўқитувчиси томонидан ўқитувчиларга тўлдириш учун берилиши лозим.

Керакли ҳужжатлар ва формулалар қандай ва қанча бўлиши ҳар бир лойиха хусусиятлари асосида белгиланиши лозим. Лекин бу талабалар баъзи бир уларга керак бўлган ҳужжатларни ўзлари ишлаб чиқаришлари ҳам мумкин.

Ҳар ҳолда керак бўладиган ҳужжатлар ва формулалар бу:

- лойиха (чизмалар электросхемалар);
- лойихага тегишли топшириқлар таърифи;
- йўналтирувчи саволлар «Маълумот йиғиши»дан бошлаб - лойиха ишининг барча 6 даври (фазалари) бўйича;
- Ўқув мақсадлар хақида маълумотлар (Режалаштириш варағи - шу жумладан танланган пойдевор квалификациялар таърифи);
  - ишлаш тартиби бўйича формула;
  - вазифаларни тақсимлаш бўйича формула;
  - иш режаси формулаи;
  - баҳолаш варағи формулаи;
  - назорат протоколлари формулаи;
  - инструментлар рўйхатлари ўлчаш воситалари рўйхатлари ёрдамчи материаллар рўйхатлари;

**Лойиха усули доирасидаги ҳаракатлар.** Лойиха усули бутун амалий таълим жараёни доирасида қўлланиши мумкин. Бунинг учун зарур шартшароит лойихалар борлиги; лойихалар қуидагича бўлиши керак:

- 1) Аниқ чекланган топшириқ масалан бирор нарсани режалаштиришдан бошлаб то сифат текширишгача ишлаб чиқариш ёки бирор электросхемани оптималлаштириш ишлаш тартибининг таърифи билан бирга;
- 2) Ўқитувчилар нуқтаи назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у талабалардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласидиган топшириқ бўлиши керак; талабалар қийинчиликларни ҳал қилишлари ва мавжуд билимларидан ташқари бошқа билим-кўнимкаларини ишлатишга мажбур бўлишлари керак;
- 3) Ўзлаштирилган квалификациялар ҳар хил ўқув жойларда шундай бириктирилиши мумкинки янги топшириқ бажарилиши мумкин бўлади - режа асосида ва иложи борича мустақил ҳаракатланиш талаб қилинади.

Лойиха (лотинча: projectum - олдинга ташлаб юборилган нарса) ўрганишга хизмат қилиши назария билан амалиётни боғлаши корхонада учрайдиган бирор иш жараёнига таалуқли бўлиши талабалар томонидан иложи борича мустақил режалаштира олининадиган ва талабалар томонидан чекланган бир доирада мустақил равишда ташкиллаштиришни ва амалга ошира оладиган бўлиши лозим. Бунда талабалар ўзларининг касбий равишида

муаммони ечиш ва ҳамкорлик усулларини ва стратегияларини ишлаб чиқариш имкониятларга эга.

Таълим доирасида лойиҳа мисол учун бирор инструмент ёки ускуна ёки унинг бир қисми бўлиши мумкин. Автомеханик бўлмоқчи бўлган талабалар учун лойиҳа мисолига бирор моторни тузатиш ёки сантехниклар учун бирор нарсани ўрнатиш бўлиши мумкин. Лойиҳа бу доим бир топшириқ бўлиб унинг натижаси «оддий» бир маҳсулот бўлади. Лекин «ложиҳа» деганда ҳар доим жисмоний бир «маҳсулот» тушунилмайди чунки қўплаб шундай фаолият турлари борки уларга бундай таъриф тўғри келмайди.

Масалан электриклар учун бирор бузук электр занжирни тузатиш ҳам лойиҳа бўлиши мумкин. Офис-менеджерлик соҳасида эса барча ишларни лойиҳага айлантириш мумкин Агар бу ишлар яхлит ҳарактерга эга бўлса ва ўлчаниладиган натижага олиб келса масалан бухгалтерия учун мўлжалланган компьютер дастурини ўрнатиш ва ҳоказо.

Талабалар одатда вазифаларни ўзаро тақсимлаб лойиҳа гуруҳи сифатида бутунлай мустақил равишда режалаштиришдан бошлаб то амалга ошириш ва хулоса чиқаришгача биргаликда ишлашади. Топшириқ берилган вақтидан бошлаб то унинг ечилишигача амалиёт ўқитувчиси талабаларни мустақил равишда ўрганишга жалб этиб туриши лозим. Амалиёт ўқитувчиси ўрганиш жараёнини назорат қиласи ва систематик равишда бошқаради; у факат жуда керак бўлган ҳолда жараёнга аралashiши мумкин холос.

Лойиҳа усулининг асосий мақсади шуки бир томондан топшириқни бажариш учун керакли барча билимлар ва кўнималар жараён давомида ўрганилишидир. Бошқа томондан эса топшириқни ечиш усули доим танланган пойdevor квалификацияларни бирдан ривожлантиришга мўлжалланган бўлишидир.

Лойиҳа ишини тайёрлашда йўналтирувчи матн усули каби амалиёт ўқитувчиси қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

Амалиёт ўқитувчиси

- лойиҳа иши учун бирор мисолни белгилаши
- лойиҳа топшириқларини ишлаб чиқариши,
- лойиҳа ишини ўқув жадвалига киритиши,
- лойиҳа қандай ўтишини ўйлаб чиқиши ва топшириқни талабаларнинг имкониятларига мослаштириб уларнинг топшириқни бажара олишларини таъминлаши,
- талабаларни лойиҳа иши билан таништириши ва уларни ишига аралашмасдан кузатиб туриши лозим.

**Маълумот йиғиш.** Бу давр (фаза) учун амалиёт ўқитувчиси аввал бир неча материал ва ҳужжатларни тайёрлаши лозим:

- лойиха (чизмалар электросхемалар);
- лойихага тегишли топшириқлар таърифи;
- маълумот йиғишга оид йўналтирувчи саволлар;
- ўқув мақсадлар ҳақида маълумотлар (шу жумладан танланган пойдевор квалификациялар);

Лойиха талабаларга чизмалар ёки электросхемалар шаклида бериб қўйилади. қўшимча сифатида топшириқ таърифи ҳам берилади.

Сўнг амалиёт ўқитувчиси талабаларни йўналтирувчи саволлардан фойдаланиб топшириқ таърифини таҳлил қилишга жалб этади. талабалар мустақил равища дарслик жадвалли китоблар шахсий ёзувлари тарқатма материаллар асосида маълумот йиғишади. Бундан ташқари улар бошқа техник саволлар қўлланиши мумкин бўлган иш тартиби босқичлари иш поғоналари инструментлар ва керакли иш материалларга оид ҳужжатлардан фойдаланишлари мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси талабаларга техник чизмаларни фойдаланишга беришидан мақсад улар шу чизмалар асосида муҳим қисмларни чизиб олишади ва ўз иш ҳужжатларига кўчириб олишади.

Сўнг талабалар ҳам ўз навбатида лойиха ишлаш тартибининг таърифини тузишлари лозим. Шу равища улар лойиханинг бориши ва сифати учун муҳим бўлган асосий ўзаро алоқаларни алоҳида иш поғоналарини қайси поғонада ва қайси вақтда оралиқ назорат ўтказилишини ва ҳоказоларни аниқлашади.

**Режалаштириш.** Сўнг талабалар мустақил равища иш режасини тўлдиришади. Иш режаси уларга формула сифатида берилиши мумкин. Бу режада иш босқичлари уларнинг технологик кетма-кетлигига материал инструментлар ёрдамчи воситалар ва ҳоказо режалаштирилиши лозим.

Бу ерда ҳам йўналтирувчи саволларни қўллаб ўзларининг шахсий ёзувларидан масалан назарий дарсда қилинган ёзувларидан фойдаланишади.

Ўқитувчилар ўзлари ҳам шундай режа лойихасини ишлаб чиқишлиари мумкин. Бу нарса таълимнинг олдинги босқичида амалга оширилиши ёки бажармаслиги мумкин. Негаки иш режаси - бу берилган топшириқни бажариш учун керакли босқичлар кетма-кетлигининг таърифидир. Лекин иш режаси бирор иш жараёнининг бир қисми бўлиши ҳам мумкин. Иш режасида технологик босқичлар ва улар учун ажратилган вақт керакли инструментлар ва ускуналар ҳамда меҳнат хафсизлигига оид чора-тадбирлар ҳақида маълумотлар ҳам кўрсатилиши ҳам мумкин.

Иш режаси билан бир вақтнинг ўзида бир неча ҳар хил кичик гурухларда «қисман лойиха»лар устида ишлайдиган талабалар орасида вазифалар тақсимланишини ва сифат назорати режалаштириш мумкин.

Қарор қабул қилиш. талабалар амалиёт ўқитувчиси билан биргаликда режалаштириш даврида (фазасида) юзага келган натижаларни муҳокама қилишади. Амалиёт ўқитувчиси бу дискуссияни модераторлик йўлида ва «пинванд» доскасини ишлатиб ўтказиши мумкин. Бундай равишда ҳар хил ечимлар бир бири билан таққосланади ва энг яхши вариант танлаб олинади.

Бу иш пайтида кичик гурухлар аъзолари ҳам аниқ белгиланади. Уларнинг вазифаси бутун лойиҳанинг қисман топшириқларини ҳал қилиш бўлади.

**Амалга ошириш.** талабалар иш топшириғини иш режаси асосида мустақил равишда бажаришади.

Улар якка тартибда ёки кичик гурухларда ишлашлари мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси жараённи назорат қилиб турди пойдевор квалификациялар ривожланишини таҳлил қиласиди ва назорат натижаларини маҳсус «Назорат протоколи»га ёзиб қўяди.

Бу протоколда талабаларни баҳолаш мезонлари бўлиши лозим. Бу мезонлар тегишли пойдевор квалификацияларни ҳисоблаб аниқлашни кўрсатади. Пойдевор квалификациялар деганда бу мисол учун мулоқот қобилияtlари хамкорлик маъсулиятга онгли муносабат ва мустақиллик каби қобилияtlар бўлиши мумкин.

Пойдевор квалификациялар ривожланиши бир неча поғоналарда кўрсатилган бўлиши мумкин. Бу поғоналар талабалар бу квалификацияларга қай даражада эришганларини кўрсатади.

«PETRA» концепциясида пойдевор квалификациялар ривожланиш даражасининг 4 поғонаси фарқланади:

**Репродукция поғонаси.** талаба янги мазмунларни ўрганиб олади масалан тақлид қилиш орқали ва ўрганган нарсасини амалиёт ўқитувчиси бошчилигига бевосита қўллай олади.

**Реорганизация поғонаси.** талаба энди асосий кўникма ва билимларни ўзлаштириб олди ва муайян топшириқларга нисбатан ҳаттоқи узоқроқ вақт ўтганидан кейин ҳам қўллай олади.

**Мавжуд билимларни бошқа вазиятда қўллаш поғонаси.** Талаба ўрганиб олган билимларини керак бўлса бироз ўзгартириб ишлатади ва уларни ўзгарган ва янги вазиятларда қўллай олади.

**Муаммони ҳал қилиш поғонаси.** Талаба шундай топшириқларни бажарадики, бу топшириқларда у эски ва янги билимларини бир бирига кўшиб ишлатади. У сабаб ва оқибат орасидаги ўзаро алоқаларини аниқлай

олади систематик ривища ривожлантира олади баҳолашни ҳамда танлашни билади янги ва ижодий ечимларни топа олади.

Бу 4 погона пойдевор квалификацияларни режалаштириш пайтида ёқ инобатга олинади. Амалиёт ўқитувчиси ўзининг «Назорат варағи»га шундай индикаторларни яъни нишоналарни киритиши мумкинки улар унга бирор погона эришилганлигини кўрсатиб туришади.

**Текшириш.** талабалар ўз иш натижаларини ўзлари текширишади (масалан иш натижаларини сифат мезонлари асосида баҳолаш ва баҳоларни маҳсус «Назорат варағи» ёки «Баҳолаш варағи»да қайд этишади).

талабалар бир-бирининг натижаларини текширишга ҳам жалб этилади. (Бошқаларни баҳолаш).

Инструктор натижаларни маҳсус «Хулосалар варағи» да қайд этади ва ўзининг «Назорат баённомаси» асосида хулосалар чиқаради.

**Хулоса чиқариш.** талаба ва амалиёт ўқитувчиси иш жараёнини ва натижаларини биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади (асл кўрсатгичларни норма кўрсатгичлари билан таққослаш; норма кўрсатгичларига эриша олмаганлик сабаларини аниқлаш. Кейинги сафар нималар яхшироқ қилиниши лозим?).

Бунинг учун амалиёт ўқитувчиси «Назорат протоколи» ҳамда «Хулосалар протоколи»дан фойдаланади.

### **Лойиҳа усули доирасидаги ташкилий шакллар.**

Амалий таълимни «Лойиҳа усули»ни қўллаш орқали амалга ошириш учун 3 хил ташкилий шакллар қўлланади. Бу ташкилий шакллар пойдевор квалификациялар ривожланишига маълум ривища кўмаклашишади:

- мустақил режалаштирилган индивидуал иш
- гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш
- гуруҳда бажариладиган иш.

Ташкилий шакллар ва пойдевор квалификациялар орасидаги ўзаро алоқа яққол ва тушунарли чунки мустақил режалаштирилган индивидуал иш пайтида индивидуал шахсиятга оид ва касбий компетенциялар (иш топширигини ўзи ташкиллаштириш ва амалга ошириш қобилиятлари мустақиллик ва шахсий жавобгарлик чидамлилик ва ҳоказо) ривожланса гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш ҳамда гуруҳда бажариладиган иш пайтида эса ижтимоий ва касбий компетенциялар (мулоқот ва ҳамкорлик қобилияти режалаштириш ва қарор қабул қилиш қобилияти жамоий жавобгарликни англаш ва бошқа қобилиятлар) ривожланишига хисса кўшишади.

## **Мустақил режалаштирилган индивидуал иш:**

Талабага лойиха ҳужжатлари берилгандан кейин у ўз лойиҳасини режалаштиради бутунлай шахсий жавобгарликда индивидуал равишида ишлаб амалга оширади ва натижаларини ўзи таҳлил қиласди.

талабалар орасида ҳеч қандай мулоқот юзага келмайди.

**Гуруҳда режалаштирилган индивидуал иш:** Гурухга лойиха ҳужжатлари берилгандан кейин гурух талабалари биргаликда «Маълумот йифиш - Режалаштириш - Қарор қабул қилиш» босқичларини амалга оширишади. Ундан кейин эса ҳар бир талаба индивидуал равишида ишлаб ўз лойиҳасини амалга оширади. Яъни режалаштириш пайтида у бошқалар билан биргаликда жавобгарликни ўз зиммасига олади лекин амалга ошириш пайтида шахсий жавобгарликни ўз бўйнига олади.

**Гуруҳда бажариладиган иш:** Гурухга лойиха ҳужжатлари берилгандан кейин гурух талабалари биргаликда умумий режани тузишади. Сўнг лойиха бир неча «қисман лойиҳа»ларга бўлинади ва уларни бир-бирига боғловчи касбий бўғинлар гуруҳда келишиб олинади. Деталли режалаштиришни эса ҳар бир талаба ўзи амалга оширади. Сўнг ҳар бир талаба ёки кичик гурух ўзининг қисман лойиҳасини тузади. Бу ҳолда уларнинг ҳаммаси қисман лойиҳаларни ишлай оладиган яхлит лойиҳага бирлаштириш учун биргаликда жавоб беришади.

## **Хорижий таълимда тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик тушунчалари**

Хорижий таълимда сўнгги йилларда бирқатор терменлар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

**ТҮТОР** - (*Tutor*-лотинча) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маърууачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

**ЭДВАЙЗЕР** (*advisor*)-французча “*avisen*”“*ўйламоқ*”) талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.

**ФАСИЛИТАТОР** - (инглиз тилида *facilitator*, латинча *facilis*-енгил, кулай)- гурухлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

**МОДЕРАТОР** - Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилияtlарни ривожлантириш,

билиш фаолятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра сұхбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Бизнинг таълимда ушбу фаолиятларнингҳаммасини ўқитувчи бажаради ва педагог ёки ўқитувчи деб юритилади.

### **Назорат саволлари:**

8. Европа ва АҚШ да олий таълим тизимининг уч босқичи мажбурий тайёргарлик (undergraduate), асосий (professional degree program) ва резидентура (graduate) босқичлари.
9. Европа Ҳамжамияти давлатларида фармацевтик таълим тизими қандай ташкил этилган?
10. Америка Қўшия Штатларида фармацевтик таълим тизими қандай ташкил этилган?
11. МДХ давлатларида олий фармацевтик таълим тизимини таърифланг.
12. Ўзбекистон таълим тизими, ўрта ва олий маълумотли фармацевтларни тайёрлаш тизими қандай ташкил этилган?
13. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илгор хорижий мамлакатлар таълим тажрибалар замонавий ёндашувлар
14. Хорижий таълимда тыотор, эдвайзер, фасилитатор ва модераторлик тушунчаларини таърифланг

### **Фойдаланилган адабиётлар**

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сон қарори
28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.
29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-5763-сонли Қарори.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарори “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
36. Jesson K, Langley J, Clarke L and Hatfield K. Pharmacy undergraduate students: career choices & expectations across a four-year degree programme. A report for Royal Pharmaceutical Society of Great Britain.
37. Willis S, Shann P, Hassell K. University of Manchester: Centre for Pharmacy Workforce Studies; 2006. Studying pharmacy: who, when, how, why? what next? A longitudinal cohort study of pharmacy careers.
38. Wilson K, Jesson J, Langley C, Clarke L, Hatfield K. MPharm programmes: where are we now? Royal Pharmaceutical Society of Great Britain Available at:<http://www.rpsgb.org/informationresources/downloadsocietypublications/>. Accessed November 20, 2008.

### **3- амалий машғулот: Фармацевтика фанларининг таълим жараёнида замонавий таълим асослари**

**Ишдан мақсад:** Тингловчиларда халқаро миқёсда ва Ўзбекистон Республикасида фармацевтика таълими жараёнида ыщлланадиган инновацион таълим ресурслари билан таништириш.

#### **Масаланинг қўйилиши:**

1. Фармацевтика таълим соҳасидаги ислохотларни ўргангандан ҳолда тингловчи ўз кафедрасидаги таълим тизимига Blended learning инновацион таълим тизимида ўқув машғулотларини ташкил этиш босқичлари схемасини тузиш.
2. Турли хориж мамлакатларида фармацевтик таълим жараёнини ташкил этишда кенг қўлланиладиган Кейс стади усулида амалий машғулотни ташкил этиш.

**Ишни бажариш учун намуна**  
**Аниқ вазиятларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича**  
**тингловчиларга услугий кўрсатмалар**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Маслаҳат ва тавсияномалар</b>
1. Кейс билан танишиш (индивидуал) – 3 дақиқа	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишланганлигини аниқланг.
2. Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш (индивидуал ва кичик групкаларда) – 5 дақиқа	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. Ўз фикрингизни груп билан ўртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни эътибордан четда қолдирманг.
3. Муаммо ечимини топиш ва эришиладиган натижани аниқлаш – 7 дақиқа	Груп билан биргаликда муаммо ечимини топинг. Муаммога доир ечим бир неча вариантда бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган ечим қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳам аниқланг.
4. Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти (кичик групкаларда) – 5 дақиқа	Груп билан биргаликда кейс ечимига доир тақдимотни тайёрланг. Тақдимотни тайёрлашда сизга тақдим этилган жавдалга асосланинг. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида аниқлик, фикрнинг ихчам бўлиши тамойилларига риоя қилинг.

Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма намунаси

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа

## **Case study, масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва эвристик методларнинг долзарбилиги.**

“Кейс - стади” илк маротаба Гарвард университетининг ҳукуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиши тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиши услуби кенг татбиқ этила бошлади.

**Кейс-стади** (инглизча case - тўплам аниқ вазият stadi -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантиларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган *таълим услубидир*.

**Кейс-стади** - таълим ахборотлар коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида башорат қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли этишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуудан иборат бўлган таълим технологиясидир

Кейсда тавсифланган аниқ вазият ўрганишни воқеликка боғлаб қўяди: сизга муаммони ҳал этиш бўйича вазиятни таҳлил қилиш таҳминларни шакллантириш муаммоларни аниқлаш қўшимча маълумотни йиғиш таҳминларни аниқлаштириш ва аниқ қадамларни лойиҳалаштириш имконини беради.

### **Ўқув услуби сифатида қуйидагиларни таъминлайди:**

- ўрганилган ўқув мавзу курси бўйича (назарий таълимдан сўнг) билимларни мустаҳкамлашни;
- муаммоларни таҳлил қилиш ва қарорларни якка тартибда ва гуруҳли қабул қилиш кўнималарини эгаллашни;
- ижодий ва ўрганиш қобилиятлар мантиқий фикрлаш нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилиятларини ривожлантиришни;
- янгиликка қарорларни мустақил қабул қилишга тайёргарликни;
- масъулдорлик мустақиллик коммуникативлик ва эмпатия рефлексиянинг шаклланишини; ўқув маълумотларини ўзлаштириш сифатини ўз текширишини (ўқув дастури якунида).

Муаммони ифодаланиши:

1. Муаммо қандайдир ҳаракатлар қилиш учун етилган зарурат билан уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар етишмаслиги ўртасидаги зиддиятни белгилайди.

2. Муаммони асосий таркибий қисмлари (муаммо, ости муаммолар)ни ажратади.

**Кейснинг дастурий картаси** кейс учун ахборот йиғиш ва вазиятни баён қилиш учун асос бўладиган асосий масалалар(тезислар)нинг тузилмаланган рўйхатидан иборат бўлади.

**Педагогик аннотация қўйидаги элементларни ўз ичига олади:**

1. Кейсда мўлжалланган предмет бўлим мавзу таълим даражаси курс кўрсатилади.

2.Кейсдан қўзланган мақсад (таълимий мақсад режалаштириладиган ўқув натижалари;

1. Талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар.

2. Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот.

3. Ахборот олиш манбалари рўйхат.

4. Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс обьекти мавжудлиги материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари ўқув топшириғини тақдим этиш усули чизмалаштириш усули);

5. Кейсдан қўзланган мақсад ва тегишлича ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

Кейс-ишлиб чиқаришда содир бўладиган аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Кейс усули ишилаб чиқариш масалаларини машғулотларда таҳлил қилиш ва ҳал қилиш усули унда иштирокчиларга ҳақиқий ҳаётй вазият бўйича фикр юритиш таклиф қилиниб бу вазият баёнида нафақат амалий масала ифодаланиб қолмасдан ундаги муаммони ечиш жараёнида ўзлаштирилиши зарур бўлган ўқув материали ҳам ифодаланади.

Муаммоларни олдини олиш йўлларини ишилаб чиқиши “Кейс стади”га асосланаган ўқитиши технологиясининг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу технология амалий вазиятларни ҳал этиш жараёнида ўрганилган ўқув мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлашга муаммоларни таҳлил қилиш ва унинг ечимини якка тҳартибда ёки гурӯҳларда еча олиш қўнималарини эгаллашга ижодий ва ўрганиш қобилияtlари мантиқий фикрлаш нутқ ва муҳит шароитларига мослашиш қобилияtlарини ривожлантиришга ҳамда

қарорларни мустақил қабул қилишга ва ўз-ўзини назорат қилишга ёрдам беради.

### **Ўқув машғулотларида кейсларни ҳал қилиш алгоритми қўйидагича:**

1. Топшириқни бериш (топшириқни бажариш муддатини белгилаш кейснинг ечимини баҳолаш тизими билан таништириш дарснинг технологик моделини аниқлаш).

2. Таълим берувчининг кириш сўзи. Асосий саволларнинг қўйилиши.

3. Таълим олувчиларни 4-6 кишидан иборат микромурухларга ажратиш.

4. Таълим олувчиларнинг микромурухлардаги фаолиятини ташкил қилиш (микромурухларни номлаш етакчиларни ва эксперт гурухини аниқлаш).

5. Микромурухлардаги жавоблар билан танишишини ташкил қилиш.

6. Микромурухлараро мунозарани ташкил қилиш.

7. Таълим берувчининг умумлаштирувчи сўзи унинг вазият ечими тўғрисидаги фикри.

8. Таълим олувчиларни эксперталар томонидан баҳоланиши.

9. Таълим олувчиларнинг машғулот ҳақидаги фикрлари.

10. Таълим берувчининг якунловчи сўзи. Машғулот бўйича хulosалар чиқариш.

Кейсларни ҳал қилишда таълим берувчи таълим олувчиларни йўналтириб туриши ва улардаги фаолликни қўллаши ҳал қилинаётган муаммола нисбатан қизиқиш уйғотиб туриши даркор.

Кейслардан таълим жараёнида фойдаланиш таълим олувчилар шахсида қўйидаги профессионал-педагогик зарурӣ сифатларни шакллантиради:

-мустақил ижодий фикрлаш қобилиягини ривожлантиради;

-мустақил ижодий фикрлаш қобилиягини ривожлантиради;

-назария ва амалиёт ўртасида узвий боғликларни шакллантиради;

-муаммоли вазиятни янгича шакллантиришга ёрдам беради;

-вазиятларни ҳал этишда унга таъсир этувчи омилларнинг мавжудлиги ва уларнинг таъсирини эътиборга олишга имкон беради;

-бошқалар фикрини ҳам қабул қила олиш малакасини шакллантиради;

-савол бериш маданиятини тҳаркиб топтиради;

-қабул қилинган қарор учун масъуллик ҳиссини тарбиялади. Кейсларни ҳал қилишда қўйидагиларга эътибор бериш зарур: асосий муаммони ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш асосий ва иккинчи даражали омилларни ажратиш муаммони ҳал қилишнинг муқобил ечимини ҳам қўриб чиқиш энг мақбул қарор қабул қилиш. Кейсларни ҳал қилишда ёзма усулда таҳлил қилиш унда баён этилган муаммони янада чуқурроқ англашга ёрдам беради

ёхуд ёзма нутқ ҳам Халқаро RWCT дастурида мустақил ижодий фикрлаш қобилиятни ривожлантиришнинг энг самарали усулларидан бири бўлиб ҳисобланади. Илмий тадқиқотлар ва амалий кузатишлар педагогика ўқитиши методикаси ва педагогик маҳорат асослари фанлари машғулотларида бу каби кейсларни ечиш таълим олувчиларнинг фаоллигини оширибгина қолмасдан балки мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради ҳамда уларни бўлажак мустақил педагогик фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

### **Талабаларнинг кейс-стади шароитида ўқув ишига қобилияtlар кўrsatкичлари:**

- ҳар бир талабанинг илмий тадқиқот ва таҳлил усуллари ва воситаларини эгаллаши;
- кичик гурӯхларда ишлаш ақлий ҳужум ва мунозараларда қатнашиш малакаларини ҳосил қилиш
- талабаларнинг муаммоли вазиятни таҳлил этиш чизмаси (йўриқномаси алгоритми);
- муаммо ечимиининг устувор ғоясини баҳолаш ва танлаш техникалари билан таништириш

**Ўқитувчининг тайёрланиши.** Кейс-стади амалиётини ўтказувчи ўқитувчи машғулотга оддий тайёрланишдан ташқари қўйидагиларни ҳам бажаради:

-вазиятни пухта таҳлил қиласи мурасимни вазиятни таҳлил этиш ва уни ҳал қилиш учун талабаларга таклиф қилиниши мумкин бўлган бир неча моделларни тайёрлайди;

-вазият ечими бўйича талабалар таклиф этадиган варианtlарни баҳолаш кўrsatкичлари ва мезонларини ишлаб чиқади;

- муаммони ечиш бўйича ўзининг вариантини тайёрлайди;

-мутахассислик фанларини ўқитишида **кейс стади** методидан фойдаланиш талабаларни фикрлашга муаммоларни ҳал этиш қўнималарини ҳосил қилишга кашфиётларга интилиш ҳамкорлик ва шериклик сифатларини шакллантиришга ўқитувчи томонидан берилган вазифаларни ҳал этиш режасини тузишга ва энг асосийси талабалар олдига қўйилаётган муаммони ҳал қилишга уни мустақил мухокама қилишга қодир қилиб таълим ва тарбия бериш имкониятини яратади.

Кимёвий ва фармацевтика технологиялари йўналишига оид мутахассислик фанларини ўқитишида кейс стади технологиясидан фойдаланишнинг аҳамияти жуда каттадир. Бунда талабаларни мустақил ишларнинг турли шаклларини бажариш жараёнида кейс бўйича аниқ турдаги

кимёвий ва озиқ – овқат махсулотларини ишлаб чиқариш жараёнидаги муаммоли вазиятларга тегишли бўлган топширикларни бериш талабаларни махсус фанлардан эгаллаган билимларини чукурлаштиришга ва мустаҳкамлашга маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясининг барча қирраларини ҳар томонлама чукур ўзлаштириб олишга ишлаб чиқариш шароитида юзага келадиган амалий – муаммоли масалаларни ҳал қилиш ва ҳаётий вазиятларни еча олиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Шу мақсадда кейс – стади технологиясининг вазифа - топшириги сифатида аниқ махсулот турини ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш муаммолари ишлаб чиқаришда ноанъанавий хом ашёларни кўллаш имкониятлари ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг сифат кўрсаткичларини ошириш муаммолари ишлаб чиқариш чиқитларини юзага келиш сабаблари ва уларни камайтириш муаммолари энергияни ва ресурсларни тежайдиган юқори самарадор технологияни яратиш муаммолари мавзу тарзида берилса уни бажариш жараёнида талабанинг тегишли фан бўйича ўзлаштирган билимлари янада кенгаяди мустақил фикрлаш қобилияти ривожланади ҳамда унда эгаллаган билимларини ностандарт вазиятларда кўллаш кўникмалари шаклланади.

### **Кейс методи асосида дарс ўтишнинг фарқловчи хусусиятлари.**

<b>Фарқловчи кўрсаткичлар</b>	<b>Ўқитиши методлари</b>	
	<b>Анъанавий методлар асосида ўқилган маъруза</b>	<b>Кейс методи асосида ўтилган дарс</b>
Мақсад	Билим бериш	<ul style="list-style-type: none"> <li>- фикрлаш;</li> <li>- муаммони ҳал этиш кўникмаларини ҳосил қилиш;</li> <li>- кашфиётларга интилиш ҳамкорликка тайёр бўлиш сифатларини рағбатлантириш;</li> </ul>
Ўқитувчининг	Ўз фанининг	-Ўз фани мазмунини билиш;

вазифаси	мазмунини билиши	-Мухокама жараёнини бошқара олиши
Ўқитувчи - талаба муносабатлари	Ўқитувчининг – талаба устидан хукмонлиги. иэрархия ҳукуқларининг teng эмаслиги	Шериклик ва ҳамкорлик
Талабаларнинг ўз – ўзини ва бир – бирини ўқитиш жараёнида иштироки	Суст	Фаол талабалар ўқитувчининг вазифаси ҳисобланувчи мухокама режасини тузиш асосий мақсадни аниқлаш мустақил мухокама қилишга қодир бўладилар

### Blended learning (аралаш ўқитиш)

Blended learning (аралаш ўқитиш) замонавий таълимнинг нисбатан янги, бироқ, тобора оммалашиб бораётган шакли саналади. Ушбу шаклдаги ўқитиш жараёнида талаба мустақил таълим олади, аммо айни вақтда унга гурух ва ўқитувчи томонидан ёрдам кўрсатилади.

Гурухли машғулотлар давомида “blended learning” (аралаш ўқитиш)нинг кўлланилиши туфайли ҳар бир талаба ўкув материалларини ўзлаштириш борасида ўзида рўй бераётган ижобий ўзгаришларни намоён этган ҳолда мулоқот кўникмаларини ўзлаштириб боради, ўтилган материалларни такрорлайди ва янги мавзуни ўрганишга тайёрланади.

Хозирда аралаш таълим энг оммалашган модель ҳисобланади.

Унинг афзаллиги шундаки, таълим олувчилар бирламчи (таянч) билимлар ва кўникмаларни электрон курсларда оладилар; аудитория машғулотларида улар қўшимча, янада чукурроқ билимлар олиш ҳамда олинган билимларини тьютор раҳбарлигига қўллашга ўрганиш имконига эга бўладилар.



Ушбу моделни қўллаш тьютор томонидан таълим олувчиларнинг мустақил ўрганишлари учун материалларни жиддий тайёрлаш, назорат тизимини батафсил ўйлаб чиқиши, аудиториядаги ва тармоқдаги ўзаро фаолиятни самарали қўшиб олиб бориш ва бошқаларни назарда тутади.

Blended learning (аралаш ўқитиши) қўп ҳолатларда топшириқларга таянади ва асосий, муҳим маълумотлар негизида ташкил этилади, қўшимча материаллар эса талабага онлайн платформа орқали узатиб берилади.

Талаба мустақил таълим олар экан, гурухнинг бошқа аъзолари билан онлайн режимда ташкил этилаётган муҳокамада иштироқ этиш орқали ҳамкорлик қиласиди.

**Аудиторияда ва онлайн режимда ташкил этилаётган машғулотлар** вақт миқдори бўйича ўзаро мос келиши турлича ўзгариб туриши мумкин.

Таълимнинг турли босқичларида масофавий ва мустақил таълим самарали равишда қоришириб юборилади.

Аралаш ўқитиши ўзида қуйидаги Европа таълими моделларини жамлайди:

1. Масофавий таълим (distance learning).
2. Аудитория таълими (face-to face learning).
3. Интернет таълими (online learning).
4. Узлуксиз таълим (lifelong learning)

Аралаш таълимнинг таркибий тузилмаси ҳам ўзгарувчан ҳисобланади. Айни вақтда хорижий мамлакатларда аралаш таълимнинг ўндан ортиқ шакллари мавжуд. Ўқитиши амалиётида аралаш таълим ўз “ўлчам” (кўрсаткич)ларига эга. Улар қуйидагилардир:

- малакали кадрлар гурухининг шакллантирилганлиги;
- маҳорат дарсларида асосланган таълим;
- юқори даражадаги ютуқлари кафолатловчи муҳит;
- талabalарнинг ўз шахсий таълимий ютуқлари учун жавобгарлиги

ОТМда blended learning (аралаш ўқитиши) қуйидагиларга асосланади:

1. Онлайн маъруза машғулотлари.
2. Онлайн амалий машғулотлар.
3. Интернет тармоғида муҳокама қилинадиган лойиҳа ва гуруҳ ишлари.
4. Онлайн режимда ташкил этиладиган лаборатория машғулотлари.
5. Онлайн режимда мустақил топшириладиган тест.
6. Онлайн режимда ташкил этиладиган маслаҳат

Аралаш ўқитиши — замонавий таълим технологияси бўлиб, унинг асоси “синф-дарс тизими” билан электрон таълимнинг бирлашуви концепциясидан иборат. Бу электрон таълим, ахборот-коммуникация технологиялари ва замонавий ўқув воситалари тақдим қиласидан янги дидактик имкониятларга асосланади. Аралаш ўқитишининг кенг тарқалган усулларидан бири — бу “Flipped Class” педагогик технологияси асосида ўқитиши хисобланади

“Flipped Class” инглизча сўз бўлиб, русчада — “Перевернутый класс”, ўзбекчада “Тескари дарс, синф”, “Ўрин алмаштирилган дарс, синф”, “Илгарилама дарс, синф” маъноларига тўғри келади.

Буларнинг орасидан ушбу педагогик технологиянинг хақиқий мазмун-моҳиятига энг яқин бўлган ном сифатида ўзбек тилида “Олдиндан тайёрланиш дарси, синфи” номини танлаш мумкин.

“Flipped Class” технологиясида ўқув жараёнининг асосий қисмлари бўлган дарс билан уйга вазифанинг ўрни алмаштирилиб, аввал уйга вазифани бажариш жараёнида видео, аудио ва бошқа интерфаол материаллар ўрганилади ва бўлажак дарсга тайёргарлик қўрилади, кейин дарсда мавзу мазмунини амалда қўллаш масалалари қўрилади.

Таълим олувчи дарсгача бўлган вақтда исталган жой ва вақтда ўзига қулай ҳолда ўрнашиб ўтириб, тыотор томонидан тақдим этилган видео, аудио ва бошқа интерфаол материалларни ўрганади. Барча фактлар ва номлар ихчам видеога бир неча минутга жойланган бўлади. Бунга аудиторияда мавзуни тушунтиришга кетадиган вақтдан камроқ вақт кетади. Чунки дарсда бўладиган турли ташкилий ишларга вақт сарфланмайди.

Дарсдан олдин мустақил ўзлаштириш дарсдаги мавзуни янгидан тушунтиришга кетадиган вақтни тежайди ва ушбу бўшаб қолган вақтдан мавзуга тегишли муаммоларни ҳал қилишга, билимлар ва кўникмаларни амалда қуллашга ва таълим олувчилар билан янги ўқув маҳсулотлар яратишга йўналтирилади.

«Flipped Class» ёрдамида таълим жараёни икки босқичда — аудитория ва аудиториядан ташқарида амалга оширилади ва вазифалар даражаси босқичма-босқич мураккаблашиши ва фаолиятнинг кенгайиши назарда тутилади.

Дарсгача бўлган вақтда таълим олувчилар мавзу бўйича маълумотларни мустақил излайди, мақолалар ўқиради, видеолавҳалар томоша қиласиди ва кичик гуруҳларда ёки давра сухбатида муҳокама қилиш учун тезислар, саволлар тайёрлайди ҳамда амалга оширилган ишларининг натижалари қўшимча равища электрон платформага жойлаштирилади.

Бунинг натижасида тьютор ва бошқа таълим олувчиларга улар билан олдиндан танишишлари ва дарсга яхшиrok тайёргарлик кўришлари имконияти яратилади.

Аудиторияда эса тақдим этилган тезислар, ўқиган материаллар мазмунини муҳокама қилиш, билдирилган фикрлар асосида умумий концептуал ғояни шакллантириш ва ғояларни амалда қўллаш ишлари кичик гурухларда амалга оширилади ҳамда ҳар бир гурухнинг иши асосли таҳлил қилинади.

**Синф-дарс шаклидаги дарс турлари ва уларнинг тузилиши.** Бир соатлик дарсга мўлжалланган дастур материаларининг мазмунини баён қилиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил қилинган машғулот тури дарс турлари деб юритилади.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси
2. Ўқитилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий-умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аralаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўлланиши).

Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор бу нарса ўқитувчининг ўқув материалини тўғри ва самарали тушунтиришига мустаҳкам эсда қолдиришга такрорлашга ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиб боришига ёрдам беради.

**Ўқитишнинг аралаш шакли.** Амалиётда талабаларнинг ишларини ташкил қилишнинг аралаш шаклини ҳам учратиш мумкин. Масалан: Битта звенодан ташқари қолган талабалар фронтал ишлаши ўқитишнинг у ёки бу шаклини қўллаш ўқитиш мазмунидан талабаларни билим ва малака меъёридан ҳамда ўқитиш методларини қайси биридан фойдаланишимизга боғлик. Ўқитишни биринчи этапларида ўқитишнинг фронтал ташкил қилиш ундан кейин звено формалари талабалар маълум тайёргарлик олганларидан сўнг якка-якка ўқитиш шаклларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

### **Назорат саволлари:**

1. Фармацевтика фанларини ўқитишда Blended learning (аралаш ўқитиш) технологиясини таърифланг.
2. “Flipped Class” педагогик технологияси

3. Тингловчиларда инновацион характерга эга педагогик фаолиятни ташкил этишда case study усулининг моҳиятини мисоллар ёрдамида ёритинг.
4. Масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва эвристик методларининг қўллаш имкониятларига мисол келтиринг.
5. Таълим жараёнида қўлланиладиган инновацион воситаларнинг ахамияти ва заруратини айтиб беринг.
6. ECTS кредитлари, ECTS нинг асосий тамойиллари, ECTSнинг хусусиятлари ҳақида фикрингизни баён этинг.
7. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси нимадан иборат?
8. ОТМ педагогларида ўқув машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишга креатив ёндашиш қўникма-малакаларини такомиллаштириш ҳақида фикрингизни баён этинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 39.Jesson K, Langley J, Clarke L and Hatfield K. Pharmacy undergraduate students: career choices & expectations across a four-year degree programme. A report for Royal Pharmaceutical Society of Great Britain.
- 40.Willis S, Shann P, Hassell K. University of Manchester: Centre for Pharmacy Workforce Studies; 2006. Studying pharmacy: who, when, how, why? what next? A longitudinal cohort study of pharmacy careers.
- 41.Wilson K, Jesson J, Langley C, Clarke L, Hatfield K. MPharm programmes: where are we now? Royal Pharmaceutical Society of Great Britain Available at:<http://www.rpsgb.org/informationresources/downloadsocietypublications/>. Accessed November 20, 2008.
- 42.Пўлатов Ш. Таълим менежменти, ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқариш стратегияси. Тошкент 2018 й., 526бет.
- 43.Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт”.- 2015. – 150 б.
- 44.Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Илғор педагогик технологиялар. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
- 45.Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.

## V КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1- КЕЙС

**Дорихонага қўйидаги рецепт асосида мурожат келиб тушди:**  
Бемор Солиев Ф. 67 ёш, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз нафақаҳўр

Rp.:Infusirhizomatis cum radicibus Valerianae ex.....10,0  
Infusi foliorum Menthae piperite ex.....4,0-200 ml  
Coffeini Natrii benzoatis.....0,4  
Natrii bromidi.....3,0  
Magnesiisulfatis.....0,8

**Топшириқ.** Рецептура ишлаб чиқариш бўлимининг ҳодими – фармацевт ушбу рецептни қабул қилиши, унинг асосида дори тайёрлаши ва bemorga беришни ташкил қилиш алгоритмини тузинг.

#### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

1. Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўлларини жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гурухда).
- 2.

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

### 2- КЕЙС

Фармацевтик ишлаб чиқариш корхонасининг моддий таъминот бўлимига неча сериядаги субстанция келиб тушди. Ушбу субстанцияларни қабул қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш алгоритмини келтиринг.

#### **Кейсни бажариш бўйича топшириқлар:**

1. Хужжатлаштириш.
2. Дори моддаларининг сифатини баҳолаш
3. Сақланишини таъминлаш
4. Ишлаб чиқариш цехларига ўтказиш

**Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма  
намунаси**

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа

**3- КЕЙС**

“Дори турлари технологияси” кафедрасида “Замонавий педагогик атамалар” мавзусига бағишиланган семинар - тренинг ўтказилди.

Семинар-тренингда ҳозирги вақтда таълим жараёнида қўлланилаётган “методика”, “технология”, “интерфаол метод”, “стратегия”, “график органайзерлар” каби атамалар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Семинар-тренингда педагогик технологиялар соҳасига доир қатор изланишлар олиб борган мутахассис олимлар таклиф этилди.

Модератор биринчи бўлиб сўз навбатини “методика” ва “технология” тушунчалари моҳиятини аниқлаштириб бериш учун фармацевтика фанлари доктори А.В.Солиевага берди. У ўз нутқида “Методика – қатъий кетмакетликка (алгоритмик характерга), илгари ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси”ни, “технология - бу режалаштирилган ўқитиши натижаларига эришиш жараёни тавсифи”ни ифода этди, деган умумий фикрни берди. Шундан сўнг, “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси Б.Гаффаров А.В.Солиевага шундай савол билан мурожаат этди: “Кечирасиз, сизнингча, методика ва технологиянинг бир-биридан фарқи нимада?”. А.В.Солиева қисқа қилиб “Методика ўргатади, технология фаоллаштиради” деган жавобни берди. Б.Гаффаров жавобни тушунмасдан ҳайрон бўлиб, индамай қўйди. А.В.Солиева унга “Нега сиз жавобдан қониқмадингизми?” савол назари билан қаради, Б.Гаффаров эса индамади. Кафедра ўқитувчиси Г.Йўлдошева Б.Гаффаровга “Нимага тушунмайсиз, домла айтмоқчиларки, ўқитиши методикаси талабаларни фаоллаштира олмайди, технология эса таълим олувчини фаоллаштириб, ўйин асосида машғулотларни қизиқарли ўтишини таъминлайди” деб тушунтирган бўлди.

А.В.Солиева ўз чиқишини яқунлагач, модератор сўзни педагогика фанлари доктори, профессор ДИ.Илесовга берди ва “замонавий педагогик технологиялар” ҳақида маълумот беришни сўради. Д.Илесов бугунги кунда кўплаб замонавий педагогик технологиялар мавжудлиги, уларга Ақлий хужум, БББ, каскад, пинборд, кластер, зигзаг, тармоқлар, ўйинли технологиялар кабилар борлигини айтиб, уларга қисқа-қисқа изоҳ берди. Д.Илесов сўзини яқунлагач, доцент В.Ганиев унга қўйидаги савол билан

мурожаат этди: “Устоз, мени бир савол кўп вақтдан бери қизиқтиради: “Технология билан интерактив метод” тушунчаси бир нарсами? Ҳар доим уларни аралаштириб қўллайверамиз, шу тўғрими?”. Д.Илесов саволга қуидагича жавоб берди: “Сиз манимча, саволни ман юқорида бир нечта технологияни санаб ўтганимдан келиб чиқиб беряпсиз. Уларни “технология” деб айтиш ҳам, “интерфаол методлар” деб номлаш ҳам мумкин” деган жавобни берди. Жавобни эшитгач, В.Ганиев “унда бирини қўллайверсан бўлмайдими?” деган савол назари билан қаради. Унга жавобан олима “Истаганизни ишлатаверинг” деб жавоб берди. Шу билан Д.Илесов ҳам чиқишини яқунлади.

Сиз нима деб ўйлайсиз, семинар-тренинг олдига қўйилган мақсад тўлиқ амалга ошдими? Замонавий таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ҳолда қўлланилаётган тушунчаларнинг моҳияти етарлича аниқлаштирилдими? Сиз мазкур тушунчаларни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз? Семинар-тренингда қайси тушунча моҳиятига умуман эътибор қаратилмади? “Методика” ва “технология” тушунчаларини фарқлашга доир А.В.Солиева томонидан берилган жавобга сиз қандай муносабат билдирасиз? Д.Илесовнинг ўз нутқида Ақлий хужум, БББ, каскад, пинборд кабиларни технология деб ишлатиши тўғрими? З.Зарипованинг “метод” ва “технология” тушунчаларига нисбатан айтган фикрини қандай баҳолайсиз? График органайзерларни “таълим воситаси”ми ёки “метод” сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқми?

Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма намунаси

<b>Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)</b>	<b>Ечим</b>	<b>Натижа</b>

#### **4- КЕЙС**

Касбий таълим методикаси бўйича яратилган адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, уларда “таълим жараёни” тушунчасининг моҳияти турлича ёритилган.

Таълим жараёни – бу:

1. Талабаларга билимларни бериб, уларда кўникма, малакаларни бериш орқали у ёки бу даражада уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш (ўқитиш)га қаратилган фаолият.

2. Талабалар томонидан БКМнинг ўзлаштирилиши (ўқиши)ни таъминловчи жараёнини бошқаришга йўналтирилган ўқитувчи ва талабаларнинг биргалиқдаги фаолияти (чунки ўқитиш ва ўқитиш – таълимнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро шартланган томонларидир).

3. Ўқитувчининг талабалар томонидан БКМни онгли ва пухта ўзлаштирилишига йўналтирилиб, бу жараёнда билимларнинг мустаҳкамланиши, ақлий ва жисмоний меҳнат маданияти элементларини ўзлаштириш,

дунёқарашни бойитиш ва талабалар хулқ-атворининг шаклланишини таъминловчи раҳбарлиги ва ҳаракатларининг изчиллиги.

4. Талабаларнинг ўқитувчи раҳбарлигига БҚМни ўзлаштириш, қобилиятларини ривожлантириш ва дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган фаол билиш фаолияти.

**Кейсни бажариш бўйича топшириклар:**

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.
2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.
3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ дахлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.
4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.
5. Ечимни баён этинг.  
иштирокида мухокама қилинади.

## VI ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шархи	Инглиз тилидги шархи
<b>Инновация—</b>	<p>янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти. (инглизча <i>инновацион</i> – киритилган янгилик, ихтиро).</p> <p>Илмий техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқарув ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалари ва доираларида қўлланишини акс эттиради.</p>	<p>Updating.</p> <p>Change in process of activity.</p> <p>Updating on the basis of scientific and technical achievements and advanced experience in the field of engineering, technology, management, news, as well as their different reflection.</p>
<b>Таълимга стратегик ёндашув</b>	<p>қўйилган вазифа эҳтиёжларига қараб ўз ўқиш услубини мослаштириб оладиган талабаларни билдиради. Бунда кўзланган мақсад вазифанинг реал мақсадига нисбатан ташки ҳисобланади, чунки у улар ўқишида юқори натижаларни кўрсатаётганлиги учун эмас, балки ўзлари учун юқори баҳоларни олишга йўналтирилган. У шунингдектаълимга муайян мақсадга эришиш жиҳатидан ёндашиш номи билан ҳам маълум.</p>	<p><b>Strategic approach to learning</b> Typifies students who adapt their learning style to meet the needs of the set task. Intention is external to the real purpose of the task, as it focuses on achieving high marks for their own sake, not because they indicate high levels of learning. Also known as the achieving approach.</p>
<b>Технология</b>	– юононча “техне”, яъни	<b>Technology</b> - is the Greek

	<p>“маҳорат”, “санъат” ва “логос” – “фан”, деган сўзлардан олинган. Унинг ёрдамида манбаларда сифат ўзгаришлар рўй беради. Технология - бирор ишда, маҳоратда, жараёнда, санъатда қўлланиладиган йўллар, услублар тўпламидир (талқинли лугат).</p>	<p>word "technical," that is the "master" and "Logos" - "science". Changes as sources. Research, technology, skills and techniques used in the process, a set of methods.</p>
<b>Тьютор</b>	<p>(<i>Tutor</i>-лотинча) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маъруачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.</p> <p>Америка Кўшма Штатларида бу атама асосан бирон бир соҳа бўйича касбий йўриқнома берувчи шахс маъносини англатади.</p>	<p>A tutor is an instructor who gives private lessons. Shadow education is a name for private supplementary tutoring that is offered outside the mainstream education system.</p> <p>Normally, a tutor will help a student who is struggling in a subject of some sort. Also, a tutor may be provided for a student who wants to learn at home.</p> <p>In the United States, the term "tutor" is generally associated with one who gives professional instruction in a given topic or field.</p>
<b>Эдвайзер</b>	<p>(advisor)-французча “avisen”“ўйламок” талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойихаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.</p>	<p>An adviser or advisor is normally a person with more and deeper knowledge in a specific area and usually also includes persons with cross functional and multidisciplinary expertise.</p> <p>Advisoran employee of a college or university who</p>

		helps students to select courses or an academic major, and engaging in short term and long term educational planning (in some countries, the professor who offers a student academic/methodologic assistance to prepare the work/thesis job necessary to obtain the degree).
<b>Фасилитатор</b>	(инглиз тилида <i>facilitator</i> , латинча <i>facilis</i> —енгил, қулай)- гурӯҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гурӯҳдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.	Educators in dialogic learning and other peer instruction approaches often serve as facilitators. According to one common definition, an educational facilitator has the same level of knowledge about both education and the subject matter as a teacher, but works with the goal of having students take as much responsibility for their own learning as possible.
<b>Модератор</b>	Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра сұхбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.	It is a specialist in the organization of a panel discussion of the problems and the collective creative work with the students to ensure the absorption of new material in the course of practice. During a joint total group analysis of their actions and correcting their own mistakes and the rapid consolidation of any educational material will occur.

<b>Таълимда муаммолилик тамоилии</b>	муаммоли вазиятлар ва машғулотларни амалий йўналтирилганлиги ўкув материалининг ўзлаштирилиш самарадорлигини ошишига имкон беради. Бу тамоил тиббиёт таълим муассасаларида илк бор қўлланилган.	<b>Problem-based learning (PBL)</b> is a <u>student-centered pedagogy</u> in which students learn about a subject through the experience of solving an open-ended problem. Students learn both thinking strategies and domain knowledge. The PBL format originated from the <u>medical school</u> of thought, and is now used in other schools of thought too.
<b>Таълимга муайян мақсадга эришиш жиҳатидан ёндашиш</b>	Стратегик ёндашувга қаранг	Achieving approach to learning. See strategic approach.
<b>Таълимга стратегик ёндашув</b>	қўйилган вазифа эҳтиёжларига қараб ўз ўқиши услубини мослаштириб оладиган талабларни билдиради. Бу атама шунингдек таълимга муайян мақсадга эришиш жиҳатидан ёндашиш номи билан ҳам маълум.	Typifies students who adapt their learning style to meet the needs of the set task. Intention is external to the real purpose of the task, as it focuses on achieving high marks for their own sake, not because they indicate high levels of learning. Also known as the achieving approach.

## **VII АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I.Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5763-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги 797-сон қарори “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **II. Асосий адабиётлар**

1. Jesson K, Langley J, Clarke L and Hatfield K. Pharmacy undergraduate students: career choices & expectations across a four-year degree programme. A report for Royal Pharmaceutical Society of Great Britain.

2. Willis S, Shann P, Hassell K. University of Manchester: Centre for Pharmacy Workforce Studies; 2006. Studying pharmacy: who, when, how, why? what next? A longitudinal cohort study of pharmacy careers.
3. Wilson K, Jesson J, Langley C, Clarke L, Hatfield K. MPharm programmes: where are we now? Royal Pharmaceutical Society of Great Britain Available at:<http://www.rpsgb.org/informationresources/downloadsocietypublications/>. Accessed November 20, 2008.
4. Ишмуҳамедов Р. Ўқув жараёнида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни қўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008. – 68 б.
5. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2008.-180 б.
6. Ишмуҳамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари ўқитувчилари, тарбиячилари, гурух раҳбарлари учун амалий тавсиялар).– Т.: Истеъдод, 2010.-140 б.
7. Сайидаҳмедов Н.С., Абдураҳимов С.А. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Монография. Т.2010.- Б.94-97.

### **III.Кўшимча адабиётлар**

1. Russell J Teagarden. New Pharmacy Schools Needed. Am J Pharm Educ 2011 Mar;75(2):38a
2. Michael Hal Sosabowski, Paul R Gard. Pharmacy education in the united kingdom. Am J Pharm Educ 2008 Dec;72(6):130
3. Anderson C, Bates I, Beck D, Futter B, Mercer H, Rouse M et al.: The Pharmacy Education Taskforce: FIP and WHO move forward in developing pharmacy education. International Pharmacy Journal 2007, 22: 3-5.
4. Pucciarelli F., Kaplan Andreas M. Competition and Strategy in Higher Education: Managing Complexity and Uncertainty, Business Horizons, 2016. Volume 59
5. Anderson C, Bates I, Beck D, Brock T, Futter B, Mercer H et al.: Action! Update on the Global Pharmacy Education Consultation. International Pharmacy Journal 2008, 22: 6-8.
6. International Pharmaceutical Federation (FIP), United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization (UNESCO) and World Health Organization (WHO). Global Pharmacy Education Taskforce Action Plan 2008- 2010. [www.fip.org/education](http://www.fip.org/education).
7. Anderson C, Bates I, Beck D, Manasse Jr. HR, Mercer H, Rouse M et al.: FIP Roundtable Consultation on Pharmacy Education: Developing a Global Vision and Action Plan. International Pharmacy Journal 2006, 20: 12-13.
8. International Pharmaceutical Federation (FIP). A Global Framework for Quality Assurance of Pharmacy Education, Version 1.0. 6 August 2008

9. Maitreemit P, Pongcharoensuk P, Kapol N, Armstrong E. Pharmacist perceptions of new competency standards. *Pharmacy Practice* 2008, 6(3): 113-120.
10. Making pharmacy education fit for the future, Report of the Pharmacy Education R&D Reference Group, Royal Pharmaceutical Society of Great Britain. Available at: [http://www.rpsgb.org/pdfs/maphedfit\\_for\\_future.pdf](http://www.rpsgb.org/pdfs/maphedfit_for_future.pdf). Accessed November 7, 2008.
11. Bates IP, Davies JG, Murphy C, Bone A. A multi-faculty exploration of academic dishonesty. *Pharm Educ.* 2005;5:69–76.
12. Turnitin Homepage. <http://turnitin.com/static/index.html>. Accessed November 7, 2008.
13. Duggan C. Reforming educational career development for practitioners in the UK, presented at Trends in Pharmacy Education, European Association of Faculties of Pharmacy Meeting, September 20-22, 2007.
14. Michael Hal Sosabowski // Pharmacy Education in the United Kingdom. *Am J Pharm Educ.* 2008 Dec 15; 72(6): 130.  
<http://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC2661171/>
15. Harmonising Approaches to Professional Higher Education in Europe. EURASHE. 2013. Retrieved 2014-10-17.
16. Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойихалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш: Автореф. дис. ... доктора пед. наук. – Ташкент: ТГПУ, 2015. – 80 с

#### **Интернет ресурлар:**

10. [www.scopus.com](http://www.scopus.com)
11. [www.Ziyonet.Uz](http://www.Ziyonet.Uz)
12. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
13. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
14. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
15. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
16. [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz)
17. [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)